

V  
m89

МУСИКА  
ИЖОДИЁТИ  
МАСАЛАЛАРИ



*kii  
mgo*

ЎЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛАР УЮШМАСИ  
М. АШРАФИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
КОНСЕРВАТОРИЯСИ

МУСИҚА ИЖОДИЁТИ  
МАСАЛАЛАРИ

*Мақолалар тўплами*

II



ТОШКЕНТ  
«ЯНГИ АСР АВЛОДИ»  
2002

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА  
БАФИШЛАНАДИ**

*Масъул муҳаррирлар:*

*P. А. АБДУЛЛАЕВ —*

*Ўзбекистон Бастакорлари уюшмаси раиси,*

*Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби*

*P. Ю. ЮНУСОВ —*

*Тошкент Давлат консерваторияси ректори,*

*Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,*

*профессор*

*Тузувчи муҳаррирлар:*

*O. А. ИБРОҲИМОВ —*

*санъатшунослик фанлари доктори*

*X. РАҲИМОВ —*

*Ўзбекистон Бастакорлари уюшмаси раис*

*ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси санъат*

*арбоби*

**ISBN 5-633-01333-6**

© Тўплам. «Мусиқа ижодиёти масалалари»  
(II китоб), «Янги аср авлоди». 2002 йил

## **ТАҲРИРИЯТДАН**

**“Мусиқа ижодиёти масалалари” тўпламининг ушбу 2-китоби асосан мусиқашунос олимларимизнинг муҳим саналарга доир мақолаларини ўз ичига олади.**

Буюк Истижмол боис бошланган янги давр мусиқа ижодкорлиги ва шми соҳаларида умидли уфқлар, эътиборли изланишлар намоён бўла бошлади. Турли гоявий-мафкуравий тўсиқлар барҳам топгач, кўп асрлик милий маънавий қадриятларимиз бастакорлик ва композиторлик асарларида тараннум этила бошланди, айни пайтда анъанавий мусиқа ижодкорлиги – бастакорлик соҳасига бўлган муносабат ҳам тубдан ижсобий томон ўзгарди. Мусиқашунослик соҳасида янги мавзу, шу жумладан яқин ўтмашида расмий таъқиб остига олинган мавзулар ҳам кенг кўламда тадқиқ этила бошланди. Шу аснода давлат тилининг илмий мақоми ҳам тобора юксалиши кузатилмоқда.

Бу каби илмий-ижодий вазифаларни амалга оширишида Ўзбекистон Бастакорлар ўюшимасининг фаол аъзолари – бастакорлар, композиторлар ва мусиқашуносларнинг хизматлари салмоқли бўлмоқда. Бинобарин, мазкур тўплам янги давр мусиқа ҳаёти, унинг серқирра ижодий-илмий кўринишларини умумлашма тарзда тавсиф этишининг илк намуналаридан биридир.

Маълумки, она диёримизда газал мулкининг сultonи, туркий халқлар ифтихори, улуг мутафаккир Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратлари таваллудининг 560 ишилик санаси кенг нишонланмоқда. Хусусан, шу муносабат билан Республикамиз бўйлаб турли миқёсда илмий-ижодий анжуманлар ўтказилди, мутахассис олимларнинг китоблари чоп этилди, илмий мақолалари эълон қилинди. Ҳазрат Навоийнинг мусиқа амалиёти ва илми соҳасидаги хизматлари ҳам бекиёсдир. Шу жумладан аллома шоирнинг назмий мероси ҳозирги замон мусиқа ижодкорлигида муҳим аҳамиятга эга бўлши билан бирга мақомчилик анъаналарини ўрганишида ҳам қимматли манбалардан ҳисобланади.

“Мусиқа ижодиёти масалалари” мақолалар тўпламидан санъатшунослар, адабиётшунослар, маданият ходимлари, шунингдек маданият ва санъат маҳсус ўқув юртларида ўқув қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ВА МУСИҚА

Буюк Истиқлол шарофати ила мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида туб ислоҳотлар бошланди. Бу жараён ўлароқ санъаткорлар, шу жумладан, мусиқа ижодкорлари ва олимлари фаолиятида ҳам янги уфқулар намоён бўла бошлади. Биз бу ҳақда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Давлат мукофоти соҳиби Рустам Абдуллаев билан суҳбатлашдик.

**Давлат Муллажонов:** Рустам Абдуллаевич, мана ўн йилдирки композитор ва бастакорларимиз Миллий Истиқлол воқеълигига яшаб, ижод қилмоқдалар. Янги ҳаёт, янги шарт-шароитлар қай тарзда уларга таъсир ўтказмоқда?

**Рустам Абдуллаев:** Мустақиллик туфайли мамлакатимиз ўзининг барча соҳалардаги оламшумул ютуқлари билан жаҳонга тобора юз тутиб бормоқда. Кўҳна тарикга, ўзига хос ноёб анъаналарга эга бўлган миллий маданиятимиз ва санъатимизга ҳукуматимиз томонидан эътибор кучайиб, катта гамхўрлик кўрсатилаётгани ҳам биз, санъаткорларни беҳад қувонтирум оқда. Айниқса, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигига 1997, 1999, 2001 йиллари ўтказилган ва дунё мусиқа жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали республикамиз довругини жаҳон миқёсида яна бир карра намоён қилди. Чинакам мусиқа байрамига айланган ушбу фестивалдан таъсирланган чет эллик мусиқа арбобларидан ҳали-ҳануз мактуб ва телеграммалар келиб турибди. Бу эса ўзбек бастакорларига бениҳоя фахр ва илҳом бахш этмоқда. Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон мусиқа ижодкорлари Мустақиллик ила бошланган янги даврдан баҳраманд эканликларини ўзларининг сермаҳсул ва мазмунли асарлари билан ифода этмоқдалар. Чунки биз, композиторлар, Буюк Истиқлол боис том маънодаги ижод эркинлигига эришдик, ғоявий тўсиқлару таъқиблардан кутулдик. Шу билан бирга қалбимиздаги орзу-истакларни, кўп асрлик миллий қадриятларимиз билан узвий боғлиқ умумбашарий ғояларни таррнум этиш учун имконият юзага келди. Бошқача айтганда, ҳар бир ижодкор ўз сўзини санъат воситасида эркин ва

самимий айта олиш имконига эга бўлди. Ижодкор учун эса бу нарса ҳаводек зарурдир. Масалан, бир тасаввур қилиб кўрайлик, атоқли ўзбек композитори Икром Акбаров ўзининг «Баҳоуддин Балогардон» симфоник асарини ёки «Амир Темур» саҳна асарини сабиқ шўро тузуми даврида ижод қилиши мумкинми? Ёки айтайлик, забардаст композиторимиз Мирсадиқ Тожиев ижодида янги «сўз» бўлиб янграган, мазмунан эса ҳар қандай зулмни, мустабид тузумни қораловчи, айни пайтда, маънавий покликка даъват этувчи 16, 17 ва 18-симфониялари ёзилиши мумкинми? Худди шу каби саволни М.Бафоев, Ҳ.Раҳимов, А.Мансуров, Н.Норхўжаев, А.Эргашев, Д.Омонуллаева каби бастакорларнинг асарлари муносабати билан ўртага ташлаш мумкин. Жавоб эса барчага аён. Зеро сабиқ тузум раҳнамолари ижод соҳалари тизгинини ҳам ўз қўлларига олиб, эркин, ижодий фикр юритувчиларга қарши турли тазиийлар ўтказиб келганилари бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ўтган 10 йил давомида ижодкорларимиз яна бир муҳим синондан ўтишли. Ёдингизда бўлса, 1990-йилларнинг бошларида опера, симфония ва бошқа композиторлик жанрлари ҳақида қизғин баҳслар бўлиб, турли башоратлар айтилган эди. Гёё энди бу жанрлар ўзининг ижтимоий аҳамиятини йўқотгандек эди. Ҳаётий воқелик эса бунинг аксини кўрсатиб турибди. Бугунги кунга келиб композиторларимиз қарийб барча жанрларда баракали ижод қилишли, шу жумладан йирик жанрларда ҳам. Бунга мисол тариқасида М.Бафоев, Р.Абдуллаев, Ф.Янов-Яновский, Т.Қурбонов, Н.Фиёсовларнинг симфоник асарларини, М.Бафоевнинг «Ал-Фарғоний», Ҳ.Раҳимовнинг «Алпомиш ва Ойбарчин», С.Жалилнинг «Жалолиддин Мангуберди», И.Акбаровнинг «Ибтидо хатоси», Ф.Алимовнинг «Девона», «Супер қайнона», Б.Лутфуллаевнинг «Тақдир», Н.Норхўжаевнинг «Тўйдан олдин томоша» каби саҳнавий (опера, мусиқали драма ва комедия) жанрларини мисол келтириш мумкин.

Бастакорларимиз ижодида ҳам кўп асрлик мумтоз мусиқа анъаналари қайта жонланади. Масалан, устоз санъаткорлар Орифхон Ҳотамов ва Фаттоҳхон Мамадалиевлар «Ушшоқ», «Гиря», «Мискин», «Муножот», «Насруллоий» йўлларида янги асарларини ижод этишли. Шуни айтишини истардимки, уюшмамизга аъзо бўлган компози-

тор ва мусиқашуносларнинг илмий-ижодий фаолиятлари ҳукуматимиз томонидан муносаба баҳоланмоқда. Хусусан М.Бурҳонов «Буюк хизматлари учун» ва «Эл- юрт ҳурмати» орденлари, С.Бобоев, И.Акбаров, Ҳ.Изомов, О.Ҳотамов, И.Акбаров, Ҳ.Қўчқоров, Н.Қулабдулаев, Ф.Мамадалиев, Ф.Кароматли ва А.Исмоилов «Эл юрт ҳурмати» ордени, Н.Муҳамеддинов, Ф.Алимов, Б.Лутфуллаев «Меҳнат шуҳрати» ордени, Ҳ.Раҳимов, Ш.Шоймардонова «Шуҳрат» медали, Р.Абдуллаев, Қ.Заретдинов, Р.Юнусов, М.Маҳмудов «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» фахрий унвони, Т.Қурбонов, Н.Норхўжаев «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонлари билан тақдирландилар. Д.Омонуллаева «Дўстлик» ордени, М.Бафоев А.Қодирий номидаги Давлат мукофоти, О.Абдуллаева «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти соvrиндорлари бўлдилар. М.Маҳмудов, А.Эргашевлаf «Оғағин» мукофотига сазовор бўлдилар.

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан Ҳ.Раҳимов «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби», Р.Турсунов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонлари, Н.Янов-Яновская «Дўстлик», Б.Алиев «Меҳнат шуҳрати» орденлари, С.Карим-ҳожи «Шуҳрат» медали билан мукофотландилар.

**Д.М.:** Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 1998 йилдан бошлиб Тошкент шаҳрида (ҳар иккى йилда) Халқаро симфоник мусиқа фестивалининг ўтказилиши аньана тусини олмоқда. Бу қувонарли ҳол албатта. Чунки биламизки Оврўпо қитъясида симфониянинг XVIII-XIX асрлардаёқ ривожланган марказлари мавжуд эди. Ўзбек симфониялари ана шу нуфузли «мактаблар» даврасидан ўзига муносаб ўрин ололдими?

**Р.А.:** Вазирлар Маҳкамасининг халқаро симфоник мусиқа фестивалини ўтказиш ҳақидаги қарори ўзбек маданияти ва санъатини янада ривожлантириш, уни халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, жаҳонга танитиш борасида катта имкониятлар туғдирувчи муҳим тарихий ҳужжат бўлди. Бастакорларимиз ушбу қарорни мамлакатимиз мусиқа на moyndalariiga бўлган катта ғамхўрлик деб билиш билан бирга, ўзларига жиддий масъулият юклангандигини ҳам

чуқур ҳис этмоқдалар. Фестивалда қатнашган мамлакатлар географияси ранг-баранг. I-фестивалда 16 мамлакатдан, II-фестивалда 21 мамлакатдан, шу жумладан Австрия, АҚШ, Франция, Люксембург, Буюк Британия, Болгария, Туркия, Таиланд, Корея, Хитой, Миср Араб Республикаси, Қозогистон, Қирғизистон, Туркменистан каби давлатлардан композитор, дирижёр ва мусиқашунослар иштирок этдилар.

Сүнгти йилларда миллий мусиқамиз, шу жумладан, замонавий ўзбек симфоник мусиқаси ҳам жаҳон миёсига тобора кўпроқ шуҳрат қозонмоқда. Ўнлаб ўзбек санъаткорлари, ижодкор ёшлиар хорижий мамлакатларда ўтказилган турли мусиқий анжуманлар, ҳалқаро танловларда муваффақият билан қатнашиб, Ўзбекистон санъатининг шон-шуҳратини ошириб келаётганилиги эътиборга лойиҳадир. Жумладан, Улугбек Полтонов, Мадина Файзиева, Сайёра Фофурова, Фазлиддин Ҳусанов, Дониёр Холиқов, Нодир Ҳошимов, Алишер Султонов, Наргиза Олимова каби истеъоддли пианиночи ва скрипкачилар Грузия, Италия, АҚШ, Польша, Испанияда ўтказилган ҳалқаро танловларда юксак маҳорат намойиш этиб юқори ўринларни эгаллашди. Туркияда ўтказилган нуфузли ҳалқаро фестивалда иштирок этган Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри мазкур анжуманинг олий совринига сазовор бўлди. Шунингдек, композиторларимиздан Д.Сайдаминова 1999 йили Швейцария ва Германияда Ҳалқаро танловларида қатнашиб соvrинли II ўринни эгаллади. 1993, 1994, 1995, 1996, 1997, 1998 - йилларда Таиланд Ҳалқаро фестиваларида Р.Абдуллаевнинг ф-но ва симфоник оркестр учун 1, 3 ва 5 -концертлари ижро этилди. 2000 йилда Анқарада Ҳалқаро мусиқа фестивалида торли квартет қатнашиб, И.Акбаров, Р.Абдуллаев, М.Бафоев, Ҳ.Раҳимов, Ф.Алимов, А.Мансуров асарлари ижро этилди. 2000 йилда АҚШ да “Ипак йўли” дастури бўйича М.Бафоев, А.Латифзода, Д.Янов-Яновский асарлар ёздилар ва қатнашдилар. 2000 йилда Д.Сайдаминова Австрия Ҳалқаро танловида муваффақиятли қатнашди. Яъни, ҳулоса қилиб айтганда, Мустақил Ўзбекистонимизда ҳам бу соҳа юксак даражада ривожланганки, биз жаҳоннинг ҳар қандай давлати билан бу борада бемалол куч синашишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам хорижий санъ-

аткорларни юртимизга таклиф этиб, уларни эришган ижодий ютуқларимиз билан, мустақиллик йилларида яратилган мусиқий асарларимиз билан таниширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Фестивалнинг рамзида ер курраси узра Ҳумо қуши парвоз қилаётгани акс эттирилган. Бу эса халқимиз орзу-умидлари, баҳту-иқболи, келажакка бўлган ишончи, тинчлик, дўстлик мақсадлари мусиқа орқали дунёга таралишини билдиради. Мусиқа анжуманинг асосий мақсади — ўзбек миллий симфоник мактабининг ютуқларини халқаро миқёсда тарғиб ва ташвиқ этишдир. Айни пайтда жаҳон симфоник мусиқасининг янги-янги намуналари илк бор Тошкентда ижро этилади. 2002 йил сентябр ойида эса нағватдаги III Халқаро симфоник мусиқа фестивали бўлиб ўтади.

**Д.М.: «Кичик» жанрлар ва уларнинг композиторларимиз ижодида тутган ўринини қандай баҳолайсиз?**

**Р.А.:** Ўтган ўн йил мобайнида композиторларимиз ижодида «кичик» жанрлардан шубҳасиз кўшиқ етакчи ўринни эгаллади. Бу тушунарли албатта. Чунки энг оммабоп жанрлардан бўлган кўшиқ воситасида ижодкор миллионлаб кишилар онгига, руҳиятига таъсир ўtkаза олиши, шу алфозда улар билан ўзига хос «мулоқот» қилиши мумкин. Албатта бунинг учун шу кичик жанрнинг «кatta ижодий талаб»ларини уddyalай олиши, хусусан, лўнда, сермазмун ва ҳаммага манзур куй ижод қилиши лозим бўлади. Боз устига кўпчилик композиторларимиз бу ижодий масалани ҳам ижобий ҳал эта олишларини кўрдик. Ҳар ҳолда бугунги кунда радио-телевидение ва бошқа техник воситалар орқали Н.Норхўжаев, Ф.Алимов, Д.Омонуллаева, А.Эргашев, А.Икromov, А.Расулов, Ҳ.Раҳимов, А.Мансуров ва яна бошқа кўплаб композиторларимизнинг оммавий кўшиқлари тез-тез янграб туришига гувоҳмиз. Энг сара кўшиқларимиз умум таълим мактабларининг мусиқа дарслари жараёнита жорий этилмоқда. Шу билан бирга композиторларимиз “Ўзбекистон — Ватаним маним” кўшиқ байрами ва танловларида фаол қатнашмоқдалар. Ҳалқ таълими вазирлиги билан болалар қўшиқлари танлови мунтазам ўтказилмоқда ва уларнинг энг саралари танлаб олинниб, “Ўзбекистон — Ватаним маним” номи билан бешта кўшиқлар тўплами чоп этилди. Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги билан ҳам ҳамкор-

ликда ёшлар учун қўшиқлар танлови ўтказилиб, “Ватан кўнглимиизда” тўплами босиб чиқарилди.

Муаммолар ҳам йўқ эмас, албатта. Ёзилаётган барча қўшиқларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бу ўринда ҳам асосий масала ўша “кўй-оҳанг”, тематизмга бориб тақалади. Масаланинг моҳияти шундан иборатки, композитор бир томондан шу кун талабларига жавоб бера оладиган “замонавий” куй асосини тўқиши керак бўлса, иккинчи томондан — бу қўшиқ куйида миллий негиз, “миллий томир” сезилиши керак. Гоҳо ёш композиторларимиз масаланинг бир томонини уddeлаб, бироқ унинг бошқа муҳим сифатини унтиб қўядилар, баъзан эса ўз услубларини бир “четга” қўйиб “эстрада” гуруҳлари услубига эргашиб кетадилар.

Умуман олганда, бу масала алоҳида муҳокама ва мубоҳаса мавзуидир. Бастакорлар уюшмаси ёшларимиз ижодига бефарқ бўлолмайди. Биз эндиликда эстрада гуруҳлари билан янада яқин мулоқотда бўлишимиз, уларга имкон қадар малакали ёрдам беришимиз керак бўлади. Бугунги давр талаби ҳам шу. Бу йўналишда композиторларимиз ўзларининг ижод “қадамлари”ни қўйдилар. Биз ёшлардан “жавоб қадамлари”ни кутамиз. Яъни турли эстрада гуруҳларида банд бўлган ёшларимиз учун Бастакорлар уюшмасининг эшиги доим очиқ бўлади ва биз улар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

**Д.М.: Бастакорлар уюшмасига аъзо мусиқашуностар фаолияти ҳақида ҳам фикр билдирангиз?**

**Р.А.:** Шу кунга қадар уюшмамиизда 20 дан зиёд мусиқашунос фаолият кўрсатиб келмоқда. Уюшма қошида ‘Мусиқашунослик ва танқидчилик” бўлими бор. Унда соҳа олимлари йиғилишиб, долзарб муаммоларни баҳс итадилар, янги нашр ёки муҳим мавзудаги мақола, маънуз, радиоэшиттириш, телекўрсатув ва ҳ.з.ни таҳлил итиш, шунингдек ўтказилажак илмий-ижодий анжуман ва бошқа тадбирларни муҳокама қилишади.

Уюшмамииз моддий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолга мусиқашуносларимизнинг илмий асарларини нашр этиш шларини йўлга қўймоқдамиз. Масалан, фақат сўнгти уч йил гчида “Мусиқа ижодиёти масалалари”, А.Жабборовнинг Мусиқий драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон компози-

торларининг ижодиётида”, Т.Головянц ва Е.Мейқеларнинг “Композиторы и музыковеды Узбекистана”, номли китоблари чоп этилди. “Мусиқа ижодиёти масалалари” номида қайд этилган китоб аслида мусиқашунос олимларимизнинг илмий мақолаларидан иборат тўплам бўлиб, биз уни мунтазам нашр этиш ниятидамиз. Қувонарли томони шундаки, мусиқа фанимиз ва умуман, мумтоз мусиқа хусусида ўзбекона тафаккур қилиш, ёзма равишда илмий баён қила олиш масаласи хурматли олимларимиз гайратлари ила деярли ҳал бўлди. Яқин ўтмишишимизда эса бу ҳақда ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Мусиқа шу носларимиз мусиқий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларда ўзларининг янги дастур, ўқув қўлланма ва дарслилари билан ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Шу билан бирга, олимларимиз “Шарқ тароналари” ҳалқаро мусиқа фестивали ва “Ҳалқаро симфоник мусиқа фестивали” доираларида ўтказилаётган илмий анжуман ва бошқа нуфузли тадбирларда ўз маъruzалари билан қатнашмокдадар.

**Д.М.:** Рустам Абдуллаевич, сўнгти ўн йиллик мобайнида эстрада мусиқаси ҳам тобора муҳим ижтимоий аҳамиятта эга бўлмоқда. Шу боисдан Давлатимиз томонидан мазкур оммавий санъат турининг ривожланишига қаратилган қатор муҳим қарорлар имзоланди. Бу соҳага доир фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз?

**Р.А.:** Дарҳақиқат, миллий эстрада мусиқа соҳаси республикамизнинг ҳозирги замон маданияти тизимида муҳим ўрин тутмоқда. Сўнгти ўн йил давомида юргимизда эстрада санъатини ривожлантириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқбол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи етук мусиқий асарлар ижод этиш ҳамда истеъдодли ёш ижодкорларнинг касбий ва маънавий камол топишига имкон яратиш мақсадларида қатор чоратадбирлар амалга оширилди.

Аввало шуни айтиш керакки, Мустақил юртимизда мазкур соҳани ривожлантириш мақсадида амалга оширилган муҳим тадбирлардан бири унинг таълимига асос солиниши, десам муболага бўлмайди. Хусусан, 1996 йилда М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида эстрада мусиқаси факультети, Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги эстрада-цирк студияси негизида

Эстрада-цирк коллекти ҳамда сўнгти йилларда республика миздаги бир неча маҳсус ўқув юртларида эстрада бўлимлари ва синфлари очилди. Мазкур ўқув муассасаларнинг асосий мақсад ва вазифаларидан бири бугунги кунда эстрада санъатида кучайиб кетган “ҳаваскор”лар сафини билимли, касбий йўналиши томонидан пухта ижодкор ва ижрочилар билан таъминлаш деб биламан.

Сир эмаски, ҳозирги эстрада мусиқамиизда мусиқий “қароқчилик” услубида “ижод” этилган асарлар сони кўпайиб кетди. Миллий қадриятларимиз тикланётган даврда бу каби асарлар телерадиоканаллари, аудио-видео тасмалари орқали тарқатилиб, ёш авлоднинг руҳий озуқаси бўлиб келаётган эди. Шу боис ҳам давлатимиз томонидан миллий эстрада санъатимиздаги салбий йўналишларга чек қўйиш ва уни тўғри йўналитириш мақсадларини кўзлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Эстрада қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида”ги (2001 йил, 26 июн № 272) қарори қабул қилинди. Ўйлаймизки, ушбу қарор эстрада соҳасида ҳам миллий ўзига хосликни сақлашга қаратилган ўта муҳим чора-тадбирлардан биридир. Шу билан бирга, мазкур қарор ўзбек композиторларига ҳам тааллуқлидир. Айтмоқчиманки, мазкур қарор биз, композиторларни ҳам ушбу жараёнда фаолроқ бўлишга ундайди. Бу фаолият йўналишида энг аввало эстрада ижодкорлари ва ижрочилари билан ҳамкорликнинг янги даражаси бўлмоғи лозим. Яъни, биз, композиторлар майдонга чиқаётган янги ижодий гурӯҳлар ва хонандалар учун асарлар ижод қилишимиз, ўз навбатида улар яратган асарларни “пардозлаб” беришимиз керак. Шунингдек, композиторларимиз ўз асарларида замонавий, миллий мусиқий анъаналаримиз руҳида юқори бадиий савиядаги эстрада мусиқа асарларини ижод қилишлари намунали даракада бўлмоғи лозим. Ана шундагина эстрада мусиқаси кенг эмманинг эстетик дидини тарбиялаш ва ўстиришда ўз ҳиссасини қўша олади.

Суҳбатни мусиқашунос  
Давлат МУЛЛАЖНОВ тайёрлади.

## *Равшан ЮНУСОВ*

### **ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ ВА МУСИҚИЙ ЖАРАЁН**

Инсон зоти қадимдан эзгуликни ардоқлаган ҳолда озодлик, эрк, ҳурриятга эришиш орзу-умидлари билан яшаб келган. Ер юзидағи халқлар бундай муроду мақсадлар сари доимо интилиб, яширин ёки ошкора ҳаракатда бўлгани узун тарихдан аён. Дунё ҳамжамияти босиб ўтган тараққиёт йўли яна шундан далолат берадики, моҳияти бўйича муштарак тушунчаларнинг муҳим ва ажратиб бўлмас қираларидан бири “маънавий” озодликдир.

Дарҳақиқат, ўтган XX асрда турли мамлакатларда, шу жумладан Марказий Осиё минтақасида рўй берган жаҳоншумул аҳамиятга молик воқеликлар туфайли ҳурфикрлик ила халқпарварлик, миллатпарварлик ила инсонпарварлик тамойиллари олд ўринни эгаллади. Бу эса ўз навбатида башарият томонидан айниқса юксак қадрланаётган тинчлик, тутувлик, барқарорлик, тараққиёт каби эзгуликка чорловчи ғояларга йўғрилган илгор тафаккурнинг меваларидан бўлди.

Ниҳоят, бундан ўн йил муқаддам, 1991 йилда ўзбек халқининг давлат мустақиллигига эришиш асрий орзу-умидлари ушалди. Бунинг пировард натижасида нафақат сиёсий, иқтисодий, балки ижтимоий-маданий турмушимизда ҳам жуда қисқа мuddатларда тарихан мисли кўрилмаган ижобий ўзгаришлар, тараққийпарвар янгилинишлар амалга ошиди.

Табиийки, эндиликда озод Ватанимиз ҳар бир фуқаросининг ҳаёти ва фаолияти кўп жиҳатдан янгича тафаккур қилишига, жамиятда ўз ўрнини топа билишига, маънавий муҳитнинг барқарорлигига, соғлом турмуштарини қўллаши орқали том маънодаги барқамолликка интилиш сайъи-ҳаракатларига боғлиқ.

Бу ўринда жамиятимизда вужудга келган маданий-маърифий шарт-шароит ва шахс эҳтиёжлари ўртасида мутаносибликни юзага келтириш муҳим аҳамият касб этади. Назаримизда, бежиз пайдо бўлмаган “ўзликни англаш” иборасининг маъно ва мазмуни барча авлод-

лар қизиқишини, айниңса ёш авлод вакиллари ўз интилишларини рўёбга чиқара олиши учун зарур имконият туддириш ҳамда бунинг учун етарли муҳит яратиб берилишида бўлса керак.

Шахс маънавий эркинлиги ҳамда моддий фаровонликнинг ўзаро нисбатлари ҳам эътиборга молик жиддий мавзулардан. Бу борада собиқ шўро даврида кенг тарғиб ва ташвиқ қилинган «инқилобий», «пролетар»ча гояларнинг сохта ва алдамчи бўлгани, маънавий-ижтимоий жиҳатдан эса катта зарап келтиргани яқин ўтмиши мизда яна бир карра амалда исботини топди. Унинг айрим асоратларидан эса батамом қутилиш анча қийин кечмоқда.

Ҳар бир давр, ҳар янги замон муайян жабҳаларда ютуқлар қўлга киритилиши, маданият ва маънавият ўсиши, бойиши, ёхуд аксинча – тўхташ, орқага қайтиш, инқирозга юз тутиш каби тарихий жараёнидаги авж нуқталари билан баҳоланиши мумкин. Яқин-узоқ ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам кишининг турмуши, меҳнат фаолияти, маданияти, маънавияти, назаримизда, аввало ҳалол йўл билан ўзига ва жамиятга фойда келтириш, тўпланган миллий ва умуминсоний қадриялардан баҳраманд бўлиш, маъқул бўлганларини ўзлаштириш мезони билан ҳам ўлчанади.

Эътироф этиш мумкинки, ўзбеклар эл-юрти кўп асрлик ривожланишнинг барча босқичларида илм-фан, адабиёт, санъат жабҳаларидағи ютуқлари билан ўзининг ва ўзга мамлакатларнинг ривожланиши учун таъсирли омил бўлиб хизмат қилди. Бунда умумижтимоий муҳитдан ташҳари ҳар бир шахснинг ақл-заковати, ижодий салоҳияти, руҳий куч-кудрати, ақлий ва жисмоний меҳнаттага лаёқати, эзгуликка ўзини сафарбар қилиш каби фазилатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган.

Диққат билан қаралса, адабий, бадиий, хусусан мусиқий ижодиётда кўп нарса «туфайли» ёхуд «қарши» тушунчалар замираida юзага келиб, у ёки бу «сабабли» таърифларга мойил экан. Шу боисдан ҳаёт ва жамият воқелиги тақозо этишини, ижодий жараёнларнинг булар билан бевосита ва билвосита боғлиқлигини, шунингдек, шахс улушини ҳисобга олиш даркор. Бинобарин, «замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» — пурмаъно ҳикматли сўзлар бежиз айтилмаган.

Мустабидлик даври ижодиёт жабҳаларининг фақат салбий томонларини кўзлаш, уларни бўрттириб кўрса-тиш билан чекланиш — холис ёндашув аломатларидан эмас, албатта. Зеро, аслида воқеа ва жараёнлар истиқ-лолга қадар ўтган етмиш, қолаверса ундан ҳам давом-лироқ муддат — қарийб бир юз ўттиз йил ичida жуда мураккаб, кескин зиддият ва тафовутларга тўла бўлган.

Шу вазиятларга қарамай, айни даврлар ичida илм-фан, ижодкорлик борасида фаҳрланишга арзигулик ютуқлар ҳам қўлга киритилганлиги сир эмас. Яққол мисол сифатида мусиқа ижодиёти, ижрочилиги, илм-фани, таълими сингари соҳаларни олиш мумкин. Албатта, аксинча мисоллар ҳам талайгина. Чунончи, бу давр-нинг ўта салбий томонларидан бири, бизнингча, маънавий ҳаётимизни тобора сиёсийлаштирилуви, айниқса миллий қадриятларимизни менсимаслик ва топталишига йўл қўйилиши, халқчил йўналишларга «бепарво»лар-ча муносабат кўрсатилиши, шунингдек азалий халқаро маданий алоқалар ривожланишига сунъий тўсиқлар қўйилиши, сезиларли зарар етказди.

Эслайлик, мустабидлик даврида «миллийлик», «миллий ўзига хослик» сингари ибораларнинг туб тамойиллари тобора сўндира борилган эди. Миллатпарварлик, халқпарварлик йўсингдаги кўплаб ижтимоий сайъи-ҳаракатлар Россиядан ўзга ўлкаларда, хусусан республика-мизда ҳам, очиқдан-очиқ «миллатчилик»ка, «маҳаллий-чилик»ка тенглаштирилди. Бунинг оқибатлари ўзбеклар учун, Ўзбекистон халқи учун қанчалик оғир мусибатларга олиб келгани мустақиллик шарофати билан ошкор этилди.

Ҳозирги замон ўзбек мусиқа ижодиёти сержабҳа ва кўлами кенг, услубан бой ва ранго-ранг, катта ва шиддатли жараён сифатида гавдаланади. Зотан, миллий мусиқа санъатимиз жуда қадим, бетакрор ва ноёб анъ-аналарга эга бўлгани ҳолда, замона зайлни билан янги янги йўналиш, шакл, жанр, услублар билан янада бойиб бормоқда. Демакки, асрлар оша биззача етиб келган ардоқли навобахш меросимиз қатори бир неча авлод ижодкорларининг кўркам мусиқий анъаналари маданий-маънавий мулкимизга айланди.

Ҳар қандай санъат тури ҳар хил воситалар орқали ҳаётий воқеликни акс эттиришга қодир экан, сўнгги тахминан юз йиллик мобайнида Ўзбекистон мусиқасининг ривожланиши нечоғлик мураккаб ва ўзгарувчан ижтимоий шароитларда кечганини бир тасаввур қиласалди. Ҳусусан, 20- йиллардан эътиборан композиторликка хос ифода воситаларининг изчил жорий этила бошланиши миллий маданиятилизда мусиқа ижодкорлигининг янги тизими барпо этилишидан далолат берди. Табиийки, тез орада ўзбек халқ ижодиёти, анъанавий бастакорлик ҳамда ҳаваскорлик сингари ўзаро чамбарчас боғлиқ қатламлар билан айни замонда, миллий қадриятларимизга, таъбир жоиз бўлса, “ноанъанавий” композиторлик ижодкорлиги муҳим тармоқ сифатида қўшилди.

Умумбашар маданий тараққиётни назарда тутган тақдирда мазкур жабҳа ўлкамизда тарихан жуда қисқа муддат ичида узил-кесил шаклланиб, самарали ривож топганини алоҳида эътироф этиш шарт. Ҳарбий ва Шарқий Оврупо мамлакатлари тажрибасидан унумли фойдаланибгина қолмай, ўзгача яратувчилик қонун-қоидаларни ўзлаштириш, уни ўзбек халқ мусиқасининг бой имкониятлари билан моҳирона пайванд қилиш ҳаракатида илгор композиторларимиз нафақат Марказий Осиё, балки Шарқ минтақаси доирасида улкан ютуқларни қўлга киритишига муваффақ бўлишиди, десак асло муболага эмас.

Том маънода янгича муаллифликка мансуб мусиқий услугда ноёбликка дахлдор замонавий асарларни яратиш, жаҳон халқлари мусиқаси ривожланишини ҳисобга олиб, тобора янги-янги ижодий уфқларни очиб бориш билан таърифланувчи байналмилал жараёнга Ўзбекистон ўз муносиб улуши билан дадил кира олди. Касбий улғайиш босқичларини тезкорлик билан ўтаб, ҳар томонлама етуклик палласига кўтарилиши билан “ўзбек композиторлик мактаби” дунё мусиқа маданиятида ўзига хос ва мос ўринни эгаллашга интилди.

Назаримизда, асосан XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган ана шундай ижодий майиллик даражаси авваллари айрича ҳолда бўлган икки тоифадаги мусиқий тафаккур анъаналарининг ўлкамизда ўзаро узвий муштарақлигига эришилганлиги билан ҳам белгилана-

ди. Шу боисдан кўповоозлик услуб ила бунёд этилган турли жанрлардаги бадий жиҳатдан баркамол, мумтоз асарлар маънавий қадриятларимизнинг жаҳоншумул салоҳиятини янада ошириди.

Мингтақамизда айнан ўзбек симфоник мусиқаси 70-80-йилларда пешқадам сафга чиқиб олганини эслаб ўтайлик. Бу ўринда республикамизда, қўшни ва қатор узоқ хорижий мамлакатларда ўтказилган нуфузли маданий тадбирлар, концерт, кўрик-танлов ҳамда фестивалларда катта муваффақият билан ижро этилган ўзбекона поэмалар, сюиталар, увертюралар, фантазиялар, чолғу концертлар ва симфониялар халқаро мўсиқа жамоатчилиги диққат-эътиборини қайта-қайта ўзига жалб қилган.

Таъкидлаб ўтиш керакки, бугунги кунда халқаро мусиқий алоқаларимиз буткул бошқача сиёсий-ижтимоий вазиятда, яъни зеркин ва бевосита ҳамкорлик ўрнатиш йўлидан ривож топмоқда. Бу туфайли мавжуд имкониятлар тобора кенгайиб, бутунлай янги тус ва даражага кўтарилиган. Бинобарин, 1991 йил неъмати бўлмиш Буюк Истиқбол гоялари бизни яқин ва узоқ ўтмишимиизни қайта кўриб чиқиб, унга тўғри ёндошишга, янгича – мустақиллик тафаккури ила халқчиллик, миллатпарварлик ҳамда ватанпарварлик мезонлари асосида муносабат билдиришга, халқаро ижодий алоқа ва ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашга ундумоқда. Айни ҳозирги замон ўзбек миллий мусиқа маданияти равнақи учун ҳам, ижодиёти ва ижрочилиги учун ҳам бундай талаблар ниҳоятда муҳим аҳамият караб этмоқда.

Бугунги кунда ўзбек мусиқа санъати нафақат асланъанавий кўринишларида, балки композиторлик йўналишида ҳам халқаро миқёсда тобора кенгроқ тан олинмоқда. Бу маънода соф чолғу мусиқаси, хусусан унинг энг мураккаб саналмиш симфоник ижодиёти алоҳида эътиборга молик.

Табиийки, Ўзбекистон композиторлик санъати ҳали нисбатан навқирон ёшда бўлгани сабабли унинг турфа меваляридан баҳраманд бўлаётганларнинг кўлами исталган дараҷада кенг эмас. Бу йўналишида яратилган бадий баркамол асарларнинг тингловчиларимиз оммаси томонидан тушунилиши, идрок этилиши, “магзини чақилиши”га қаратилган маърифий-тарғибот ишларимизда нуқсонлар кўп, муҳим ва долзарб вазифаларимиз ҳам талайгина.

Эндилиқда республикамиз композиторлариги шунчаки хил-ма-хил мусиқа жанrlарида ёзиш ва изланиш тажрибаларидан иборат бўлмай, балки ардоқли анъаналарига, мумтоз намуналар хазинасига эга сермаҳсул оқимдир. Уни турли йилларда аввало ҳалиқчил куй-оҳанглар заминида яратилган ноёб ва бетакрор асарлар ташкил этади. Зеро, ҳар қандай андозада басталанган мусиқанинг миллийлик, бадий баркамоллик, ўзига ҳослиқ, мазмундорлик, таъсирчанлик каби фазилатлари ҳамиша қадрлидир.

Юксак касб маҳорати, теран билимдонлик, нозик дид билан кўхна миллий анъаналарга таяниб яратилган асарларнинг умри боқийлиги биргина ўзбек симфоник мусиқаси мисолида яққол намоён бўлиши мумкин. Жумладан, 30- йилларнинг иккинчи ярмида яратилган Алексей Козловскийнинг овоз ва симфоник оркестрга мослаштирилган эҳтиросли “Тановар” поэмаси, “Лола” сюитаси, Рейнгольд Глиэрнинг “Фаргона байрами” шодиёна увертюраси тингловчиларга ҳамон олам-олам завқу шавқ бағишлаб келмоқда.

Симфоник оркестр иштирокида ижро этилишга мўлжалланган ўлмас кашфиёт даражасидаги асарлар орасида Мутал Бурҳоновнинг сўз устаси, яккахон, хор ва симфоник оркестр учун “Алишер Навоийга қасида”си, Мухтор Ашрафий, Георгий Мушель, Сулаймон Юдаковларнинг қатор симфоник асарлари, Дони Зокировнинг “Лирик поэма”си, Борис Надеждиннинг “Болаларга” сюитаси, Икром Акбаровнинг “Шоир хотирасига”, “Эпик поэма”лари, “Почта”, “Самарқанд ҳикоялари” туркумлари, Сайфи Жалилнинг “Самарқанднома” симфонияси, Тўлқин Қурбоновнинг симфоник куйлари, Мирсадиқ Тожиевнинг “Шоир севгиси” поэмаси ва 19 та муҳташам симфониялари, Мирҳалил Маҳмудовнинг 3 та симфонияси, Нурилла Зокиров, Мустафо Бафоев, Рустам Абдулаев, Ҳабибулло Раҳимов, Надим Норхўжаевларнинг сара асарлари, шунингдек, Нуриддин Фиёсов, Аваз Мансуров, Анвар Эргашев ва бошқа иқтидорли ёш ижодкорларнинг ютуқлари симфоник мусиқамиз равнақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Вақт ҳаками мусиқа санъати салоҳиятининг асл мезонлари ўткинчи эмаслигини яна бир карра исботлади. Яъни, айтиш жоизки, Ўзбекистонда мусиқа ижодкорлиги сўнгти



ўн йил ичида ўз замини, мустаҳкам пойдеворига қайта эга бўлди. Эндиликда Истиқлол шарофати ила азалий миллий қадриятларимизни тиклаш, уларни изчил ривожлантириш, гуллаб яшнаши учун барча шарт-шароитлар яхшиланиб, ўзбек мусиқасини жаҳонга танитиш сайъи-ҳаракатлари ҳар қанча таҳсинарга сазовор.

Дарҳақиқат, миллий мусиқа санъати гуллаб яшнашининг асл омиллари бисёр. Бундай даврлар, шукурки, қарийб уч минг йилликдан зиёд тарихимида кўп бўлган. Ахир, худди шу боисдан биз жуда бой, ранг-баранг, кўлами кенг, услубан хилма-хил, қиймати чин маънода бебаҳо даражали улуғвор меросга эгамиз. Масалан, ўрта асрларда фақат мумтоз ижодкорлик қатламида «ўн икки мақом»дек муҳташам тизим, унинг негизида шаклланиб бизгача етиб келган Бухоро ва Хоразм мақом туркумлари, Тошкент-Фарғона мақомлари, сурнай мақом йўллари, бошقا бастакорлик маҳсуллари, кўдна адабий-музиқий достонларни кўрсатиш кифоя.

Миллий чолгуларимизнинг тоифалари кўплиги, турфа якка ва жўрнавозлик ижро анъаналарининг ўзига хослиги бўйича миллий мусиқа санъатимизга дунё узра тенг келадиганини топиш қийин. Шарқ мусиқа илмининг асосчиси деб бутун жаҳонда тан олинган ватандопшимиз Абу Наср Форобий, буюк алломаларимиздан Абу Али ибн Сино, Абдулқодир Мароғий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Зайнулобиддин Ҳусайний, Кавқабий Бухорий, Дарвиш Али Чангий ва бошқалар шарқона, жаҳоншумул аҳамиятга молик ноёб назарий ва эстетик қарашларни ишлаб чиқсан ҳолда мумтоз мусиқий асарларнинг ҳам муаллифи сифатида кенг танилганлар.

Ана шундай ҳалқчил ва устозона қатламлар орқали бизгача етиб келган мусиқий бойликлар туфайли тарихан жуда қисқа муддатларда Ўзбекистонда янада янгича, кўп овозли миллий композиторлик ижодиёти узилкесил шаклланди, ўз қиёфасига эга бўлди, жадал равнақ топди. Бунда ҳалқ мусиқамиз, айниқса мақомчилик анъаналари нафақат ҳаётбахшликни таъминлади, балки ҳосилдор замин бўлиб хизмат қилди.

Маълумки, улуғвор мақом санъати миллий-маънавий мулкимизнинг энг қимматли ва ардоқли хазинасиdir. Унинг асл намуналаридан неча-неча авлодлар баҳраманд

бўлиб келишмоқда. Ҳатто кенг кўламли тарғибот учун расман тақиқланган пайтларда ҳам мақомларнинг ма-вқеи, амалий-ҳаётий моҳияти сақланиб қолаверди. Ҳалқ-имизнинг юксак онги, диди, руҳий талаб ва эҳтиёжлари-га бастакорлик ижодиёти, устозона ҳофизлик ва созанд-лик ижрочилиги маънавий озуқа бериб келган. Шу боис бундай санъат усталари эл-юргимиз орасида ҳамиша қад-рланганлар, эъзозланганлар.

Истиқлол замони мусиқа ижодиётини эски сиёсий-мафкуравий тазииклардан халос эттиргани рост. Шу қаторда у кўҳна мумтоз анъаналаримизнинг тўла тик-ланишга, айниқса ёш авлодларни билимдон, саводхон, маънавий баркамол даражада тарбиялашга мисли кўрил-маган имкон ва шароитлар туғдирди. Хусусан, биз ай-нан мустақиллик даврида кўҳна мақом ижрочилиги ва анъанавий ижодкорлигида юзага келган янгича ижодий салоҳиятни кўришга, тикланишини кузатишга мұяссар бўлмоқдамиз.

Диний-фалсафий ашулалар масаласига келсак, булар аввало бизнинг тарихий борлигимиздир. Кимгadir гайри-табиий туюлса ҳам, бу йўналишга тўсиқ бўлмаслик асли-да озодлик, эркинлик, юксак маданиятта хос чинакам де-мократик тамойилларнинг амалдаги яқъол ифодаси бўлса керак. Чунки мумтоз Шарқ шеъриятида битилган илоҳий, тасаввуфона мавзулар ўтмиш мусиқамиизда ўзининг оҳан-грабо, таъсирчан ифодасини топган ва қадрланган. Бундай ашулаларнинг ўз тингловчилари, асосан кексалар ора-сида шинавандалари, муҳлислари бор.

Кези келганда шуни ҳам эътироф этиш жоизки, Оврўпо-га турдош замонавий мусиқа ижрочилиги бўйича, жумла-дан фортециано, торли, дамли ва зарбли чолгулар, акаде-мик услубдаги хонандалик ихтисосликларидан кўплаб иқти-дорли ёш мусиқачиларимиз вояга етди. Уларнинг аксария-ти республика ва чет мамлакатларда нуфузли ҳалқаро тан-ловларда иштирок этишиб, голиб ва совриндорликни қўлга киритишаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Асримиз аломатларидан ҳисобланмиш, асосан ёшлар-боп эстрада мусиқамиизчи? Унинг довруғи ўз вақтида Бо-тир Зокировнинг сеҳрли ижрочилик санъати туфайли илк бор ўлкамиз довонларидан ошган бўлса, кейинчалик

«Ялла» гуруҳи ила давом эттирилиб, ўзбекона оҳанг-усулларни эл-юртларга таратди. Мустақиллик йиллари эса чинакам миллий эстрада мусиқамиз янги босқичда республикамиз бўйлаб, жаҳон саҳналари узра эркин ва жадал суръатларда равнақ топмоқда. Бу сингари мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Ёшларга қарата мақсад қилиб ишлатилаётган «маънавий баркамоллик» иборасини ҳамма ҳар хил тушуниб, идрок этиши эҳтимолдан холи эмас. Адабиёт, шеърият ва барча санъат турларини зинҳор камситмаган ҳолда таъкидлаб ўтмоқчимизки, ёшлар тарбияси, улгайиб бораётган кишида чин инсоний фазилатлар шаклланиб, камол топишида мусиқанинг аҳамияти бекиёсdir.

Қадим замонларда бир донишманд: “Омма истеъмодидаги мусиқанинг савиясидан жамиятнинг руҳий соғломлигини аниқлай оламан”, деганида чуқур ҳақиқат бор. Бундай имкониятлар эндиликда мислсиз даражада кенгайди, чеки-чегараси қолмади. Зеро, товуш ёзиш ва янгратиш учун мўлжалланган мосламалар аллақачон турмушимиздан мустаҳкам ўрин олиб, кундалик ҳаётий заруратга айланиб бўлган.

Маданий ва майслий турмушимизни мусиқасиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, эрга тонгдан то кеч тунга қадар ён-атрофимизда янграб турган турфа наволар маънавий ва руҳий эҳтиёжларимизни қондиришга хизмат қўлмоқда. Мусиқанинг тарғиботида авваламбор замонавий техник мосламаларнинг ўрни, аҳамияти бекиёсdir. Товушни ёзib олиш ва эшигтиришга мўлжалланган техникавий воситалар пайдо бўлганига унчалик кўп вақт ўтганича ийӯқ. Аммо бу тарихан қисқа муддат ичида аудио ускуналар изчилтакомиллаштира борилди. Натижада фоню ёзувларнинг янги нав ва турлари мунтазам иктиро этилиши ҳам давом эттирилди. Жумладан, ўтган асрнинг бошларидан эътиборан бирин-кетин механик патефон, электр грамафон ликобчаларига муҳрлаш, сўнгра магнитли тасма ёзувининг пешқадамликка чиқиб олиши, компакт-кассеталар чиқарилиши бундан яққол далслат беради. Ва, ниҳоят, товуштарни раҳамли ёзувга ўтказиш ийӯли орқали мусиқий асарларни лазер диссларга муҳрлашнинг жорий этилиши сифат кўрсаткичларини оширган ҳолда имконият чегараларининг янада кенгайтирилишига олиб келди.

Табиийки, ҳар бир давр, ҳар бир замон учун бу борадаги илмий-техникавий тараққиёт меваларидан унумли

фойдалана олиш нафақат мусиқий муҳит, ижодий ривожланиш, маърифий-тарғибот ишларининг самарадорлигини оширади, балки эл-юргут умуммаданий равнақининг энг муҳим омиларидан ҳисобланиши бежиз эмас. Дарҳақиқат, кириб келган XXI асрнинг мусиқий тарғибот ишлари кўп жиҳатдан айнан техникавий имкон ва шарт-шароитларга боғлиқ. Яъни, ишлаб чиқариш индустрияси мавжуд бўлган мамлакатларда ижодкорлик ила тарғибот ҳаракатлари бирмунча равон йўлда кечиш имкони пайдо бўлади.

Эслайлик, ўз вақтида М.Т. Тошмуҳамедов номидаги Тошкент грампластинкалар заводи Ўзбекистондан ташқари қўшни республикалар аҳолисининг эҳтиёжларини ҳам қондирган эди. Мусиқа мухлисларимиз кўплаб маҳсус дўконлардан истаган, ўз дид-ҳавасларига яраша грамафон ликопчаларини харид қилиши имконига эга бўлганлар. Бундай маҳсулотларнинг асосий қисмини ўзбек ҳалқ ҳамда мумтоз мусиқа меросимиз намуналари, бастакор ва композиторларнинг асарлари, чет эл классик мусиқаси, замонавий эстрада куй-қўшиқлари, театр спектаклларининг ёзувлари, ҳар хил антология ва туркумли нашрлар эди.

Эндиликда республикамида мусиқа индустриясининг янги тизимини замон талабларини ҳисобга олган ҳолда вужудга келтириш, у билан боғлиқ ашёвий ва нашриёт базаларини мустаҳкамлаш муаммолари ўз ечимини кутмоқда.

Маълумки, сифатли техник ёзуви (грамафон ликопча, магнит тасма, компакт-диск каби тасвирларда бўлмасин) ҳар бир хонанда, созанда ёки мусиқий ижро жамоанинг замонавий ҳужжатидир. Бундай техникавий ашё нисбатан мукаммал ижрони муҳрлаб сақлаш, тарғиб қилиш, ўрганиш учун энг қулай воситалардан. Фақат унинг ҳозирдаги анча кенг (ва янада такомиллаша бораётган) имкониятларидан тўғри, бошқача қилиб айтганда, тингловчи-томушабинга малол келмайдиган даражада фойдаланиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Чунки, ундан саҳна орқали суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳамон кам эмас. Бунинг оқибатида кўнгил қоларли ҳодисалар келиб чиқиши аниқ. Ҳеч кимга сир эмаски, мусиқада том маънода бевосита, жонли ижрони, таъбир жоиз бўлса, «ижрочи-тингловчи» ўргасидаги самимий мулоқотнинг ўрнини ҳар қандай техник мўъжиза ҳам ҳеч қачон боса олмайди.

Ёшлар ўргасида самимиятни, ўзаро меҳр-оқибатни яна-да ўстириш йўллари ҳақида ўйлашимиз лозим. Бу энг мурракаб ва қийин масалалардан. Иқтисодий қийинчилик-лар, турмуш ташвишлари, ечимини топмаган муаммолар ортган сари кишилар ўргасида меҳр-оқибат ҳам сустлашиб, қадр-қиммат пасая бориши турган гап. Аммо жой-ларда ибратли, ҳавас қилишга, ўrnak олишга арзигулик ишлар ҳам талаигина. Билимларга чанқоқ, ўқимишли, зеҳ-ни ўткир, ҳунарманд, тадбиркор, иродали, ҳаракатчан ёшларни кўриб-кузатиб, жамиятимиз порлоқ келажагига ишончимиз ортиб мустаҳкамланади.

Назаримизда, санъатда ўrnak кўрсатаётган фаол ижодкор ва олим зиёлиларимизни янада ҳар томонлама рағбатлантириш, кексаларга муруват кўрсатиш, ёшларимизнинг қизиқишиларини тўлароқ қондириш, маънавий тарғибот ишлар савиасини кўтариш, мазмунини яхшилаш, оммабоп мусиқий адабиётларни яратиш керак. Бунинг учун ҳар қайси соҳа ва йўналишда мақсадли дастурларни ишлаб чиқиб, уларни моддий ва ташкилий таъминлаш ила ҳаётга мунтазам татбиқ этиш шарт. Бундай ишларни таҳлил этиб, такомиллаштира бориш ҳам мақсадга мувофиқ.

1997 ва 1999 йиллари Мустақиллик байрами арафасида жуда катта муваффақият билан Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Шарқ тароналари” Халқаро мусиқа фестиваллари, 1998 ва 2000 йиллари Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро симфоник мусиқа фестиваллари, 2001 йили яна пойтахтимизда ўтказилган Халқ чолгулари ансамбль ва оркестрлар фестивалига уланиб кетишида бағоят катта маъно ва мазмун бор. Чунки ҳозирги замон ижодкорлиги, ижрочилиги мавқеининг кўтарилиши миллий ва умумбашарий маънавий қадриятларнинг нақадар ўзаро чамбарчас боғлиқлигини намойиш қиласди.

Ушбу тадбирлар жаҳон халқлари маданий бойликлари-ни Ўзбекистонда баралла тараннум этишга, ўзбек ижодкорлари яратган сара асарларни эса дунёга танитишга, алқисса, халқаро санъаткорлик ришталарини янада мустаҳкам боғлашга хизмат қиласдак.

# **ФАЙЗУЛЛА М.КАРОМАТЛИ НАТАЛИЯ С. ЯНОВ-ЯНОВСКАЯ**

## **МУСИҚАШУНОСЛИК МУАММОЛАРИГА БИР НАЗАР**

Сўнгти ўн йиллик Ўзбекистон мусиқашунослигига янги илмий-тадқиқий ва илмий-услубий изланишлар даври бўлди. Хусусан, эндиликда мусиқий меросга бўлган жиддий эътибор ўлароқ бажарилаётган илмий - тадқиқот ишларининг маънавиати сезиларли даражада кенгайди. Шу жумладан, олдинги даврда таъқиб остига олинган мавзулардан бири — мусиқий меросимиз айрим жанрларини таасиуф кесимида ўрганиш масаласи ҳам алоҳида диққатни жалб этарли муҳим илмий йўналишлардан бири сифатида гавдаланиб қолди. Бир қатор илмий конференцияларда<sup>1</sup> нафақат мусиқий жанр хусусиятлари, балки уларнинг ҳар бирига хос ижровий талқин масалалари ҳам эътибордан четда қолмаётгандиги таҳсинга сазовордир. Бу борада Абдуманон Назаров, Оқилхон Иброҳимов ва Аслиддин Низомовларнинг илмий-тадқиқий ишлари эътиборни ўзига тортади. Айниқса О.Иброҳимовнинг «Мақомлар семантикаси» ҳамда А.Низомовнинг «Марказий Осиё ҳалқлари мусиқа маданиятида тасаввуф» мавзуларидағи докторлик диссертациялари алоҳида ажralиб туради<sup>2</sup>. А.Назаровнинг Форобий, Ибн Сино ва бошқа ўрта аср атоқли намояндаларининг мусиқий илмий-назарий рисолаларига бағишланган нашрлари ҳам ҳозирда маънавий бойлигимизга янгича илмий ёндошув имконияти яратилганини дарак беради<sup>3</sup>.

Мустақиллик даври мусиқашунослигимизнинг диққатни жалб этарли муҳим хусусиятларидан яна бири — ўтмиш маданий-тарихий тажрибаларини актуаллашти-

<sup>1</sup> «Тасаввуф ва баднийижодиёт» илмий-ижодий конференция, Тошкент, Санъатшунослик институти, 2001 йил, май, «Навоий ва санъат» СИТИ, 2001, фсърал, «Алишер Навоий ва мусиқа санъати» М.Алпрафийномидаги Тошкент давлат консерваторияси, 2001, март.

<sup>2</sup> «Суфизм в контексте музыкальной культуры народов Центральной Азии». Душанбе, 2000.

<sup>3</sup> А. Назаров. Форобий ва Ибн Сино мусиқий ритмика хусусида (мумтоз ийқөн назарияси). Т. F. Фулом нашриёти, 1995.

ришдир. Зотан, Шарқ алломалари ишлаб чиққан мұсияттың тағызаралығынан барлық қолдириси мүмкін емес. Асосан ҳис-түйғу ила тинглаш малакасига асосланған бу (ғоялар) бевосита тингловчига қаратылған ва (әнд қимматли томони), түппа-түгри одам руҳий түйгесига маънавий-мантиқий таъсир күрсатылған болып көрілді. Ушбу муаммо ўзбек мусиқашуносларидан Р.Юнусов, О.Ибраһимов, О.Матеқубов, А.Жумаев ишларыда ҳам ёритилған.

Мусиқаның қоюрыда қайд этилған маънавий хусусияттары деярли барча аньанавий жанрларда, жумладан, достонларда ҳам күзатылады. Бу жанр қонуниятлари охирги йилларда тобора күпроқ тадқиқотчилар диктатини ўзига жалб этмоқда. Хусусан, «Алпомиши» достонининг минг йилдиги муносабати билан чоп этилған мұкаммал нашрда Ф.Кароматлининг «Ўзбек достонлари мусиқаси ва унинг «Алпомиши» да намоён бўлиши ҳақида»<sup>1</sup> эълон қилинади. Шунингдек, Ф.Кароматли (Тўра-ҳожи Мирза билан ҳаммуалтифликда) мазкур достоннинг қоралпоқ версиясини нашрга тайёрлади<sup>2</sup>, Б.Матеқубовнинг «Хоразм достон ижрочилигининг зарҳат саҳифалари» (1999) номли китоби босмадан чиқарилди. Мұсиятта қартина тағиғатынан ишледи. Бунда миллый мусиқамиз, қолаверса, кенгроқ миқёсда Яқин ва ўрга Шарқ мусиқий амалиётидан асплатылғанда олардың етакчи аҳамиятқасын көрсеткіштіктердің көрсеткіштіктерінде көрсетілді. Бундай орнаментикалық композицияларда мусиқашуносларимиз Тўхасин Соғурбеков, Рустамбек Абдуллаев, Рағипшан Юнусов, Сойибжон Бегматов ва бошқаларнинг нашр этилған ишларини эллатып ўтишининг ўзи киғоядир. Худди шу кесимда композиторлардың ижадиети ҳақида фикр юритадылған бўлсак, ушбу йўналишга бағишлилган тадқиқотларда ҳам ҳамма мавжуд жанр ва турларни мүмкін қадар кенг қамровда ўрганиш ҳаракатлари кўзга ташланади. Ушбу йўналишнинг ижадиети нағдатда «Ўрга Осиё ва Қозогистон мусиқаси тарихи» (М., 1995) ҳамда ҳозирги Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги (МДҲ) ҳалқларининг замонавий муси-

<sup>1</sup> «Алпомиши». Т., «Фавр», 1999.

<sup>2</sup> «Алпомиши». (Достондан парчалар). Т., «Санъат» журнали таҳдирнаги, 1999.

қий ижодиётига бағишиланган нашрни (VII жилд, 3-қисм, М., 1997) кўрсатиш мумкин.

Зикр этилган «умумлашма» тадқиқотларнинг муайян жанрга бағишиланган намунаси сифатида А.Жабборовнинг «Мусиқий драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторлари ижодиётида» (Т., 2000) китобини алоҳида кўрсатиш мумкин. Бунда мусиқий маънавиятимизда етакчи аҳамият касб этиб келаётган замонавий мусиқали жанрнинг анъаналарига хос имкониятлар билан узвий боғланган ҳолдаги ривожланиш жараёнлари босқичма-босқич ёритиб берилган.

Мусиқашунослигимиздаги яна бир алоҳида гуруҳни ижодий портретлар жанридаги тадқиқий ишлар ташкил этади. Булар орасида Наталия Янов-Яновскаянинг рус тилидаги «Ш. Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов. Вақт, ҳаёт, ижод» (Т., 1999) монографияси алоҳида ажралиб туради. Ушбу монография давримиз улкан ижодий сиймосининг ҳаёти ва ижодига хос асосий поғоналарни тўла қамровли ёритилишида биринчи тажриба сифатида гавдаланади. Энг муҳими — Мутаваккил Бурҳонов сиймоси ўта дол зарб умум башарий Фарб ва Шарқ мусиқасидаги ўзаро ижобий таъсир кесимида, қадимий ўзбек, тожик ва умуман шарқона миллий мусиқий, тасвирий воситаларнинг замонавий композиторлик ижодиётида мавжуд мусиқий ривож тизимлари билан узвий боғланишини таъминловчи услугга алоҳида эътибор берилган.

Мусиқа фани намояндалари фаолиятини ёритувчи монография ёки мақолалар орасида истеъоддли фольклоршунос марҳум Каримахон Олимбоева-Аҳмедовага бағишиланган «Ўзбек аёли ҳаётида мусиқа» (Т., 1998) нашри алоҳида ажралиб туради, ўзбек халқ мусиқаси, айниқса аёллар мусиқий ҳаёти билан яқиндан қизиқсан меҳнатсевар тадқиқотчи хотирасига бағишиланган ушбу китобда олиманинг меҳр билан амалга оширган узоқ муддатли экспедиция ёзувлари ҳамда айрим илмий ишлари билан бир қаторда замондош ҳамкасларининг хотиралари ўрин олган. Ижодкорларга бағишиланган нашрлар орасида фаолият кўрсатадиган «Ўзбекистон композиторлари ва мусиқашунослиари» ҳақидаги маълумотнома (Т.Головянц, Е.Мейке. Т., 1999) билан бир қаторда айрим ижодкорларга бағишиланган монографиялар ҳам истиқлол даври маҳсулотларидандир, албатта. Бу жиҳатдан санъ-

атшунослик фанлари доктори, профессор Тўхтасин Фофур бековнинг кўп йиллик педагогик, тадқиқотчилик ҳамда ташкилотчилик фаолиятига бағишиланган «Тўхтасин Фофурбеков номли монографияни» (В.Плунганд, И.Галухенко, Т., 1998) ўзбе мусиқашуноси ҳақидаги илмий-оммабоп китоб сифатида беҳолаш мумкин. Айнан монография бўлмаса-да, Файзула М.Кароматли (Кароматов) туғилганига 70 йил тўлиши муносабати билан унинг фаолиятига хос деярли барча қирраларни ёритувчи «Маълумотнома» (нашрга тайёрловчи Рус тамбек Абдуллаев, Т., 1996) ҳам диққатни жалб этарлидир.

Мусиқашунослик фани намояндадарига бағишиланган махсус мақолалар ҳам асосан сўнгти йилларда кўпроқ наштила бошланди. Булар орасида Р.Юнусовнинг «Исҳоқ Ражабов – XX аср маҳом алломаси» мавзудидаги мақоласи атоқли олим, мусиқий шарқшунослигимизнинг ёрқин намисяндаси хотирасига бағишиланган хайрли намуналардандир.

Мусиқашунос олимларимизнинг серқирра фаолиятиниң теран зътироф этиш борасида махсус конференция ва түрли гурунглар ҳам зътиборимиздан четда қолмаслиги керак. Айтайлик, ўзбек мусиқашунослиги, қолаверса санъатшинослик ривожида улкан ҳиссаси бор Файзула М.Кароматлининг 70 ва 75 таваллуд ёшлари муносабатлари билан 1996 ва 2001 йиллари ўтказилган конференциялар даги маъруза ва ахборотлар воситасида олимнинг кўп қирралари жараёнларида очилувчи чинакам кен қамровли сиймоси гавдалантирилди. Таникли рус композитори ва фольклоршуноси Александр Кастальский (1856–1926) таъбири билан айтганда: «Анъанавий санъат, халқ санъати асрлар оша қадрланувчи бойлик қамровидир» дейисботлаш Файзула М. Кароматли бутун ҳаёти мазмунни ни ташкил этади<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, ҳурматли олимнинг анъа нахий ва замонавий мусиқа ижрочилигига доир илмий фаолиятини унинг 40 йилдан зиёд давр мобайнида Санъат шунослик илмий-тадқиқот институтининг «Замонавий мусиқа ва фольклор» бўлимини бошқарганлиги ҳам тасдиқ

<sup>1</sup> Р.Юнусов. «Исҳоқ Ражабов – XX аср маҳом алломаси» тўплам Санъатшунослик масалалари, илмий мақолалар тўплами. Т., 1998.

<sup>2</sup> Мазкур мақолада Н.С.Янов-Яновская ҳақидаги маълумот мулоҳазалар Ф.Кароматли ва, аксинча, унинг ўзига тегишилари Н.Янов Яновская қаламига мансубдир. Таҳририят.

лайди. Худди шу хусусиятларни биз унинг восита чилигига үтказилаётган конференциялар, симпозиумлар ҳамда у тайёрлаб келган ёш мусиқашунос кадрларнинг ихтиоссланишида (жумладан, 1972 йили Тошкент консерваториясида ташкил этилган «Шарқ мусиқаси» (эндилиқда «Мусиқий шарқшунослик» ва «Анъанавий ижрочилик»ка ажralган) кафедра фаолиятини роппа-роса 25 йил бошқариб, йўналтириб турганида) ҳам кўрамиз.

Мусиқашунослик фани муайян намояндадарининг и жодидий сиймосига хос жуда муҳим хусусиятлар кўпинча маҳсус хотира виий йигинлар, конференцияларда ҳам ёритилиб келинди. Жумладан, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида 1993 йилда бошланган янги анъана – «Ражабийхонлию» (яъни, Юнус, Рисқи ва Исҳоқ Ражабийларнинг хотиралари муносабати билан ўзгтирилувчи) илмий-амалий анжуманларида ўзбек мусиқий меросининг муҳим масалалари, шунингдек таълим жараёни билан боғлиқ долзарб муаммолар мубоҳаса қилинадиган бўлди.

Мусиқашунослик муаммолари турли тўтиламлар ва журналларда нашр этилган мақолалар, ҳимоя этилган диссертацияларда ҳам намоён бўлди. Бу жиҳатдан Н.Тоштемировнинг «Жиззах вилояти ўзбек халқ қўшиқчилиги», С.Аъзамхўжаевининг «Ўрга Осиё республикаларида мусиқашунослик. Лад ва ритм муаммолари Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон мусиқашунослигига» мавзуидаги номзодлик диссертациялари диққатга сазовордир.

Маълум вақт эътибордан четда қолган масалаларга мусиқашуносларимизнинг аста-секин мурожаат эта боштаганликлари ҳам қувонарлидир. Жумладан, мусиқа социологияси муаммоларига доир ёш мусиқашуносларимиздан М.Головач, О.Беков ва бошқалар томонидан бажаэилаётган ишлар ўта муҳимдир. Чунки тингловчи қанталигини, унинг талаб-эҳтиёжини аниқ билмай туриб мусиқа санъатини ривожлантириш амри маҳолдир.

Яна бир муҳим воқелик – эслада ва ўзга турдаги ёммавий мусиқа йўналишларига ҳам тадқиқотчиларимиз томонидан диққат қарата бошланганлигидир. Айни вақтда замон ва макон муаммоларига ҳам Ўзбекистонда эътибор кучая бошлангани мақтовга сазовордир. Бу жиҳатдан

композиторлик ижодиёти доирасида Наталия С.Янов-Яновскаянинг чиқишилари диққатни жалб этарлидир. Ушбу мавзу замонавий мусиқий амалиётга тегишли жуда кўп масалалар ечимига кўмаклашуви аниқдир. Чунки турли негиздаги мусиқий санъатнинг ўзаро таъсирида, яъни анъ-анавий Шарқ мусиқаси ва Farbий Оврўпо мумтоз мусиқий жанр ва турлари, уларга хос воситаларга асосланиб шаклланган замонавий композиторлик ижодиёти муаммоларининг турли жиҳатлари мусиқадаги замон ва макон тущунчаларининг шарқона ва оврўпой ти пологик турдилитигига бориб тақалади.

Ўзбек мусиқашунослигининг яна бир фазилатли шарофати - қатағон этилган ижодкор шахслар меросини қайта тиклашда намоён бўлди. Жумладан, профессор Абдурауф Фитрат қаламига мансуб «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» китобининг қайта нашри (Т., 1993) ва улкан сиймога мақолалар бағишиланди<sup>1</sup>.

Мусиқий танқидчилик соҳасида ҳам айрим ижобий на-тижалар намоён бўлмоқда. Дарвоҷе Тошкент консерваториясидаги мусиқашунослик ихтисослигига тегишли бўлинмалардан бири «Мусиқа тарихи ва танқидчилиги» деб ном олганлиги ҳам ушбу соҳага диққат-эътибор кучайганлигидан далолат беради. Бундай натижаларга кўмак сифатида эса мусиқий танқидчилик муаммоларига бағишиланган турли танлов, илмий-назарий, илмий-амалий конференциялар билан бир қаторда консерватория ички имкониятлари доирасида кўп тиражли «Мусиқа» номли газетанин чиқарилиши бўлди.

Мусиқашунослик соҳасида эришилган илмий-назарий натижалар қанчалик сермазмун бўлмасин, айни вақтда давр тақозоси билан ҳал қилиниши ёки жиддийроқ эъти бор қаратилиши керак бўлган муаммолар ҳам оз эмас. Эн муҳими – мусиқашуносликка хос ўта мураккаб соҳалаф бўйича мутахассис сифатида фаолият кўрсатиш имкониятига эга ёшлар тарбияси умуммузиқий таълим вазифалари негизини ташкил этиши керак. Бунда ҳар бир тарбија яланаетган ёш толиб нафақат ўзбек, балки жаҳон мусиқсанъати дурдоналарининг деярли ҳамма кўринишларини

<sup>1</sup> Жумладан: А.Жумаев. «Абдурауф Фитрат и его современники на «музыкальном фронте Узбекистана». (20-30 годы)». (Марказий Осиё Центральная Азия, 1997, № 1-3).

қалбан ҳис этиб ундан баҳраманд бўлишга қодир ҳамда ўз ихтисослигига тегишли турли, айтайлик, ўрта аср Шарқ қўйлёзмалари га йўл очиб берувчи тиллардаги хилма-хил мусиқий, маънавий манбалар билан бевосита танишиш, улар услубида иш олиб бориш имкониятига эга мусиқашунос кадрларни тайёрлаш, замонавий композиторлик ижодиёти муаммолари бўйича ҳам ихтисослашадиган ёшларни ўстириш ҳал қилувчи аҳамият касб этиб қолди.

Юқори малакали ижодкор композиторлар, ижрочилар ва улар муаммоси, ташвишлари амалга оширилиши билан шугууланувчи мутахассис раҳбарият қўйидаги бир масалани қалбан чуқур ҳис этиши ва тушуниши керак деб ўйлаймиз. Кенг тушунчадаги замонавий ўзбек мусиқа маданиятигининг «ягона» ривож йўли деб фақат композиторлик ижодиётига хос «кўп овозли» мусиқий жанр ва турларига ҳамда улар негизини ташкил этувчи тасвирий воситалар билан чегараланиб қолишилик ҳақиқатта мос тушмайдиган бир ёқламаликдан ўзга нарса эмас.

Маълумки, замонавий мусиқа амалиётидаги ижодий ва ижорий фаолият кўрсаткичи бўлмиш ҳар бир маҳоратли яккана-вуз, яккахон шахс чиқишилари ёки муайян тузилмалардаги турли ижрочи даста ва жамоалар фаолиятларининг етакчи туб таянчи миллый мусиқий мерос бўлар экан, ушбу йўналишга хилоф ҳар қандай ҳаракатнинг, жумладан, баландпарвоз иборалардаги «тадбирлар»нинг ҳам мантиқизлиги шубҳасизdir. Лекин атиги ўн йил олдин мусиқий меросимизни етарли даражада ўз табиий кўрсаткичларида менсимай, худди орлангандай унга нисбатан ҳатто «ривожланиш», «ривожлантириш» тушунчаларини ҳам ишлатишни ўринисиз ҳисоблаб, фақатгина уни «кўп овозли» воситалар жалб этилиш йўли билангина «ўстириш» мумкин қабилидаги талқин, минг афсус, ҳозиргача нисбатан бўлса-да ҳукмрон бўлиб келмоқда. Худди шу тусда ўтмиш ўзбек чолғу ва ашула ансамбларининг «янгича» (гўё «ривожланган») намуналарини жалб этиш одат тусида бўлмоқда. Бу замонавийлик аслида анъанавий созларимизнинг асл хусусиятларидан узоқлашган ёки «оркестр» учун мослаштирилган, оврўполи созлар билан бирлашув мойилигини таъминлашга қаратилган тадбирлардан кутилолмаётганилигимиз ачинарлидир. Ушбу иллат мустақиллик йилларида ҳам ўз таъсирини, кўр-кўруна таклид даражасидаги «бутун дунёвий» интигувлар таъбиридаги ҳаракатларда кўпроқ намоён бўлиб келмоқда. Лекин, шунга қарамасдан айрим илмий-тадқиқий ишларда «оврўпопарастилию» тушунчаларига, унинг талаб ва тазиийларига қарши оқилона

мулоҳазалар ўз ифодасини топмоқда. Бунга мисол сифатида Н. Янов-Яновскаянинг «Миллий анъаналар ва замонавий симфоник ижод. (Шарқ композиторлик мақтабларининг шаклланиши)» мавзуудаги мақоласини кўрсатиш мумкин<sup>1</sup>. Очикчасига тўғридан-тўгри: «Фақаттина Оврўпача тасаввур (кўп овозли тизим)дан келиб чиқсан ҳолда устозона (касбий, профессионал) санъат мавқеига қарашиб жуда катта англазилмовчиликларга олиб келади; оврўпапарастона фикр юритувчи: «композиторлик (ижод)га тааллуқли нота ёзувидаги бўлмаган мусиқа, демак, фольклорга тегишли (дейишдан)-ўзга муҳойисани билмас эди.»<sup>2</sup> Худди шундай тусдаги ёндашув айнича 1930-1980 йиллар етакчи шиори бўлган эди. Лекин ушбу йўналишда фикр юритувчиларни тан олмаган тадқиқотчилар умум фожиа йўлини тўсиб турдилар десак хото бўлмайди. Жумладан, Ўрга Осиё ва умум Шарқ халқлари мусиқа тарихи билан бевосита шугулланган атоқли мусиқашунос олим, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Виктор Михайлович Беляев ўзининг «Халқ мусиқаси ва мусиқа тарихи» мақоласида<sup>3</sup> «Бутун дунё мусиқий тарихи Шарқ профессионал мусиқасини фольклордан кейинги иккинчи босқич ҳисоблаб, Оврўпо профессионал мусиқасини эса учинчи» (яъни Шарқ устозона касбий мусиқасидан кейин шаклланган янгича босқич) деб таъкидлайди. Бу ўринда атоқли ҳинд мусиқашуноси фикрича: «Янги ҳаёт мавжуд классик (яъни анъанавий шарқона профессионал – Ф.К.) мусиқага қарама-қарши қўйилиши ва албатта, уни обруслантириши мумкин эмас. У (янги ҳаёт – Ф.К.) классик мусиқа қўшимчаси (яъни шарқона классик мусиқа мавқеини кенгайтирувчи – Ф.К.) бўлиши шарт.» Бунинг тасдиғи яна ҳам ёрқинроқ Нарайна Меноннинг қўйидаги сўзларида ойдинлашади: «Оврўпо ва Америка ушбу маданият (яъни Янги ва ўрга Шарқ халқлари мероси – Ф.К.)ни менсимасдан «этномусиқа» соҳасига қарашиб примитив (ўта сода) даражада (дейишга) одатланган бўлсалар-да, шуни тан олаяптиларки, у (ушбу мусиқа – Ф.К.) фақаттина антропологлар учун эмас, балки умум дунёвий йўналишдан четда бўлмаган... бутун дунё мусиқа санъатига қуюловувчи, ҳали тегилмаган (етар-

<sup>1</sup> «Национальные традиции и современное симфоническое творчество»

С6. «Музыкальное, театральное искусство и фольклор». Т., 1992, с. 91.

<sup>2</sup> «Национальные традиции и современное симфоническое творчество».

С6. «Музыкальное, театральное искусство и фольклор» Т., 1992, с. 91.

<sup>3</sup> В. Беляев. О музыкальном фольклоре и древней письменности. М., 1971, с. 219.

лича ўзлаштирилмаган –Ф.К) энг чуқур (мантиқли) қисми экан-литини ҳам тушуна бошладилар»<sup>1</sup> Энди бизнинг Ўзбекистонимиз ҳам мустақиллигимиз боис мусиқий меросимизнинг ҳамма турлари, жумладан, унинг устозона касбий (профессионал) жанр ва турлари кенг миқёсда ардоқланадиган бўла бошланиши яна-да жиддийлашувига ишончимиз комил.

Н.Янов-Яновская ҳам ўз тадқиқотларида замонавий ўзбек композиторлик ижодиётини биринчи навбатда миллийликса эришилганлик даражасига алоҳида эътибор берган ҳолда ёритиб келмоқда. У худди шу кесимда Ўзбекистон композиторлари симфоник асарларининг ўзига хос хусусиятларини ёритишга киришар экан, мазкур мураккаб ижодий муаммонинг ечими миллий мусиқий меросга чуқур эътибор юзага келган ҳолдагина ҳал этилишини таъкидлайди. Бу эса, ўз на-вбатида, тадқиқотчини қуруқ мақтovлардан ҳалос этиб, ижодий амалиётта кўмақдош муҳим ғояларни олга суриш имконига эга бўлишигини таъкидлаш билан бир қаторда ҳар бир композитор фаолиятини ўта (олга сурилувчи гоя ҳамда ижодий вазифа чегарасида) умум миллий замонавий йўналишга қўшган ҳиссаси мавқеини аниқроқ кўрсатишига, ютуқларини асосли ёритишга кўмаклашади. Бундай услугуб ижро-чи-бастакорларга бағишланган тадқиқотларда, ўз ижобий кўмақдошлигини намоён этган. Айни вақтда ўтмиш касали, яъни ном чиқарган ижодкорга қарата мумкин қадар кўпроқ мақтovларни «ўрнига келтириш», шу мақсадда унга хос бўлмаган бутун бир йўналишни ҳам тўлалитигча ҳеч торгин-масдан бир шахсга «боғлаш» ҳолатини Ҳожиакбар Ҳамидовнинг «Фахриддин Умаров» (Т., 2000) монографиясида кўрамиз. Унда муаллиф ўзбек қўшиқчилигининг қадимий негизини ташкил этиб келган лирикани ҳам Фахриддин Умаров «бунёд» этган «янги йўналиш» деб таъкидлаганининг ўзи ўта мантиқизлик намунасиdir. Ушбу тусдаги «олди-қочди»-ларнинг турган-биттани маънавият (қолаверса, мазкур фан соҳаси) поклигига заардан ўзга иш эмас, албатта. Бундай «мақтovлар», очиғини айтганда, хонанда Фахриддин Умаровга ҳам обрў қўшмайди, балки аксинча, унга хос қўлгина ижобий томонларни ҳам маълум даражада бачканалаштириб қўяди.

<sup>1</sup> Менон Н. Традиционное музыкальное мышление и современная музыка. Музикальная культура народов. Традиции и современность. М., 1973, с.25. (Анъанавий мусиқий тафаккур ва замонавий мусиқа. Ҳалқлар мусиқа маданияти. Анъаналар ва замона).

Ағсус, «олди-қочди» умумлашмалар мусиқамизни турли соҳалари, айниқса реконструкция этилган созлар доирасида ҳукмрон бўлиб келмоқда. Жумладан, уларнинг анъанавий созларимиздан сўзсиз «устун» туришиликларини таъкидлаб юришиликдан ўзларини «тутолмаётган»ликлари, ҳар бирiga хос имкониятларининг албатта кенглигини кўкларга кўтариб ёзишлиқ турли ҳажмдаги «тадқиқот»ларда, нашрларда ҳамон давом этмоқда. Ҳудди шу мақсадда ўзбек анъанавий мусиқамиз имкониятлари ибтидоий давр дараҷасида деб торгинмай «дангал» таъкидлашдан тоймаган ёки анъанавий чолғуларимиз имкониятларини қоралаш, яъни уни «ўта камбағал», имкониятлари чегараланган деб ерга уришлар давом этмоқдаки, бу ўз навбатида, ёшларимизнинг бундай созлардан воз кечишларига, улардан «узоқлашиб» юришларига ҳам сабаб бўлмоқда. Ҳудди шундай «гоялар», масалан, «Мулоқот» (2000, №3) журналида босилган мақолада ҳам ўз аксини топган. Ажабланарли бир томони шундаки, ўз имкониятлари билан устоз хонандалар репертуарига, улар томонидан ижро этилувчи, кенг ўрин олиши керак бўлган танбур, дуторларни деярли тор босиб кетганлиги ҳам ушбу таъкидланишлар маълум кўрсаткичи деса хато бўлмас. Шу мақсадда миллий чолғулар ижровий имкониятлари катта айби ҳам оврўполи мусиқий асарлар ижросини амалий «бажаролмаслиги»да деб ҳисоблашлар ҳамон давом этмоқда.

Айрим маҳсус мусиқа ўқув юртларида ҳамон ўзбек мусиқаси қачонлардир қонунлаштирилиб қолдирилган «умум танишуви» даражасида, яъни 1-2 ўқув семестри давомида кичик бир фан сифатида ўтилади холос. Ваҳоланки, Оврўпода мусиқа маҳсус мактабларда ўн-ўн бир йил давомида ҳар куни бир неча фан кўмагида астойдил чуқур ва ҳар томонлама ўзлаштирилади. Энг муҳими, ушбу жуда жиддий ўйланиб ишлаб чиқилган ўқитув тизимини эндиликда ўзбек мусиқасига ҳам маҳсус соҳаларга бўлиб жорий этиш вақти келди. Бугунги мусиқий амалиётимиздаги ижрочилик ҳамда ижодиётда «миллийлик барқ уриб турсин» қабилидаги мурожаатномаларнинг амал қилолмасдан кўп жиҳатдан оғизда, қогозда қолиб кетаётганигининг туб сабабларидан бири ҳам мана шу маҳсус мусиқий ўқув юртларидаги ўқитув дастурлари мазмунининг кескин тусла қайта қараб чиқилмаганинига дилар, албатта.

Ёшлар тарбияси учун ибраторумуз фаолият муҳимлиги эсдан чиқмаслиги керак. Эски қоидаларнинг айримлари ҳалигача

қайта күриб чиқылмаганлыги умум тарбиявий ишга жуда катта салбий зарба беріб келмоқда. Шулаарнинг энг ашаддийсі миллионлаб умум таълим мактабларидаги эстетик тарбия етакчи соҳаси — мусиқа фани бўйича ўқитувчилар тайёрлаш муаммосидир. Бу соҳа мутахассисларини Педагогика институтларида чинакамига тарбияланмаётганлигидадир. Сабаби — Педагогика институтларидағи «Мусиқа-педагогика» факультетлари ўқитувчиларининг лоқайдилиги, эътиборсизлиги эмас, улар томонидан ижро этилиши амалий мумкин бўлмаган вазифанинг юқлатиб қўйилганидадир. Гап шундаки, институтнинг мусиқа факультетига бу соҳада умуман ўқимаган (фақатгина ўзича ашула айтишни, ҳаваскорона бирор созда чала оладиган) ҳар қандай ўрга таълим мактабини битирганни қабул қилиниши қонунлаштирилиб қўйилган. Шунинг учун улардан «қабул имтиҳони» ҳам мусиқа мактаби биринчи синфига ўқишга келган 7-8 ёшар болани текширгандек — умум мусиқий қобилияти (ритмни ҳис этиш, овоз баланд-пастлиги фарқига аниқроқ бора олишилик кабилар) текширилиб, ўзга фанлардан имтиҳон топширишга рухсат берувчи маълум «баҳо» («балл») берилади-да, 4 йил ўқигач, яъни мусиқа мактабининг тўртинчи синф боласига (маълум даражада бўлса-да) тенглашгач унинг қўлига «олий маълумотли мусиқа ўқитувчиси» дейилган диплом берилади. Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ушбу масалани ҳал этишга хоҳишлиари ҳам йўқлиги ажабланарлидир. Яъни Педагогика институтларининг «мусиқа» факультетларига фақатгина умум таълим эмас, балки мусиқадан ҳам ўрта маълумоти борларнигина қабул қилиш керак. Умум таълим мактабларидаги ўқувчиларнинг аянчли аҳволдаги «мусиқа дарси» ҳалиям давом этмоқда. Натижада тингловчи савияси пастлиги маънавий амалиётимиз етакчи ўзакларидан бўлмиш хонандалик, созандалик санъатига нисбатан талабчанликнинг борган сари сусайиши ва ҳатто унга нисбатан бефарқ бўлаётганларига ҳам сабаб бўлмоқда.

Ўзининг ўта нозик хусусиятлари билан алоҳида ажраби турувчи ва бунга эришувни таъминловчи меросимиз мусиқий имкониятлари (айниқса мумтоз устозона намуналарда) етакчи аҳамият касб этиб келган анъанавий даста (ансамбл) қонун-қоидаларининг пайсалга солиниб келинаётганлиги ва кўп жиҳатдан ушбу соҳа аслийлигига «хиёнат» ҳатто айрим таниқли созандо-хонандаларимиз томонидан ҳам содир этилмоқдаки, ушбу муаммо-

нинг мусиқашунослигимиз диққат марказида бўлиши кераклигини бугунги мустақиллик имкониятлари тақосоз этмоқда десак муболага бўлмайди.

Мусиқий тарих саҳифаларига жиддий эътибор эса алломаларимиз томонидан қолдирилган мусиқий рисолалар ва ўрга аср қўлёзмаларидан бошланади. Бир вақтлар (аниқроғи, ўтган XX асрнинг 70-80 йилларигача) минтақамизда ушбу манбаларни ўқиб таҳлил эта оладиган мусиқашунос деярли бўлмаганлиги туфайли ушбу қўлёзмадар асосан филологлар, шарқшunos тарихчиларимиз таржималарида мутахассисларга етказиларди. Худди шу сабабдан ҳам йирик алломаларимизнинг жуда мураккаб жиддий мусиқий-назарий тадқиқот (рисола)ларидағи тубғоя ва талаб этилувчи илмий аниқликлар йўқоларди ёки шу тусдаги боблар туширилдиб қолдириларди.

Ўзбекона ва умуман шарқона атамалар муаммоси мусиқашунослигимиз учун ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки кўп ўн йилликлар давомида уларнинг турли жиҳатлари эътибордан четда қолдирилиб келингани сабабли, бальзида ўз маънисига мос келмайдиган вазият, воқеликка нисбатан ишлатила берилган атама ҳам турли чалқаш тушунчалар мустаҳкамланиб қолиштига сабаб бўлиб келмоқда. Жумладан, «халқ чолгулари» бўлими ёки «халқ чолгулари оркестри» иборалари мазкур атамадан тушинилётган қадимий чолгуларимиз эмас, балки шу қатори ўз имкониятлари, кўп жиҳатдан қиёфаси ҳам ўзгартирилиб, оврўпо чолғу оркестри ижрочилигига мослаштирилган созлар ва улардан тузилган оркестрлар, ансамбллар ҳам кўзда тутилади. Бу эса ўз навбатида «халқ чолгулари» бўлимига, айтайлик, киришга ихтиёр билдирган, хоҳиши бўлган болаларнинг ҳам бутунлай ўзга соз ва дастур бўйича шуғулланис қолишиларига кўп йиллар давомида сабаб бўлиб келиштири билан бир қаторда, деярли мустақиллижимизгача халқ номида юритилиши лозим бўлган ҳақиқий анъанавий чолгулар ва уларга мос дастурларнинг тўлалигича тузилмай келингандиларига сабабкор бўлиб келган. Номидан келиб чиқсанда «халқ сози анъанавий мусиқа ўзлаштирилиши мавжуд» деган ҳар қандай ўзбек аҳли ўзга вазият ҳукмрон бўлиб келаётганлигидан хабарсиз ҳам қолаверади. Атамалар, муайян ном ўз жисмига лойиҳе бўлиштигини таъминлаш, яни ўзгартирилган созларимизгэ нисбатан «фреконструкция» этилган ёки муайян ўзгарувдагисига ярашиқли ўзга мавжуд атамаларни қўллаш керак, албатта.

Айни вақтда миллый ва оврўпо созлар қоришуви, кенгроқ миқёсда эса замонавий мусиқавий ривожда ўзбек мил-

лий анъаналари, ижровий имкониятларга бой мероси билан бир қаторда оврўполи, жумладан, рус композиторлари мусиқаси ўзлаштируви муҳим вазифалардан бири бўлиб келаётганлиги табиийдир. Бунда турли имкониятлардаги мусиқий маданият, улардаги турларнинг ўзаро тъсири кучида ривожланиши ҳамда ҳар бирининг айнан бир замонда ишлатилиб турилганининг замонавий хусусиятлари устида фикр юритиш муҳимдир.

Тарих ва замонавийлик, анъанавий мерос ва янги мусиқий тузилмалар «Ўрга Шарқ маданияти. Мусиқа, театр санъати ва фольклор» («Культура Среднего Востока. Музыкальный театр, искусство и фольклор») (Т., 1992) тўпламидаги мусиқа муаммоларига бағишиланган мақолалар мавзунни ташкил этади. Бунда тарихий тусдаги маълумотномалар катта гуруҳи (Ф. Кароматли, А. Назаров, Д. Раширова, А. Жумаев, А. Малкеева) билан бир қаторда замонавий санъатда анъанавий негиз мутаносиблиги даражаларига бағишиланган (Р. Абдуллаев, Н. Янов-Яновская, Ч. Носирова, О. Матёкубов, Г. Кузнецова) мақолалар ташкил этади. Худди шу йўналишни «Ўзбекистон мусиқий фани муаммолари» («Проблемы музыкальной науки Узбекистана») (Т., 1997) тўпламида ҳам кўрамиз. Республикализ мусиқа маданиятининг кечаги ва бугунги воқеликлари бунда тарихий давр йўналиши оқимига хос муайян лаҳзалари ёритиб берилган. Н. Янов-Яновскаянинг «XX аср бошланиши ва охирида Ўзбекистондаги мусиқий-тарихий вазият» ҳамда О. Азимованинг «Мусиқий синтаксис негизида» мақолалари шулар жумласидандир.

XX аср мусиқашунослиги тарихи доирасида ушбу ўн йиллик жуда ҳам мураккаб ва айни вақтда илдамлашаётган умум ҳаракат сифатида қабул этилади. Агар унинг етакчи томонига диққатни жалб этадиган бўлсак, биз, бир томондан, ўзбек анъанавий мусиқаси улкан эстетик моҳиятини тушуниб тасдиқлагани, иккинчи томондан, XX асрда асосланган ва ўзбек маданиятида, худди ўзга бадиий тизимлар каби инкор эта олинмаган композиторлик ижодиёти тан олинганлигини кўрамиз. Ушбу йўналишларни қўллаб-қувватлаш ва сингдириб бориш ўзбек мусиқашунослигининг муқаддас бурчидир.

## *Тұхтасин ФОФУРБЕКОВ*

### **ЎЗБЕК БАСТАКОРЛИГИДА МУАЛЛИФЛИК МАСАЛАСИГА ДОИР**

Узоқ мозийдан бизга инъом этилган беадад қадриятизиз – бастакорлик санъатидир. Минг таассуфки, энг яқин салафтаримизу, ўзимиз ўн беш асрлик ана шу бойлык қадрига ета олмай келдик. Мусиқашуносларимизнинг қарийб 99 фоиз тадқиқотлари XX аср ўртасидаги 70 йил ичидә Ўзбекистонда жуда изчил (баъзан, зўравон мафкура туфайли) сингдирилган композиторлар ижодига ажратилию, она заминимизда униб вояга етган, ўзининг не-не шакл ва услубларини ана шу бир ярим минг йил мобайнида қўлга киритган бастакорларимиз ижоди бир чекка-га суреб қўйилди.

Табаррук ислом маданияти ва, демак, тағаққурига тенгдош бастакорлик санъатимиз тарқалган ва ривож топган воҳаларда – имоний ғоялар барқ уриб, урушлар ўрнини-осудалик, адоват ўрнини –adolat эгаллаб келган. Якунланган XX-аср давомида эса, бу анъана мазкур ижод соҳибларининг ҳатто номланиши борасида бир фикрга келинмади ва ҳанузгача – етти ёт бегона «мелодиячи-композитор», «қўйши-композитор» сингари қўлбола «ясамалар» уларга нисбатан ишлатилмоқда.

Табиий савол түғилади. Инсон туйғуларини атрофлича ифодалаб, унга алладан-марсиягача ҳамнафас бўлиб келган бастакорлик ижодиётининг бадиий сеҳри, етуклик мўъжизаси нимада?

Ва, янада муайянроқ савол: «Муножот»у, «Мустазод», «Насруллоий»у, «Қўштор» каби уммонмазмун куйларимиз - қачон, кимлар томонидан ижод этилган? Бастакорлик санъати миллиарддан зиёд аҳоли яшаб келаётган улкан миңтакада шаклланиб, ривожланиб келган. Лекин ҳанузгача, бу турфа ижод турининг тарихий, назарий, эстетик ва фалсафий муаммолари мустақилона тадқиқ этилмай келинди. Ҳатто, Форобийнинг «Китоб ул-музиқи ал-кабир» (Х аср)идан – Дарвишали Чангийнинг «Туҳфат ус-сурур» (XVI-XVII асрлар чегарасидаги) асари каби қатор ноёб манбаларда ёритилган бастакорлик масалалари ҳамон умумлаштирилганича йўқ.

Мазкур илмий мураккаб масалаларни атрофлича ҳал этиш, шу билан бирга муайян амалий (ҳозирги замон бастакорлари учун фойдали) самарани қўлга киритишида наинки мусиқий рисолалар, балки билвосита манбалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Айтайлик, Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшан ул-асрор» (1409-1414 йиллар)-идаги мисраларга қулоқ тутайлик:

*«Рост» қил оҳанги «Наво»у «Ҳижоз»,  
Т у з ётугони бирла шутургуни соз.  
Турк сурудини тузук бирла т у з,  
Яхши аёлгу била кўкла қўбуз.*

Шунга ўхашаш ўнлаб манбаларда муайян («Чоргоҳ», «Сегоҳ», «Ироқ» каби) юзлаб мумтоз куйларимиз таърифидан сўнг – улар қайси шоир ғазали билан ижро этилганлиги ва муҳими, ана шу шеър матнидан албатта иқтибос келтирилади. Номи манбада келтирилган куй-ўзбек мероси қатламларидан аниқланганидан сўнг, шеър тўлалигича изланади ва ҳар иккала (мусиқий ва назмий) матнлар бир-бирига мантиқан мослаштирилиб, шаклан ва мазмунан таққосланади. Шу аснода, 10 йилдан зиёдроқ муқаддам биз, Алишер Навоий ғазалига Хожа Абдулло Марварид яратган «Мустазод»ни ва Бобурнинг ўз ғазалига басталаган «Савти Чоргоҳ» йўлларидағи асарини гипотетик тиклашга<sup>1</sup> ҳаракат қилдик.

Узоққа бормайликда шу кунгача адабиётшуносларгини таъриф этаётган «Бобурнома» айни бастакорлигимиз анъаналари, шакл ва услублари манбай сифатида ҳануз муфассал таҳлил қилинмаганлитини эслайлик. Албатта, Бобурдан илгариги муаллифлар XV-XVI аср бошлинишидаги ижрочилик ва ижодий ютуқларига оид маълумотлар қолдиришган. Илло, ўзи болалик чоғларида ноқ, Соҳибқирон Амир Темур паннабираси эканлигагини тўла ҳис этиб, буткул масъулият аро адабиётигагина эмас, санъат, илму фан сари талпинган, ҳатто ардоқли бастакорларга эргашиб, айрим мусиқа асарлари яратиш-

<sup>1</sup> Т.Гафурбеков. Творческие ресурсы национальной монодии и их преломление в узбекской советской музыке. -Ташкент:Фан, 1987

га мұяссар бўлган – Бобур гувоҳликлари<sup>1</sup> олдида, унинг салафлари бироз ожиздек кўринади.

Мана, «Бобурнома»нинг илк (ҳижрий 899-йил) воқеатларидаги сатрларга эътибор беринг: «Элининг орасида ҳусн ҳейли бордур. Юсуф Ҳожаким мусиқада машҳурдир» — деб ёзди Бобур ва фахр билан, қўшиб қўяди: «Андижонийдур».

Юсуф Ҳожа Андижоний ҳақида Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий, Дарвишали Чангийлар ҳам маълумотлар қолдиришган. Лекин буларда аллома бастакор бутун бир воҳанинг бадиий р а м з и эканлиги таъкидланмаган.

Бобур, ўзининг узоқ ва яқин ўтмишдошларидан фарқли ўлароқ, бадиий ижодиyo илмий меросида бастакорликка а с л т у р к и й мавқедан ёндашади:

*Сўзунг, қитигинг, навозишингму этай,  
Овозу усулингнию созингниму дей.*

Қарангки, Бобур гўё серфаол бастакорни ўзига яқин тутиб, аслан ўзбекона, ҳам ярим ҳазил мурожаат этаётгандек, унинг ижодига баҳо бера туриб, қай бири, яъни куйими, ижросими, усулими ёинки сози мақтовга лойиқлигини ажратса билмаётганигини тан олаётганидек туялади.

Забардаст манбашунос ва мақомшунос олим И.Ражабов қайд этганидек, ўзбек мумтоз шеърияти мусиқашуносларга мажозийгина эмас, айрим намуналарда т о м маънодаги далилларни бериши мумкин. Бу фикрга таяниб, узоқ ва яқин ўтмиш шоирлари ижодида ана шундай талқинларни кўпдан-кўп мисолларда учратдик. Масалан, ўзаро устоз-шогирдлик ришталари билан боғланган Лутфий – Навоий – Бобурлар меросидагина айнан бастакорлик санъатига бевосита ва билвосита бағишлиланган ана шундай мисралар кам эмас. Қизиги шундаки, ҳар уччала шоирда бири, – бири (аввалгиси) нинг вариантига ўхшаш байтлар тизими мавжуддир:

---

<sup>1</sup> Т.Фофурбеков. Бобур мусиқа хусусида (Гулистон. 1994, № 1)

**Лутфий:**

*Лутфий Ҳирида қолмади шеърингга муштари,  
Азми «Ҳижоз» қилки мақоминг «Ироқ» эмиш.*

**Навоий:**

*Эй, муганий, тут «Ироқ» оҳанги кўргуз «Ҳижоз»,  
Ким Навоий хотири бўлмии Хуросондин малул.*

Диққатга сазовор томони шундаки, ҳар иккала шоир бир хил номдаги икки асар («Ҳижоз» ва «Ироқ») яратиш (Лутфий – «қилки», Навоийда – «тут» ҳамда «кўргуз») борасидаги фикрлар атрофида ўз шеърий образларини мужассамлайдилар. Боз устига, Лутфий Ҳирот шаҳридан, Навоий Хуросондан ранжиб, мазкур мусиқий асарлардан малҳам излаётгандай кўринади. Ва ниҳоят, Навоий – бевосита асар яратувчиси – муганий (кенг маънода ижодкори)га мурожаат қилса, Лутфий ўзигагина ишора келтиради.

Худди шу йўсинда Навоий ва Бобур шеъриятига ёндашилса, фикримизни қуйидаги байтлар заминида таҳлил этишимиз мумкин:

**Навоий:**

*Сўзда Навоий, не десанг чин дегил,  
«Рост» «Наво» нағмага таҳсин дегил.*

**Бобур:**

*Бобур, ул гул қўйида булбул киби топтинг мақом,  
Бир «Наво»и «Рост» қил мундоқ мақоминг борида.*

Бу сатрларда ҳам бевосита мусиқий мазмунга эгадош (Рост, Наво, нағма, мақом, куй каби) сўз, ибора ва қасбий атамалар тизилмасида аввало назмий, шу билан бирга, маълум мусиқий-ижодий маъно мавжудлиги аёндир. Зоро, Алишер Навоий ҳам, Бобур Мирзо ҳам ўз ижодларида ўта эркин равищда шоирона баённи маълум мазмунга эга бўлган мусиқий тафаккур билан уйғуналаштиришда моҳирликка эришганлар.

Умуман, Навоий, Бобурлар даври (яъни XV асрнинг иккинчи ярми – XVI асрнинг биринчи ярми) даги шеъри-

ят намуналарида юқоридаги фикримиз исботларига мисоллар ниҳоятда мүлдир. Замондошларимизга янгитдан намоён бўлаётган Ҳусайн Бойқаро «Девон»ида қуидаги мисраларни учратдик:

*Эй Ҳусайнни, эл саломат куйидин бўлгай жало,  
Гар Навоий янглиг оҳанги «Ҳижоз»имни десам.*

Худди Лутфий ва Навоийларники каби, буткул газалнинг х у л о с а в и й ш о ҳ байтини ташкил этган мазкур сатрларда Ҳусайн Бойқаро ҳам ўзининг энг яқин дўсти «Ҳижоз»ига қилган ишораси фақат мажозиймикин? Бу ўринда Навоий ва Ҳусайн Бойқаро алифбо сабоқлари қатори, Ҳожа Юсуф Бурҳондан олган мусиқа сабоқларини эслатиб, ҳар иккала ижодкор муайян мақом йўллари, буларга хос номланишларидаги мажозий ва том маънони қай даражада англаганликларини эътироф этиш зарур, деб ўйлаймиз.

Яна Бобурга қайтайлик. Унинг таърифлари аввалгиларга нисбатан наинки аниқроқ, балки к а с б и й р о қ кўринади. Мисол: машҳур созанда Қул Муҳаммад Удийнинг Шибирғон (Афғонистон)данлиги, уд қатори, гижжак, қўбизда моҳирлиги манбаларда қайта-қайта қайд этилган. Аммо Бобургина унинг ижоди қай даражада сермаҳсул («ҳеч ким мунча кўп ва хўб пешрав б о ф а - ф о н эмас»), шу билан бирга деярли бир йўналишда («Пешравдан ўзга ишларда мунча эмастур») бўлганлигини таъкидлаган кўринади.

Устод Шайхий Нойи ҳақидаги созанда (найчи, удчи ва гижжакчи)ликка доир маълумотлар «Бобурнома»да ниҳоятда н о з и к, ўзга манбаларда учрамайдиган муҳим ижодий хусусият билан тўлдирилган: «Нагамотқа андоқ мустаҳзар экандурким, ҳар нағмаки эшитса, дер экандурким, фалонининг фалон пардаси мунга оҳанг(дош-Т.Х.)дур». Демак, узоқ ўтмишда Оврўподаги услубилармондан икки-уч аср аввал ўзимида маҳаллий ижод тафаккури маҳсулотларини ажратувчилар, бастакорликнинг зукко билимдонлари бўлганлиги шубҳасиз аксиома бўлиб чиқмоқда.

НИҲОЯТ, яна бир кузатув. Бобур салафларининг бадиий (баъзан илмий-бадиий) асарларида бастакорлик –

«туз», «тут», «күргуз», «эт», «қыл» каби умумийроқ атамалар орқали ифодаланган бўлиб, «боғлаш» (яъни форсий «басталаш»нинг туркий кўриниши) воситасида жуда самдан-кам (масалан, Навоий «Қасидаи ҳилолия»сида) гаърифланган бўлса, тарихий манба сифатида тенги йўқ «Бобурнома»да «боғлағою», «боғлар», «боғладим» сингари асл туркона иборалар аксарият ҳолларда иштатилган. Хусусан, сўнгтисини Бобур (926-йил воҳеоттари таркибида) ўзининг мусиқий ижодига нисбатан ўллаганлиги диққатга моликдир: «...Мулло Ёрак Панкгоҳ (пардаси-Т.Х.)да, Муҳаммад даври (усули)да боғтағон нақшини ўткарди. Яхши нақш бофла бтур. Неча маҳал эди, мундоқ нима (нагма?-Т.Х.)ларга машгуллик қилмайдур эди. Манга ҳам дағдага бўлди, бир нима бофла имен. Бу таркиб била Чоргоҳ (пардасида) Савтни боғладим». Пировардида муаллиф ҳайрон бўлиб: «Нечукким, маҳаллида мазкур бўлгусидир», деб ёшиб қўяди.

Хулоса қилиб шуни қайд этишимиз ўринлики, агар Буюк Темур ва Темурийлар салтанати даврида илм, адабиёт ва санъатда туркийлашиб жараёни кучга тўлиб, ўз чўққиси сари ҳаракатини бошлиган бўлса, Бобур ва Муҳаммад Шайбонийдек зиёлилардан чиқсан, ўзлари бевосита бадиий ижод билан машғул бўлган давлат раҳнамолари ва уларнинг сулолалари замонида бу жараённинг гўла-тўкис авж палласини кузатиш мумкин.

Маълумки, кузатилган XV-XVI асрнинг биринчи ярмидан кейинги давр яъни XVI-XVII асрлар чегарасига ёид бастакорлик санъати Дарвишали Чангий қаламига мансуб «Тухфат ус-сурур» номи билан етиб келган мусиқага оид рисоласида 340дан зиёд шахслар муфассал ёритилган. Биз мазкур манбадан (Д.Рашидова таржимасидаги) маълумотларни сурункасига эмас, балки-булар ниҳоятда мўллигини инобат этиб, муайян тизим атрофида жамланган ҳолда таҳлил этишни жоиз кўрдик.

Авваламбор, мазкур мукаммал манбадаги бастакорлик ижоди турлари, асосий шакллари, чолғу ёки ашула йўлланинг яратилиш жараёни, булар мавзуи ва мазмуни муаммоларини алоҳида қайд этиб ўтмоқчимиз. Маълумки, ўзбек, тожик ва ўзга исломзамин халқларнинг бадиий (ху-

сусан мусиқий) ижод оламидағи әзтиқод ва эътимодлари – бир томондан мудом янгиланиб келган мұстақил услугаси йұналтирилған бұлса, иккінчи тарафдан – азалдан таңищ, оммавийлашған мерос намуналарига сайқал берувчи тақлиди ийдеңдегі услуга ҳам ўз аңыналарини шакллантириб келған. Шу боис, Дарвишали Чангий рисоласи сақиғала-рида у ёки бу ижодкорга бақо бериларкан, асосий мезонлардан бири тариқасида мазкур иккі услугбининг қайсинасига таалтуқты эканлигини ҳеч четда қолдирилмайды. Ҳатто ўз рисоласи баёнида ҳам ана шу услугбларга ургу бераёт-гандек, муаллиф – Аллох Таоло, пайғамбарлар ва Имомқулихонга аталған назмий қасидалардан сұнг, ўзининг бево-сита (Амир Фатхий Тошқандий, Хожай Жаъфар Қонуний) ҳамда билвосита (то афсонавий Фисогурсу Луқмони Ҳакимларгача) устозлари ҳақида ёзар экан, буларнинг қайси бири мустақил, қайсинасига тақлидона тафаккур соҳиблари бүлганигина қайд этиб ўтади. Ҳусусан, Жаъфар Қонуний наинки моҳир ижрочи, балки замонининг машқур ижодкори, мусиқа назарияси билимдони ва бошқа касбий фазилатлар билан ном чиқарғанлар қаторига киритилған.

Яна бир дастлабки холоса. Дарвишали Чангий бево-сита устозлари орасидан Али Дүсти Найи, Мир Мастий ва Мавлоно Ҳасан Кавкабий, билвоситаларидан Ҳусайн Охун, Имомқули Удий, Зайтун Ҳижжакий, Хожа Абдулло Марварид, Зайнулобиддин Чангий, Абдулқодир Марғий сингари ҳам илм, ҳам ижодда бетакор тафаккур соҳибларнинг номларини алоҳида ҳурмат ила тилга олинишини кўрамизки, бундан, муаллиф нечун айнан шулар шогирди эканлигидан фахрланиши аён кўринади. Зеро, Дарвишали Чангийнинг ўзи ҳам ана шу иккі (илмий ва ижодий) соҳаларда бетаклид асарлар яратиб, замондошлари ва кейинги авлодлар томонидан энг обрўли алломалар қаторига киритилған.

Ноёб рисоладаги аксар бобларда бастакорлик ҳақида мўъжаз ё бирмунча кенг доирадаги маълумотларни учратамиз. Буларни умумиёт ҳамда хусусиёт (муайян) даражадагиларга ажратиб, у ёки бу ижодий мақсаднинг инъикоси тарзида таҳлиллаш, бизнинг ҳам илмий муддаомиздир.

Биринчи турдаги фикрларни Дарвишали Чангийнинг бир нечта рубойи, қасидалар ва насрый баёnlардан иборат Муқаддима ва илк (I-II) бобларда учратамиз. Бунда, бир то-

мондан мавжуд анъанага бўйсуниб, аввалдан жорий этилган баён услуби, салафлар маълумотларига таянилса, иккинчи томондан - қатор тўлдиришлар, шахсий мулоҳазалар ўрин олган ва айнан сўнгтиларни ўз ичига қамраган саҳифаларда муаллифнинг бастакорликка муносабати, бевосита ё билвосита луқма, илова нисбатлари келтирилган. Айтайлик, рисоладан-рисолага кўчиб юрувчи 12 мақом тизимини юзага келиши ҳақида фикрлар орасига Дарвишали Чангий-буларнинг 4 тасини «моҳирлик паноҳкори Хожа Абдулқодир», яна 4 тасини Султон Увайс яратганликларига ишора қилиб ўтади. Ва яна бир ўта муҳим қўшимча қўшади: «Ҳар икки мақом (бу ерда парда, товушлар тизилмаси-Т.Х.) дан битта шўъба чиқарилган»<sup>1</sup>. Демак, муаллиф бу ва бунга ўхшаш аксарият ҳолатларда соғ илмий баённи ўз ижодий тажрибасига таяниб бастакорона мулоҳаза, амалий маслаҳатлари билан ойдинлаштиради.

Хусусан, 17 усул ва уламоларнинг булар атрофидаги баҳсларидан баён этувчи IV бобда, бастакорлик жараёнига бевосита алоқадор муаммолар, фикримизча қуидагилардир: усул ижодчилиги, уларнинг кўпая бориш силсила (прогрессия)си, табиатнинг яратгувчилик омиллари-қушлар сайрапши ва муайян усуллар юзага келиши<sup>2</sup>. Албатта, салафлари ҳамда ўзга ижод соҳаларига изчил таяна келган Дарвишали Чангий маълумотларининг бариси ҳам тўла-тўқис ҳақиқатдир, дейиш қийин, албатта. Илло «маърифатчилар доноси» Мирзо Улугбек муайян усуллар яратганлиги, «истеъдод ва эзгулик хазинабони» Ҳусайн Бойқаро 17 та, «миллат ва дин саранджомчиси» Алишер Навоий 7 та усул муаллифи бўлганликлари, шубҳасиз, яқин келажакда илмий ойдинлашпуви учун ўта зарур бебаҳо далиллардир.

<sup>1</sup> Хафиз Дарвиш Али ал-Хакани ибн Мирзо Али Чангий ибн Абдул Али Конуни ибн Амир Хошим Конуни ибн Хожа Абдулла Марварид. Трактат о музыке. Пер. с пер.-таджикского языка Д.Рашидовой. Библиотека ННИ Искусствознания. Инв. №879. С.28.

<sup>2</sup> Қизиқ бир қиёс: 1993 йили оламдан кўз юмган XX асрнинг энг забардаст композиторларидан-фарангистонлик О.Мессиан ҳам ўз вақтида ҳинд усуллари ва қушлар тили орасида узвий боғлиқлик мавжудлигини наинки илмий, балки ижодий исботлаб берди.

«Түхфат ус-сурур»нинг А.А.Семёнов нашрга тайёрла ган матнида V-VI боблар номаълум бир мантиқ (балки мантиқсизлик?) асосида бирлаштирилиб, «О музыкальных инструментах» деган номни олган ва фақатгин ўтмиш созлари манбаи сифатида таҳлилланиб келингган Аслида буларнинг биринчисидаги аксарият саҳифаларі шарқона таълиф а с о с л а р и, мавжуд мусиқавий шак ва (ҳозирги истиҳол билан айтганда) жанрлар таърифиг ажратилган. Боз устига, мазкур, алоҳида муаммо тарзи да кўрилаётган Дарвишали Чангийнинг бири-бирига уй гун уланиб кетаётган илмий-бадиий қайдлари мана ўб бобнинг ўзида монодия замин ижод таълимоти инъикос ланганлигидан далолат беради.

Хусусан кор, қавл, амал, пешрав, савт, нақш, рехта сажъ каби шаклларнинг лўндагина тарихий ва назарий таърифи, насрий баён, назмий мисралар билан тўлдири лиши мазкур услугб исботидир.

В боб пировардида рисоланинг яна бир, шу кунга қадақ диққат четида қолиб келган «сир»и мавжуд: Дарвишали Чангий ўз олдига бир томондан мусиқа илми баёнини иккинчи томондан ўзига хос т а з к и р а тузишни мақсақ қилиб қўйганини таъкидлайди<sup>1</sup>. Демак, муаллиф — со занда, шоир, мусиқашунос ва бастакор бўла туриб, ай наан ана шу ниятини кўзлаганлигини инобатга олсак, мазкур рисола-тарихан илк мусиқий тазкиралардан бир эканлигини ҳам эътироф этишимиз зарур.

Асадаги VI-XII (яъни жами 7) бобларда бастакорлиқ санъатига бевосита устуворлик мавқеи берилиб, мазкуд ижоднинг деярли барча сиру синоатлари, хусусан мозий дан етиб келган афсона, ривоятлардан тортиб муайян ман балардан тўпланган, номи, шеър ва куй муаллифлари, баяз зан яратилган даври ва жараёни аниқ далиллар билан бой итилган асарларга оид маълумотлар мавжуд. Буларнинг аксарияти баёнида Дарвишали Чангийнинг ижрочи (созандо, хонанда)лик, бастакорлик ва олимлик маҳорати тўла тўкис ўз самарасини беради. Маълумки, Машриқда ҳам Магрибда ҳам яратилган янги асарни унинг илк ижро чисига бағишлаш анъанаси асрлар мобайнида шаклланиб

<sup>1</sup> Мазкур манба, 64- бет.

келган. Рисола (VII боб)даги Устод Шодийнинг ижодий таърифида қуидагиларни ўқиймиз: «...унинг 12 та шогирди мавжуд эди... ва Ҳирот қалъасида - Ироқ пардаси (мақоми), Фаръ усулида 12 та нақш яратиб, буларни қай бир шогирди энг юксак даражада талқин этса ўшанга бағишлиланажаклигини эълон қиласди»<sup>1</sup>. Щу боис мухаммас усулидаги «Сунбулий» асари Юсуф Андиконийга, Турк-зарб усулидаги «Дили шиша» Мир Ҳиравийга, яна мухаммас усулидаги «Ханжар» Али Кармалга ва ҳ.к. бағишлиланган экан.

Оврўподан фарқли ўлароқ, шогирд-устозга эмас, балки унинг ниҳоятда ибратли ақси тарзидағи бағишилов намунаси Дарвишали Чангий эътиборини ўзига тортган, бунда у – бастакорлик соҳасидаги асл ва шарқона ҳиммат, бўлажак касбдошига эътимод, ҳақиқий истеъодидига эътирофнинг том маънодаги мисолини кўра олган.

Муаллиф, ўзи таъкидлаганидек, баъзан салафларидан маълумотларни олиб, буларга замон зайлар, ўзининг ижодкорона ва шубҳасиз ўта эътиросли диди билан ёндашади. Абу Абдулло Рудакийнинг иродали иш тутиши, маҳоратли ижро ва ижодчилиги туфайли она юртга қайтиш заруратини англаган Бухоро амири Наср ибн Аҳмад Сомоний ҳақидаги афсона Дарвишали Чангий талқинида айнан ана шундай йўсинда бойитилган: «Бу воқеа замондош олимларни ҳайратлантиримоқда, деб таъкидлайди, у, зеро шеър соддагина, нозик тафаккур ва мазмундорлик жиҳатдан оддийгина... Лекин устоднинг мусиқа илмида моҳирлиги, ва, балки, мазкур шеърни қавл ёки савт шаклида куйлаганлиги туфайлигина муваффақиятта эришгандир»<sup>2</sup>.

Ажратилган мухтасар ҳажмдан чиқиб кетмаслик ниятида, биз илк бор ўртага қўйилаётган уммондек муаммонинг фақат бир томони — 15 асрлик тан олинажак феномен, яъни ўзбек-бастакорлик ижодининг атиги муаллифлик масаласига тарихий нуқтаи назардан ёндашишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Зеро, ана шу 1,5 минг йиллик улкан даврнинг айни кузатиб чиқилган XV-XVII аср биринчи ярмидаги равнақи илмсевар ва санъатсевар Соҳи-

<sup>1</sup> Ўша манба, 162 - бет.

<sup>2</sup> Ўша манба, 78-бет

бқирон Темурбек ва унинг бирламчи сулоласи даврига тўғри келиб, тарихнинг ўзи инъом этган серомил жараённи кашф этди ва мусиқа санъати соҳасида д е м и у р г (бир шахснинг ўзида ижрочи, ижодкор ва таҳлилчи) л а р юзага келишига ҳал этувчи сабаб бўлди. Фикримизча: шундайин бўлмаганида, асрлар мобайнида илмий, амалий ва ижодий йўсинларда бир қатъий мавқега кўтарилиган «Дувоздаҳмақом» туркуми айнан шу 2-2,5 асрда янги туркум – «Шашмақом»га пайвандланиб кетармиди?

Ёки бўлмаса, аллома Алишер Навоий («Мажолис ун-нафоис», «Ҳолати Паҳлавон Мұҳаммад»ида) таъкидлаганидек, та қ ли д и й ижоддан м у с т а қ и л бастакорлик устуворлиги бунчалик кўндаланг кўйилармиди?

Хуллас, сўнгти 15-20 йил давомида ўзбек бастакорлик санъати борасидаги кузатувлар, XX асрнинг ҳеч бўлмаганида пировард йилларида мувозанат тикланиб, юзла б композиторлар қатори, ўнлаб бастакорлар ижодига диққат-эътибор берилаётганлиги — наинки тарихий ҳақиқат тиакланаётганлигидан, балки мусиқашунослигимиз олдидаги ўта долзарб муаммо ўз тадқиқотчиларини топаётганлигидан яхши дололат беради.

Бу борада «Мусиқа ижодиёти масалалари» тўпламининг дастлабки (1997) сонида Ю. Ражабий, К. Жабборов, С. Калонов, Ф. Содиқовдек беназир бастакорларимиз мероси илк бор таҳдилланганлиги, Тошкент Давлат Консерваториясини камина синфи бўйича битирганлар Ф. Мамадалиев (Д. Орипова, 1994), И. Икрамов (Ч. Эргашева, 1998), А. Исмоилов (У. Мамажонов, 2001) каби атоқли ижодкорларимиз асаллари тадқиқ этилаётганлиги эътиборга молиқдир.

**Зокир ОРИПОВ**

## **НАВОИЙ ДАВРИ МУСИҚА РИСОЛАЛАРИ ҲАҚИДА**

*Муганний, келу черт турконо соз,  
Мақоми «Наво», ўйқса «Турки ҳижзор»,  
Навоийнинг ашъоридан неча байт  
Менинг ҳасби ҳолим топиб туркий айт.<sup>1</sup>*

Алишер Навоий

Навоий ижодини ўрганувчиларнинг кўпчилиги бу улуг зотни шеъриятдан кейин мусиқа ва илми мусиқийда тенгизиз бир сиймо бўлган деб таъкидлайдилар. Баъзи мусиқашунослар, жумладан Зайнулобиддин Ҳусайнин (XV) ишора билан<sup>2</sup>, З.Ҳ.Каримова тўғридан тўғри у улуг зотнинг тахаллуслари Навоий бўлишилиги ҳам мусиқага яқинликларидан, деб ёзадилар.<sup>3</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) «Бобурнома»да: «Яна мусиқийда яхши нималар боғлабдур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордир», дейди,<sup>4</sup> яъни Навоийни ҳам мусиқа назариётчиси, ҳам бастакор сифатида танитади. Абдурауф Фитрат «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» асарида «Навоийнинг ўзи ҳам мусиқийда бир рисола ёзган деб сўйланманақдир» сўзларини битиб «Қари Наво» ёки «Қари Навоий» куйи ҳақида: «Бу куйнинг жуда эски бир куй экани ҳар томонда сўйлананиб турур. Бужоронинг эски мусиқашуносларнинг орасида бу куйнинг Навоий асари бўлғони сўйланадир. Мана бу маълумотлардан сўнг «Қари Навоий» куйининг Алишер Навоий асари бўлғони эҳтимоли кучланиб қолур», дейди.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хамса. Faфур Fулом номидаги нашриёт. Тошкент, 1986. 6. 357

<sup>2</sup> Зайнулобиддин Маҳмуди Ҳусайнин. Қонуни илми ва амалий мусиқи. Таҳия, таҳқиқ ва факсемилси дастанавис ва тавзедоти Асқарали Раҷабов. Нашриёти «Дониш», Душанбе, 1987, с 35.

<sup>3</sup> З.Г.Каримова. Навои в музыке. Издательство им.Гафура Гуляма. Тошкент, 1998, с.8.

<sup>4</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. «Юлдузча» нашриёти. Тошкент, 1989, 154 б.

<sup>5</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Нашрга тайёрловчи Каримбек Ҳасан. Тошкент, 1993, 43 б.

✓ Афсуски, Ҳазратнинг деярли барча адабий-бадиий, илмий асарлари бизгача етиб келгани ҳолда улуг зотнинг соғ мусиқий илмга бағишланган асарлари ёки басталаган куйлари ҳақида аниқ далил ва исботларга эга эмасмиз.

Бироқ Алишер Навоийнинг адабий-бадиий, илмий-адабий меросини ўрганар эканмиз, кўз олддимизда улуг шоир, буюк аллома ва улкан мусиқашунос сиймоси гавдалана-ди. Чунки унинг адабий-илмий асарларида мусиқа назари-яси ва амалиётига оид турли масалалар кенг, атрофлича ёритилган, ўн икки мақом тизими даврлари, чолғу асбоблар таснифи ўз таърифини топган. Алишер Навоий Абу Наср Форобий (870-950) ва Абу Али ибн Сино (980-1037) илмий-музиқий қараашларини ривожлантириб, мусиқий илмни ўрганишни асосан икки қисмга бўлади: илми таълиф (музиқий товушлар — нағмаларни ўрганувчи фан) ҳамда ҳлми иъқо (ъыни мусиқий ритм, шартли равишда мусиқий вазнларни ўрганувчи фан дейиш мумкин).

Навоий «Сабъаи сайёр» достонида мусиқани қай да-ражада билишини хоразмлик мусофир тилидан шундай баҳолайди:

*Санъатим анда соз чалмоқ иши,  
Билмайин ман каби ишишни киши  
Илми адвору фанни мусиқий  
Мендин ул илм аҳли таҳқиқи.<sup>1</sup>*

Навоий туттган олий мақом, мусиқадаги чуқур билим у зотга буюк мусиқий устодлар ва истеъододли мусиқий талабаларнинг талпинишига ва шогирд тушишига сабаб бўлди. Кўпгина мусиқий рисолалар муаллифлари ўз асарларини, Хондамирнинг (1480-1535) «Макоримул ахлоқ» асарида айтилганидек, «Навоийнинг кутубхонасида ва Навоий томонидан ҳар жиҳатдан таъминланган ҳолда» ёзганлар.<sup>2</sup> У кўп машҳур мусиқачиларга йўл кўрсатувчи, устоз, ҳомий, раҳнамо эди. Бу жиҳатдан Мавлоно Биноий ҳам Навоийга шогирддир. Бобурнинг ёзишича, Биноий

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Ҳамса. Фоғур Ғулом номидаги нашриёт. Тошкент, 1986, 357 б.

<sup>2</sup> Хондамир. Макоримул ахлоқ. Форсчадан М.Фахриддинов ва П.Шамсиев таржимаси.Faғур Ғулом номидаги нашриёт. Тошкент 1967, 5 б.

«...бурунлар мусиқийдин бехабар экандир, бу жиҳатдин Алишербек таън қилур экандур. Бир йил Мирзо (Хусайн Бойқаро) Марвга қишилай борғанда –Алишербек ҳам борур. Биноий Ҳирийда қолур. У қиши мусиқий машқ қилур, ёзгача онча бўлурким, ишлар боғлар. Ёш Мирзо Ҳирий келганда савт ва нақш ўткарур. Алишербек таажкуб қилиб гаҳсин қилур».<sup>1</sup> Сўнг Навоий маслаҳати билан «Мавлоно Биноийдаги бу фанда рисолалар битдилар».<sup>2</sup> «Закийларга яширин қолмасинки, ёзувчиларнинг касод моллари бу шарофатли соясида тўлиқ қимматта эга бўлиб, ул ҳазратнинг ном-шарафлариға бағишланган балоғат нишонли китоблар ва фасоҳатли таснифлар юзага чиқди»<sup>3</sup>. Бу «балоғат нишонли китоблар ва фасоҳатли таснифлар» қаторига, Навоий мусиқачиларнинг «казарий маълумотини ортироқ учун тўрт буюк устозга<sup>4</sup> тўртта мусиқий рисола ёздирғани... Энг сўнг Мавлоно Жомийдан сўраб бешинчи рисола ёздирғани» ҳам киради.<sup>5</sup>

Бундан ташқари, Зайнулобиддин Ҳусайнний ўзининг машҳур «Қонуни илми ва амали мусиқий» деб аталмиш асарини ҳам Навоий раҳнамолигида яратган. Унинг кириш қисмida Ҳусайнний Навоийнинг илтифоти ва ёрдами билан яратилган рисолалар рўйхатига Маҳмудийнинг «Рисола дар илми мусиқий»сини ҳам киритади<sup>6</sup>. Навоийнинг тоғаси Мұҳаммадали Ҳаребий ўз даврининг машҳур мусиқашуносларидан бўлган. Ҳазратта таяниб рисола тузган деган тахминлар юради. Аммо у кишининг бирон-бир мусиқий рисолалари бизга маълум эмас.

Демак, Алишер Навоий раҳбарлигида, раҳнамолигида, ҳомийлитаиди ёки даъвати билан яратилган, бизга маълум мусиқага оид рисолалар қуйидагилар:

Абдураҳмон Жомий. «Рисолаи мусиқий».

Зайнулобиддин Ҳусайнний. «Қонуни илми ва амалий мусиқий».

<sup>1</sup> Заҳирiddин Мұҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиеv. «Юлдузча» нашриёти. Тошкент, 1989, 162 б.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Ҳамсатул мутахаййирин. Асарлар. ўн тўртинчи том. Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиеv. Тошкент. 1990. 141 б.

<sup>3</sup> Ҳондамир. Макоримул ахлоқ. Тошкент. 1967, 62 б.

<sup>4</sup> Камолиддин Биноий, Абу Алишоҳ Бўка, Мир Муртоз ва Ҳожи Шаҳобиддин Абдулло Марваридларназарда тутилмоқда. З.О.

<sup>5</sup> Фиграт. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Нашрга тайёрловчи Каримбек Ҳасан. «Фан» нашриёти. Тошкент, 1993, 43 б.

<sup>6</sup> Эслатилган манба, 62 б.

Камолиддин Биноий. «Рисола дар мусиқий».  
Абу Алишоҳ Бўка. «Аслул васл».  
Мир Муртоз. «Рисолаи мусиқий».  
Ҳожи Шаҳобиддин Абдулло Марварид. «Рисолаи мусиқий».  
Маҳмудий. «Рисола дар илми мусиқий».

Юқорида зикр этилган етти мусиқий рисоланинг аввал ги учтаси, бизнинг даврда, у ёки бу даражада ўрганилган Улардан бири Текронда нашр этилган Камолиддин Биноийнинг «Рисола дар мусиқий»<sup>1</sup>си бўлиб, у Навоийга мадр билан бошланади, Сафиуддин Абдулмўмин Урмавий-Бағдодий (1216-1294) ва Абдулқодир Марогий (1353-1434 мусиқий таълимотлари қисман келтирилади, соф мусиқи тушунчалар тавсиф қилинади, олдинги манбаларда учра маган мусиқий даврлар баён этилади, Форобий, Ибн Син ва Марогийнинг ийқога оид фикрларидан фойдаланиб мусиқий ийқо ва шеърий аруз вазни қиёсланиб ўрганила ди. Аммо у бир тузук мусиқий шарҳ билан таъминланмаган.

Иккинчи рисола Зайнулобиддин Ҳусайнининг «Қонуни»дир. Бу рисола атоқли ўзбек мусиқашуноси устоз Исҳој Ражабов томонидан ўрганилди<sup>2</sup>, А.А.Семёнов уни рус тилига эркин таржима қилди ва ниҳоят 1987 йил Душанбеде форсий матн қўлэзмаси, А.А.Семёнов таржимасининг қўлэзма факсимилалари, асл матнининг арабий алифбода кирилицага А.Ражабов томонидан кўчирилган шакли шарҳ ва изоҳлар билан нашр этилди<sup>3</sup>. Бу рисола муқадди масида Алишер Навоийга қасида битилган Ҳусайнининг «Қонуни» Темур ва темурийзодалар даври мусиқа илми анъаналарида бўлиб, ўтмиш олимлари таълимотлари ижодий ўзлаштирилган. Юқорида айтганимиздек, мазкур рисоланинг Душанбе нашрида яхшигина шарҳ бор, аммо ҳозирги замон мусиқашунос, мусиқачи, мутахассис вишинавандаларга мўлжалланган мусиқий шарҳга муҳтож дир.

<sup>1</sup> Камолиддин Биноий. Рисола дар мусиқий. Текрон. 1367 ҳ.

<sup>2</sup> Ражабов И.Р. Рукописные источники по истории музыкальной культуры народов в Средней Азии (Из собрания восточных рукописей АНУзССР). Дис... канд. филол. Наук. Ташкент. Ленинград. 1995.

<sup>3</sup> Зайнулобиддин Ҳусайнин. Қонун илми ва амали мусиқи. Таҳия, таҳқи ва факсимилеи дастнавис ва тавзевоти Аскарали Раҷабов. Нашриёт «Дониш» Душанбе, 1987.

Учинчи рисола Абдураҳмон Жомийнинг «Рисолаи мусиқийси»дир. Бу асар 1960 йил А.М.Болдирев таржимаси ва В.М.Беляев таҳрири ҳамда шарҳи билан Тошкентда рус тилида нашр этилди<sup>1</sup>. Жомий рисоланинг кириш қисмида, асарни дўстнинг (яъни Навоийнинг) тилагига жавобан яратганини ёзди. Таъкидлаш лозимки, Жомийнинг «Рисолаи мусиқий»си қимматли мусиқий маңба, унинг русча таржимаси ва илмий мусиқий шарҳи юқори даражада бўлганлиги сабабли мусиқашуносларга ҳам, ижрочиларга ҳам қўл келмоқда. Асл нусхадаги фикрлар тўлиқ, тўғри, тушунарли ифода ва изоҳ этилганлиги боис, ундан ўрганишда ҳам унумли фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, Абдураҳмон Жомийнинг «Рисолаи мусиқий»си асосида Н.И.Шодмонов филология бўйича номзодлик диссертацияси ёқлади<sup>2</sup>, рисола ўзбек тилига ўтирилди<sup>3</sup>. Бу Навоий даври мусиқий ҳаётини, хусусан мусиқий атамаларнинг шаклланишини ўрганишда муҳим иш эди. Ўзбекча таржимада Жомий рисоласининг барча фазилатлари яққол акс этмагандек. Бунинг сабаби таржимоннинг мусиқашунос бўлмаганлигидан эмас, балки таржиманинг замонавий соғ мусиқий шарҳга ҳам муҳтоҷлигидadir. Илмий жамоатчилик орасида таниqli мусиқашунос О.Матёқубов рисолага ўзбекча янгича шарҳ ёзган деган гап бор. У нашр этилганда Ҳазрат Навоий тилаги билан яратилган бу рисоланинг янги қирралари кўпчиликка ошкор бўлса шояд.

Турли муаллифларнинг Навоий лутфи билан дунёга келган бир қанча мусиқий рисолалари атоқли мусиқашунос, санъатшунослик доктори Исҳоқ Ражабов (1927-1982) илмий изланишларда ҳам ўрганилган. Агар И.Ражабовнинг «Ўрта Осиё ҳалқлари мусиқа маданиятига оид қўллэзма мањбалар» асари ва «Мусиқий лугати» нашр этилса ва кенг илмий истеъмолга киритилса, Навоий ёрдамида яратилган мусиқий рисолалар мусиқий маънавиятимиз савиясининг янада кўтарилишига хизмат қиласа эди.

<sup>1</sup> Абдураҳман Джами. Трактат о музыке, перевод А.Болдырева, комментарии В.М.Беляева.

<sup>2</sup> Шодмонов Н.Н. Абдураҳмон Жомийнинг мусиқий атамалари. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 1997й.

<sup>3</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи мусиқий. Форс тилидан Нафас Шодмон таржимаси. Тошкент давлат маданият институти. Тошкент, 1997.

Алишер Навоий ҳунарманддан яхши сўзни, муҳтоя бўлса зарини аямас эди. Жумладан, созанда, хонанд ва бастакорларга ҳомий, мураббий, муршид бўлди у. Би ҳақда Бобур шундай ёзади: «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарғи Алишербекча мураббий ва муҳаввий маълум эмаским ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад Шайхи Ноий ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эди лар. Бекнинг тарбият ва тақвияти билан мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар»<sup>1</sup>.

Ҳожи Юсуф Бурҳон ва Ҳожи Абдулло Марварид каби мусиқачилар ҳам Навоий томонидан ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турилган. Улар Навоий ғазалла рига биринчи бўлиб нақшлар битган мусанифлар (бас тақорлар)дир.

Булардан ташқари, Навоий «Мажолис ун-нафоис» да Ҳожи Абдулвофий Хоразмий, Ҳофиз Шарбатий, Ка молиддин Удий каби ўнлаб мусиқада ҳам ўз иқтидорларини намоён этган фозилларга хайрҳоҳ бўлганини билдиради. Хондамир ёзганидек, Навоий «атоқли олимла ва ҳурматга лойиқ фозил кишиларнинг даражотларини кўтаришга ва мартабаларини оширишга қўлдан келга қадар саъй-ҳаракат қилди»<sup>2</sup>.

Фитрат «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» асарида дейди: «Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий нинг ҳимоятлари остида чигатой адабиёти ва чигатой мусиқасининг олтин даври Ҳиротда қурила бошланди»<sup>3</sup>.

Адабий ва илмий асарлари қудрати, балогати туфайли мумтоз мусиқамиз оҳангларига янгича бир жило, янгича бир наво ато этган Ҳазрат Алишер Навоий ўзини «бир банда, фақири хоксор, хонивали беътибор» билган, барча хайрли, савобли ишларни беминнат адо этган, ўқувчиларга, шогирдларга, сизу бизга фақат, фақат бир илтижоси бўлган у бобомизнинг:

*Ким ўқуса, ё қилур эрса савод,  
Рұҳим агар қилса дуо бирла шод.  
Тенгри ишин кому мурод айлесун,  
Рұҳини жаннат аро шод айласун.*<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Кўрсатилган нашр 154 б.

<sup>2</sup> Хондамир. Макоримул ахлоқ. 40 б.

<sup>3</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. 40 б.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Ҳамса. Фоур Ғулом номидаги нашриёт. Тошкент, 1986, 73 б

# **Оқиљхон ИБРОҲИМОВ**

## **ҲАЗРАТ НАВОЙӢ ВА МАҶОМ**

*«Олийҳазрат Амир Алишер мусиқа илмида  
ҷам шу қадар маҷорат ҳосил қулган эдиларки,  
агар Муалими соний Абу Наср Форобий ҳаёт  
бўлғанларида унга шогирдлик сиргасини қулогига  
тақиб оларди. У ҳонуну удда зўр таълим олган.  
Бинобарин, созанда аҳлиниң кўпчилиги ҳамиша  
олий ҳазратнинг мулозаматида...»*

**ХОНДАМИР**

Ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоий маҷом санъатини ҷам амалий, ҷам назарий жиҳатдан мукаммал билғанлиги унинг назмий-илмий асарларидан аён. Бу ҳол, айни пайтда мутафаккир меросининг маҷомлар билан боғлиқ турли масалаларни (тариҳий, назарий ва б.) ўрганишда муҳим ва қимматли манбалардан эканлигини қўрсатади.

Аслида маҷом олами Навоий бадиий тафаккурининг теран ва гўзал руҳий оламининг ажралмас таркибий қисмидир.<sup>1</sup> Зоро, сўз мулки сultonининг ғазалиёти бу шеърият услубида ифода этилган ҳикматлар уммони бўлса, маҷомлар – куй садолари воситасида тараалган ҳикматлар уммонидир. Шу боисдан бўлса керак, Навоий ғазалларини мутолаа қилиб завқ оловчи мухлис, одатда, маҷомларни ҷам тинглашга майли бўлади, улардан руҳий баҳра олади. Гўзал маънолар билан безалган бу ҳар иккала уммонинг бир оламга боғланиши эса Буюк Ишқ туфайлидир.

**Ҳазрат Навоийнинг:**

*Очмагай эрдинг жамолинг олам аро кошки,  
Солмагай эрдинг бари оламга гавго, кошки.*

*Чун жамолинг жилваси оламга солди рустахез,  
Қилмагай эрди кўзум они тамошо, кошки.*

<sup>1</sup> Эслатиб ўтиш жоизки, «Навоий» таҳаллусининг лугавий негизи бевосита «Наво» маҷомининг номига бориб тақалади.

*Бўлмагай эрди кўзум ўтлуг юзинг кўрган замон,  
Ишқинг ўти шуъласи кўнглумда пайдо, кошки...*

каби оловли мисралари мақомлардаги ҳар бир асосий айтим йўлларига дебоча бўлиши мумкин. Зоро, мақомларда ҳам ўтли қалб ҳарорати, ҳузурли дард изтироблари, соф туйғунинг сурурли авж кечинмалари ҳис этилади.

Дарҳақиқат, юксак ишқ боис маънавий поклик йўлини ихтиёр этувчи ва унинг мақомларида коинотга қадар руҳий юксалиб, пировардида эса асл Гўзаллик, чин Ҳақиқатга эришувчи комил инсон таълимоти ҳам ҳазрати Навоий назмининг, ҳам мумтоз мақомларимиз мазмун-моҳиятининг асосий ўзагини ташкил қиласиди. Бинобарин, донишманд шоир асарлари бўйлаб гўё дурдек сочилган мақом истилоҳлари шунчаки “лирик чекиниш” мақсадида эмас, балки муайян фикр-гояйнинг энг муҳим нуқтаси, баъзан ботиний холосаси тарзида намоён бўлади.) Бу ўринда эса ҳазрати Навоийнинг умуман мусиқа борасидаги қарашларини ҳам назардан қочирмаслик кепрак. Хусусан, Фаридиддин Атторнинг “Мантиқут-тайр” асарига жавоб тарзида ёзилган “Лисонут тайр” фалсафий достонида шундай мисраларни ўқиймиз:

*Бўлса лаҳну нагмада огоҳлиг,  
Беҳки тоат вақтида гумроҳлиг.*

Яъни, куй — у **нагмани** тинглагандаги даргоҳи азални эслаб, илк **Хитобдан** огоҳ бўлишилик гумроҳ ҳолда қилинган тоат-ибодатдан-да яхшироқдир (Валлоҳу аълам). Шу моҳиятда идрок этилган мусиқа бевосита инсон қалбига ижобий таъсир ўтказиши, унинг руҳига маънавий озуқа бўлиши мумкин. Демак, “огоҳлиг қуйлар”, таъбир жоиз бўлса, руҳий ибодат янглиг муқаддасдир.

Шу аснода мақомларнинг номлари битилган қуидаги байтларга зътибор берайлик:

*Қадди ҳажсринда тортсанг нола,  
«Рост» оҳанги, эй Навоий туз.  
(“Бадоев ул-бидоя”дан).*

Ушбу байт мазмунини англаб олишда “Рост” атамаси ва унинг мусиқада маълум хусусиятлари муҳим ўрин тутади. Машҳур ўн икки мақомлардан бирининг номи бўлган бу атама тасаввуфда тариқат йўли (роҳи рост)-ни ҳам рамз этади. Шундан келиб чиқсан ҳолда байт мазмунини қуидагича шарҳлаш мумкин:

Айрилиқдан (ҳижрондан) дард чекувчи (ёки Ёр васлига интигувчи) ошиқ тариқат йўлига кирсин. Чунки бу йўл шу мақсадга йўллангандир.

Энди, мақомлар кесимидағи “Рост”ни назарда тутсак, ушбу байтдан қуидаги маъно келиб чиқади:

Эй ошиқ (Навоий)<sup>1</sup>, агар сен ҳижрон азобида бўлсанг, «Рост» мақоми («Ҳақиқатта элтувчи куй») оҳангларини тузгин. Чунки бу мақомда садолантан куй-оҳанглар ошиқ қалбига орому-файз етказади ва, балки, руҳияти юксалиб, исталган завқ ҳолатига ҳам эришиши мумкин. «Рост» мақомининг инсон руҳига бу каби фавқулодда кучли ҳиссий таъсир этиш сабаблари эса энг аввало ундаги мукаммал пардалар уюшмаси ва шу асосда куй-оҳангларининг мурайян ривожланиш услуби билан ҳам тавсифланади.

Байт мазмунига нисбатан бу тарзда берилган баҳоли қудрат шарҳимиз аввалгисини инкор этмайди, балки бир-бирини тўлдирувчи бир тизимдаги теран маънолар бор-йўги икки шеърий мисрада мужассам бўлганлигини кўрсатади. Айни пайтда мазкур байт мазмуни ўлароқ мақомлар мусиқасида ҳам тасаввуф гоялари инъикос этилганлигини фаҳмлаш мумкин. Бу борада ҳазрати Навоийнинг қуидаги шеърий мисралари ҳам диққатга сазовордир:

Эй Навоий, сен доги қилсанг тамаъ сайри «Ҳижзор»,  
қил «Ироқ» оҳанги, тарк айлаб Хуросон мен каби.  
(“Наводир уш-Шабоб”дан).

Эй Навоий, то муқаррар қилдим оҳанги «Ҳижзор»,  
Гаҳ «Ироқу», гаҳ «Ажсам» сари тараннум айларам.  
(“Хазойин ул-Маоний”дан).

Эй муганний, тут «Ироқ» оҳангию кўргуз «Ҳижзор»,  
Ким Навоий хотири бўлмиши Хуросондин малул.  
(“Бадоеъ ул-Бидоя”дан).

<sup>1</sup> «Навоий» сўзи тасаввуфда «Ишқ куйчиси» маъносини ҳам англатади.

Мисраларда келган ва бир неча маъноларни ифодаловчи “Ҳижоз” ва “Ироқ” мақомларининг номлари “очқич” янглиғ аҳамиятга эга.

Ҳижоз, маълумки, муқаддас Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара шаҳарлари жойлашган сарҳадни англатса, Ироқ — маълум мамлакатнинг номига ишора этади. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу номларнинг ўзаро нисбати улуғ ҳаж сафарига ташбеҳ этилади. Бунда Ҳижоз — сафардан кўзлаган асосий мақсад тимсоли, Ироқ эса шу мақсадга олиб борувчи олис йўл рамзи сифатида келади. Зеро, Навоий замонларида Ҳижоз манзилига етишмоқ учун Ироқ чўлларидан ўтилган. Демак, юқорида келтирилган байтлар мазмунида ҳазрат Навоийнинг бутун умри давомида орзу қилган ҳаж сафарига интилиши ўз аксини топган. Шунингдек, “ҳаж ғояси” замонида буюк Ҳақиқатга элтувчи маънавий камолот йўл сафари ҳам англашилади.


Байтларнинг “мусиқий кесим”даги маъноларига келсак, уларда, умумий қилиб айтганда, ошиқнинг «Ироқ» ва «Ҳижоз» мақом куйларини тинглашга руҳий эҳтиёжи борлиги аён бўлади. Чунки, бу мақомларда ҳам Рост сингари мукаммал парда уюшмалари ва уларда маълум услубда ривожланувчи куй тузилмалари мавжуд бўлиб, улар ошиқ руҳини сурурли важд кечинмалари сари юксалишига қувват берувчи озуқа бўлиши мумкин.

Шуни айтиш керакки, бизнинг даврга қадар етиб келган Шашмақом, Ҳоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўллари таркибида «Ҳижоз» мақоми (аниқроги унинг номи) учрамайди. «Рост» мақоми эса Навоий давридан буён қарийб ўзгармаган бўлиб<sup>1</sup>, у инсон (қалб) тинглови ва идроки учун энг маъқул ва манзур даражада мукаммал уюшган пардалардан биридир.<sup>2</sup> «Ироқ» мақомида ҳам пардалар тизими шу қаби мукаммал кўринишга эга.


<sup>1</sup> Масалан, қаранг: Абдурахман Джами. Трактат о музыке. Перевод с персидского А.И.Болдырева, Редакция и комментарии В.М.Беляева. Т.,АН УзССР, 1960. 84 с.

<sup>2</sup> Ушбу пардалар уюпмасида одангдош (мулойим) бўйдларнинг умумий сони тўққизта (зул кулл=1, зул ҳамс=3, зул-арбаъ=5) бўлиб, улар товушқаторнинг умумий пардалари миқдоридан ортиқдир.

### РОСТ



### ИРОК



Ушбу пардалар ҳар бир мақом ғоясини юзага чиқаришда аҳамиятли бўлиб, бу ҳол муайян услугуб доирасидагина ўзини тўла намоён этади. Аслида тариқат босқичларида руҳий-маънавий юксалишнинг бадиий инъикоси сифатида шаклланган бу услугуб нафақат мусиқада, балки тасаввух таъсири бўлган деярли барча ижод соҳаларида, шу жумладан кўп жиҳатлари билан мусиқага яқин бадиий адабиётда ҳам юзага келган. Бинобарин, бу борадаги муқоясалар ҳам эътиборга моликдир.

Алалхусус, “босқичма-босқич юксалиш” (ёки мақом) услуги деб тавсифланиши мумкин бўлган мазкур бадиий тамойил Навоий ижодида (турли назмий асарларида) кенг намоён бўлади. Буни, жумладан, шоир газалларининг дастлабки мисраларида ифода этилган муайян руҳий ҳолатни кейинги байтлар давомида изчил ривожланниб, пировардида ўзининг авж нуқталарига етиб якунланишида кўришимиз мумкин.<sup>1</sup>

Шунингдек, бу услугуб “Хамса”, “Лисонут-тайр” каби иирик ҳажмли асарларда ҳам юксак истеъдод билан қўлланиладики, натижада келиб чиқиш манбалари қадимги дунё (“Садди Искандарий”) ва ундан кейинги даврларга тааллуқли айрим воқеа ва фольклор мавзулари (“Сабъаи сайёр”, “Лайли ва Мажнун” ва б.) асоси-

<sup>1</sup> Масалан, қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 4-том. Ҳазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. Т.Фан, 1989, 7-650 6.

да ҳайратомуз бадиј яхлит шеърий достонлар юзага келади, улардаги бош қаҳрамонларнинг маънавий камолотга етишувлари зўр маҳорат билан тасвирланади.

Масалан, “Сабъаи сайёр” достонига асос бўлган адабий мавзуу аслида “шон-шавкатли подшо, моҳир овчи ва ишратпаст киши” сифатида тасвир этилган Баҳром Гўр ҳақидаги афсона ва ривоятларга бориб тақалади.<sup>1</sup> Хамсачилик анъаналарини юқори пардаларда давом эттирган ҳазрат Навоий бу мавзуни тубдан қайта ишлаб, унга қадимги юнонларнинг етти фалак хусусидаги қарашларини уйғун сингдиради. Натижада асарнинг бош қаҳрамони бўлган Баҳром Гўр ошиқ шоҳ сифатида гавдаланади. Достон композициясида муҳим ўрин тутган етти сайёр ҳикояси эса “одам ва олам бирлиги” кесимида талқин этилиб, уларнинг ҳар бири тариқат мақомларида юксалишни рамз этувчи алоҳида-алоҳида ранг билан тавсифланади. Бинобарин, асар воқелигининг ҳикоядан ҳикояга қараб ривожланиши сайёралар билан бирга рангларнинг ҳам алмашиниб (1-қора, 2-сариқ, 3-яшил, 4-шафақ, 5-мовий, 6-сандал тусли, 7-оқ) туришида ўз аксини топлади<sup>2</sup>.

Босқичма-босқич ўсиш услубининг мақомларда қўлланиси ҳам маълум қадар ўзгача. Деярли бошлангич ва асосий қисмларда изчил намоён бўлувчи мазкур услуб мазму-

<sup>1</sup> Мутахассислар «Баҳром» номини Эрон ҳукмдори Вараҳран У (418-438, Вараҳран дарий тилида «Баҳром») билан боғлайдилар. Қаранг Н.М.Малласев, Ўзбек адабиёти тарихи. Т., Ўқитувчи.1976. 476 б.

<sup>2</sup> Эътиборли томони шундаки, ўтмишда мақомлар ҳам муайян рангла билан боғлиқ ижро этилган. Бинобарин ҳофиз ва созандалар ижро этилаётган мақомларга ранг жиҳатдан мувофиқ либосларда бўлишган, тингловчилар учун ҳам етти ҳил рангда маҳсус хоналар ажратилган. Мусаввир Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари томонидан Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонига ишланган тасвирларда (миниатюраларда) ҳам бу анъана ўз аксини топган кўринади.(қаранг: Алишер Навоий достонларига ишланган расмлар Альбом муаллифи Ҳ.Сулаймон. Т., Фан,1970, расмлар NN11,14-19 ) Шунингдек, достонда қайд этилган етти сайёрни қадимдан келаётган анъан: асосида мақомларнинг етти нави билан қўйидаги тартибда боғлаш мумкин

Сатурн Куёш Ой Марс Меркурий Юпитер Венера

Раҳовий - Ироқ Наво - Ушшоқ - Бусалик - Зирафканц - Рост

Бу каби боғланиш ва улардан келиб чиқадиган рамзий ҳолатлај асарнинг теран гоясими англашда инобатга олиниши керак. қаранг Л.Я.Жмудь. Пифагор и его школа.Л., Наука, 1990, с.91-128; У. Гаджибеков Основы азербайджанской народной музыки. Баку, Язычы, 1985, с. 19-20.

нида кичик қамровли куй тузилмаларининг (мавзулари-нинг) мукаммал пардалар асосида бир тартибда (I, II, III, IV ва ҳоказо) қуийдан юқорига қараб авж нуқталари сари поғонама-поғона ривожлантириш назарда тутилади. Масалан, Шашмақомдаги Таснифи Рост куй-мавзуининг оҳиста ўсиб бориши биринчи парда (I – босқич “до”)дан бошланади. Мазкур парда асосий таянч (тариқатга қиёс этилганда 1-босқич) бўлиб, қолган таянчлар ҳам унга асосланган ҳолда намоён бўлади. Бунда эгалланиб борилаётган ҳар бир босқич ўз миқдорига тенг интервалларни юзага келтиради. Хусусан, 1-босқич “до-до” (прима), 2-босқич “до-ре” (секунда), 3-босқич “до-ми” (терция), 4-босқич “до-фа” (квартга) интерваллари воситасида ўзлаштирилади. Шу тариқа куй мавзуининг ривожи еттига асосий парда товушларини бир тартибда алоҳида садолантириш билан амалга ошади.<sup>1</sup>

### ТАСНИФИ РОСТ

Мисол-схема

The diagram illustrates the harmonic progression of Tasnifi Rost across four staves, labeled I through IV. The progression follows a specific sequence of chords:

- I-staff:** Chords I, II, III, III, V.
- II-staff:** Chord VI.
- III-staff:** Chords I (-VIII), VII.
- IV-staff:** Chords V, I, VII.

Arrows indicate the movement between chords, showing the flow from one staff to the next. The staffs are separated by vertical lines, and the notes are placed on the appropriate staff based on their pitch.

«Таснифи Ироқ»да ҳам шунга ўхшашиб бадиий жараёнлар ўлароқ мақомнинг етти асосий пардалари изчил равишда (бирин-кетин) эгалланади (I – V хоналар). Шу гарзда дастлабки ихчам куй тузилмаси ривожланиб, кенг миқёсли кўриниш касб этади.

<sup>1</sup> Қаранг: Шашмақом. II жилд. Ёзib олувчи Ю.Ражабий, Таснифи Рост [-IV] хоналар. Т.Ф. Фулом номидаги Бадиий Адабиёт нашриёти, 1967.

## ТАСНИФИ ИРОК

Мисал-схема



Шуни айтиш керакки, мақомларда кузатилаётган бу каби “ўсиш тамойили” дастлаб қадимдан мерос келаётган содда кўринишши оддий (халқ) куйларни мумтоз талаблар даражасига келтириш мақсадида қўлланган кўринади. Хусусан, бизгача етиб келган «Наврӯзи Ажам», «Наврӯзи Хоро», «Наврӯзи Сабо» номли мақом асарларининг куй негизларида мутахассис олимлар томонидан “халқ куйининг энг қадими намунаси” (“бирламчи чизиқ”) тарзида тасниф этилган қуий оқим куй-оҳанглари яқъол намоён бўлади. Бу ҳол бежиз эмас, албатта. Маълумки, кўпгина Шарқ халқлари узоқ ўтмишдан буён Наврӯз байрамини кенг нишонлаб, шу муносабат билан маълум куй ва ашулаларни ижро этиб келганлар.<sup>1</sup> Ўзига хос мавсумий маросим мусиқаси сифатида халқ анъанавий ҳаётидан муқим ўрин олган бу тоифа куйлар кейинчалик мақом тизимларига киритилиб, мазкур услубнинг қўлланиши воситасида ўзларининг юксак ривожланган кўринишларига эга бўлғанлиги ҳақиқатга яқин бўлса керак.

Шунингдек, мақомлардаги “тоҳ” (яни «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Панжгоҳ» шаклидаги) куй тузилмалари ҳам шу асосда ривож топган кўринади. Аксарият олимлар бу тоифа куйлар негизи қадими китобларни маълум оҳангларда

<sup>1</sup>Бу ҳақда ҳаранг: Исҳоқ Ражабов. Мақомлар масаласига доир. Т. Ўзабадийнашр, 1963, 57-59 б.

ўқиши анъанасига дахлдорлигини, шу жумладан “Авесто”даги “гот” мадҳияларига бориб тақалишини фараз қиласидилар.<sup>1</sup> Бизга маълум “гоҳ” куйларининг таҳлили эса бу намуналарниң илдизлари фараз этилаётган даврлардан-да қадимийроқ эканлигини кўрсатади. Хусусан, Фарғона-Тошкент мақомларидан «Дугоҳи-Ҳусайнний» – I куйи негизида икки таянч пардали оҳанг тузилмаси, «Сегоҳ» чолғу куйида, шунингдек, Шашмақомнинг «Таснифи Сегоҳ», Хоразм «Сегоҳ» мақомининг «Тани мақом» қисмларида эса уч таянч пардали оҳанг тузилмалари борлиги аён бўлади.<sup>2</sup> Этномусиқашунос олимларнинг қўлга киритган сўнгти ютуқларидан маълумки, бу каби таянч товушли куй намуналари халқ мусиқий тафаккурининг дастлабки куртакларидир. Айни пайтда ана шундай содда куй тузилмаларининг кейинги мусиқа санъати ривожланган даврларда мақомлар дарражасига қадар юксалганлиги фоят эътиборлидир. Албатта, бунда ҳам тавсиф этилаётган “ўсиш” услуби қўлланган бўлиши керак.

Назаримизда, бу жараённинг англаб олинишида ҳам Навоий ижодини мувозий қиёслар асосида ўрганиши жуда самаралидир. Алалхусус, инсоннинг маънавий камолот чўққисига эришуви мажозий устубда ифода этилган “Лисонут-тайр” достонида ўттиз күш одил шоҳ — Семургни излаб парвоз қиласди. Машақатли сафар давомида етти босқич — Талаб, Ишқ, Маърифат, Йистигно, Тавҳид, Ҳайрат ва Фақру фано водийлари бирма-бир “забт” этилади, аммо пировардида улар Семургни эмас, балки ҳар бири ўзини “Семург” даражасида (яъни комилликка эришган ҳолда) кўради:

*Кўрдилар ўзини қаёнким тушибти кўз,  
Оллоҳ, Оллоҳ, не ажойиббур бу сўз.*

*Ким қилиб Симург ўттуз қуши ҳавас,  
ўзларин кўрдилар ул си мургу бас.  
(“Лисонут-тайр”дан).*

<sup>1</sup> Бу ўринда Авестодаги “Gathesha” сўзи кейинчалик дарий (форсий) гилига «Gaһ»шаклида ўтганлиги ва яна қатор ҳолатлар инобатга олинади. Қаранг: Короглы Х.Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азгрбайджана М., 1983. с.8; Назаров А.Ф. Книга песен аль-Исфахани в аспекте межрегиональных музыкально-транскультуративных процессов. Канд. дисс. СИТИ кутубхонаси, инв. N812, с.33.

<sup>2</sup> Қаранг: Иброҳимов О. Мақом «гоҳ»лари хусусида. Тўплам: Ўзбекистон санъатшунослиги муаммолари. Т., Фан, 1997.

Шуниси диққатта сазоворки, “йўл” интиҳоси билан эришиладиган “янги сифат” фояси мақом пардаларида ҳам юзага келади.

Бунга Шашмақом, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларидағи “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Чоргоҳ” номли намуналар яққол мисол бўла олади. Шундайки, дастлаб жуда оддий шаклларда бўлган гоҳ куй тузилмалари ўн икки мақом тизимишининг шўъбалари гуруҳидан ўрин олган бўлиб, уларни мумтоз талаблар даражасида ривож топтириш мақсадида ҳар бирига алоҳида-алоҳида мукаммал парда уюшмалари биректирилган эди.

Шунга биноан, «Дугоҳ» шўъбаси «Ҳусайнин» мақомида, «Сегоҳ» шўъбаси «Ҳижоз» мақомида, Чоргоҳ шўъбаси Зангула мақом пардаларида баён этилиб ривожлантирилган. Бунинг пиравардида эса шўъбаларнинг биректирилган мақом пардаларига табиий сингиб кетиш жараёни рўй берган. Бунга қуидаги мисолни далил келириш мумкин. Хоразм мақомларидан ўрин олган “Мақоми Сегоҳ” айтим йўлида дастлаб уч товушдан иборат бўлган «Сегоҳ» куй-оҳанг қурилмаси “ре” пардасидан бошлаб бирин-кетин еттита асосий босқичларни “забт” этади. Тўғри, куй оқими вақти-вақти билан забт этилган босқичларга тўлқинсимон ҳаракатлар ила қайтиб, уларни такрорлаб туродики, бу ҳол умуман мусиқанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади.

I                   II

Хо-лу ха-тиңг ҳа-ё - ли-дин, эй сар-ви гул

III

у - зор,

IV                   V

га - хи кў - зум - га ҳол ту - шуб - аур,

га - хи                  гу - бор.



Таянч босқичлари ўрнида ҳозир бўлган товушлар уюшмасини ўн икки мақомга қиёсий ўрганилганда у «Ҳижоз» пардаларининг профессор В.М.Беляев ўтмиш рисолалари асосида аниқлаган центлар ифодасига мувофиқ эканлиги маълум бўлди.<sup>1</sup>

Ҳижоз: 180ц. – 114 – 204 – 180 – 204 – 114 – 204



Демак, дастлаб овоз кўлами икки («Дугоҳ»), уч («Сегоҳ») ва тўрт («Чоргоҳ») товушлар доирасида бўлган сода кўринишни кўхна куй тузилмалари янги маънолар ифодаси бўлган ишқий-дардчилик нола-ю, шифобахш гирёнлар или суғорилган ҳолда муайян мақомларнинг етти асосий пардалари бўйлаб ривожлантирилган ва бунинг натижасида уларнинг янги сифат (яъни мақом) даражалари юзага келган эди, дейиш мумкин. Филдақиқат, эндиликда бу

<sup>1</sup> Хоразм «Сегоҳ» мақоми туркумида бир ўринда «Ҳижоз» (Насри Ҳижоз) атамасининг сақланиб ҳолгандиги бу холосанинг асосли эканлитига бир ишорадир. Шунингдек, «Сегоҳ» куй тузилмасининг «Ҳижоз» пардаларининг қўйи қисмидан бошлаб басен этилиши Нажмиддин Кавкабийнинг бу хусусдаги таснифига ҳам айнан мосдир. қаранг: Н.Кавкабий. Рисолаи мусиқи. Рисола дар басни Дувоздаҳмақом. Душанбе, Ирфон, 1985. 48 б; Абдурахман Джами. Трактат о музике. Т., АН УзССР, 1960. С.85.

намуналар ошиқ қалбларнинг гўзал руҳий ҳолатларини ўз нағмаларига «муҳр» этганки, шу боисдан уларни садоларда «жонлантира олиш» учун моҳияттан ишқ завқидан келиб чиқувчи «нола», «қочирим» каби ижорий усулларни самарали кўллай билиш зарур.

*Кайси қуш, булбулки минг дастони бор,  
Ҳар бир ул дастонда бир афгони бор.*

*Лек ул дастонлари гул шавқидин,  
Нола-у афгонлари гул шавқидин.*

(«Лисонут тайр» дан)

Алқисса, «Дугоҳ», «Сегоҳ», ва «Чоргоҳ» каби кўҳна мусиқа намуналари янги сифатлар кашф этгани ҳолда қейинчалик юзага келган мақом шакллари (Шашмақом, Хоразм мақомларида – «Дугоҳ» ва «Сегоҳ», Фарғона-Тошкент мақом йўлларида «Дугоҳ», «Сегоҳ» ва «Чоргоҳ» мақомлари)дан ўрин олган. Мантиқий хулоса шуки, бу жараёнда авваллари қўлланиб келинган «Сегоҳи-Ҳижоз», «Дугоҳи Ҳусайнний», «Чоргоҳи-Зангула» каби шўъба ва мақом бирикмаларини англатувчи кўш номлар аста - сеқин ўз моҳиятини йўқота бошлаган. Чунки, шўъба (куй) тузилмалари мақом пардаларида ривожланиши давомида уларга шу қадар табиий сингиб кетган эдик, натижада бу шўъбаларнинг номлари нафақат ушбу пардалар доирасидагина тафаккур этилувчи янги куйларни, балки айни пайтда, ана шу мукаммал пардаларнинг ўзичи ҳам ифода этувчи тушунчаларга айланган эди. Бинобарин, бугунги кунда «Дугоҳ», «Сегоҳ» ва «Чоргоҳ» номлари билан машҳур мақом намуналари мазмунида «Ҳусайнний», «Ҳижоз» ва «Зангула» мақомлари пардаларининг «ҳаёти» ҳам давом этаётганлигини эътироф этиш лозим.

Демак, мақомлар мусиқасида тасаввуф гояларининг ўзгача акс этиши ҳазрат Навоийнинг юқорида кўриб ўтилган байтларида мақом номлари бежиз зикр этилмаганлигини яна бир карра тасдиқлади ва, айни чоғда ғазаллар мазмунини ўқувчига янада завқди этади.

Сермазмун ва серқирра «Ҳазрат Навоий ва мақом» мавзуи мусиқашуносларимиз томонидан алоҳида-алоҳида тадқиқотлар асосида ўрганилиши керак. Шундагина биз мутафаккир шоирнинг ҳикматларга тўла назмий-илмий меросини янада теран идрок этишга ва шу асосда мақомот таълимотини ҳам муҳим илмий маълумотлар билан бойитища янги босқичга эришишимиз мумкин. Зоро, Навоий асарлари мумтоз мақомларни илмий-назарий ўрганишда бебаҳо манбадир.

## *Дилора МУРОДОВА*

### **МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛИК ИЖОДИЁТИ ТҮФРИСИДА**

Ҳозирги замон Ўзбекистон композиторлик ижодиёти кўлами кенг, серқирра ва ўта мураккаб жараён сифатида гавдаланади. Унинг ижтимоий мавқеи, халқнинг маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондириш даражаси, мусиқий услубининг янгиланиш йўллари ва бошқа бир қатор муҳим аҳамиятга молик жиҳатларини муфассал ўрганиш масаласи ўзига хос тадқиқий-танқидий ёндашувни тақозо этади. Ушбу мақоламиз доирасида диққат-эътиборни Мустақиллик даври композиторлик ижодиётига оид умумий манзаранинг фақат айрим қирраларини ёритишга, бу соҳадаги устувор йўналишларини белгилашга қаратмоқчимиз.

Эслатиш жоизки, 1990 йилларнинг бошларида Республикализдаги композиторлик ижодиёти бирмунча оғир вазиятга тушиб қолган эди. Иқтисодий қийинчиликлардан гашқари бурунги мафкура асосидаги партиявий раҳнамотикка, бунинг оқибатида эса тургунлик ва боқимандалик тирдобига учрагани сабабли Ўзбекистон Композиторлари юшмаси нафақат ташкилий, балки ижодий инқизорзга ҳам оз тутди. Кўповозги мусиқа маданиятининг аввалгидек ижтимоий хайриҳоҳликдан анчайин йироқлашгани ҳам ўқол сезила бошлади. Ҳатто ўзбекларга «опера, симфония ва бошқа кўповозлик мусиқа жанрларининг ўзи керакли?» кесимида ўткир саволлар ўртага ташланди.

Мустақил Ўзбекистон ўз танлаган йўлидан дадил қадамиар билан олға юргани сари миллий композиторлик ижодиёти ривожида муайян ижобий ўзгаришлар ҳам кўрина бошлади. Анъанавий йўналишларга нисбатан навқирон ҳисобланлиш ушбу мусиқий қатлам асосан XX асрнинг биринчи ярмига узил-кесил шаклланган бўлса-да, эндиликда жаҳон андозагаридаги композиторлик ижодиётининг бу соҳа барча жанрлари – опера ва балет, мусиқали драма ва комедия, симфония ва концерт, сюита ва поэма, чолғу пьеса ва квартет, кантата ва ҳоратория, романс ва қўшиқларнинг баркамол намуналари ҳозирги замон миллий бадиий-мусиқий қадриятларимизнинг жралмас қисмига айланиб бормоқда.

Мустақиллик йиллари кекса авлод вакиларидан Мутал Бурҳонов, Борис Гиенко (1917-2000), Икром Акбаров Собир Бобоев, Сайфи Жалил ва бошқалар ўз ижодий изланишларини давом эттириб, мусиқа иҳлосмандларига янги-янги асарларини тортиқ қила олдилар. Жумладан 1996 йилда Мутал Бурҳоновнинг табаррук 80 ёшга тўлиши муносабати билан “Туркистон” саройида бўлиб ўтган муаллифлик концертида бадиий сўз усталари, яккахон, хор ва симфоник оркестр учун “Абадий хотира” реквием-марсияси (Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, шунингдек композиторнинг акаси Мисбоҳ, амакилари Масҳаридин Муқаммил ва Муаммир Бурҳоновларнинг порлоқ хотирасига бағишлиланган) илк бор тақдим этилди.

Таниқли композиторларимиздан Мирсадиқ Тожиев (1944-1996) ва Тўлқин Қурбонов, Феликс Янов-Яновский ва Мустафо Бафоев, Мирҳалил Маҳмудов ва Нурилла Зокиров, Рустам Абдуллаев ва Ҳабибулло Раҳимов, Фарҳод Алимов ва Надим Норхўжаевларнинг ижодий ютуқлари ҳам сезиларли бўлди. Шунингдек, Анвар Эргашев ва Нуридин Фиёсов, Аваз Мансуров ва Дилором Омонуллаева, Дмитрий Янов-Яновский ва Алишер Латифзода, Алишер Икромов ва Муҳаммад Отажонов каби ўрта ёш ижодкорларнинг пешқадамлиги аён бўлди.

Энг сўнгти йилларда ўзбек композиторларининг ижодий ютуқлари нафақат республикамиз ёки Марказий Осиё минтақасида, балки жаҳон мусиқа майдонида ҳам тобора танилиб бормоқда. Бу борада ўлкамизда, шунингдек, яқин ва узоқ хорижий мамлакатларда ўтказилган нуфузли маданий-музиқий тадбирларни, кўрик-танловларни ҳамда фестивалларни эслатишимиш ўринлидир.

Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Шарқ тароналари” I,II (1997,1999) Ҳалқаро мусиқа фестивалларида турғи элат ва миллатларга мансуб шарқона муштарак анъана лар баралла тараннум этилган бўлса, 1998 ва 2000 йил лардаги Тошкент Ҳалқаро симфоник мусиқа фестивали ҳамда 1996 йилдан бери ҳар йили ўтказилаётган «Илҳом XX» замонавий мусиқа Ҳалқаро фестивалларида Шарқу Farb мамлакатлари мумтоз ижодкорлик анъаналарининг ўзаро уйғулиги ўз аксини топмоқда. Бу билан Ўзбекис

тон бутун жағонга ўзининг илфор, чинакам тараққийпарвар маданий-маърифий сиёсатини яна бир карра намойиш қилди. Чунончи, мазкур фестивалларнинг концерт дастурларида ижро этилган ўзбекона асарлар халқаро жамоатчиллик эътиборини ўзига жалб қылгани ғоят қувонарлидир.

Композиторлик ижодиёти умумий манзарасида саҳна жанрларининг мавқеи беқиёсdir. Зотан, тамошабоп ижодкорликнинг муҳсули ва унинг савия даражаси жамият ижтимоий онгининг муқим шаклланиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Ҳозирги замон мусиқий-саҳнавий йўналишини таърифлар эканмиз, авваламбор композиторлармизнинг ушбу соҳага қизиқишлири бирмунча кучайганлигини таъкидлаш керак. И.Акбаровнинг «Ибтидо ҳатоси» опера-ораторияси, Н.Зокировнинг «Мухторият» опера-фарси ва «Манкурт» балети, М.Бафоевнинг «Мозийдан нур» телебалети, Б.Лутфуллаевнинг «Самарқанд ушшоги» ва Ф.Алимовнинг «Нодирабегим» мусиқали драмалари, Ф.Янов-Яновскийнинг «Оркестр» операси, Ҳ.Раҳимовнинг «Келин ганлови» мусиқали комедияси, А.Икромовнинг «Оловуддиннинг сеҳрли шамчироги» каби мусиқали драмалари ушбу катта рўйхатнинг кўзга кўринарли мисолларидандир. Аммо янги давр мусиқавий-саҳна асарлар шунчаки сон жиҳатдан кўпайғанлиги билан эмас, балки мавзуу ва мазмун доирасининг янада бойитилганлиги билан ҳам изоҳланади.

Дарҳақиқат, агарда аввалти йилларда мусиқали драма, опера ва балет либреттолари учун давр талабларига биноан кўпроқ инқилобий ёки афсонавий-романтик воқеа ва ҳодисалар асос бўлиб хизмат қилган бўлса, эндиликда ўзгача мавзулар ҳам ўзлаштира бошланди. Ҳусусан, ўзбек композиторлари чет эл классик адабиётига (Шекспир фожиалари асосида Н.Зокировнинг “Ҳамлет” ва “Макбет” опера-дилогияси), ҳозирги замон ўткир ижтимоий муаммоларига (Н.Зокировнинг “Орол фожиаси” балети, Б.Умиджоновнинг “Оқибат” мусиқали драмаси), узоқ ўтмиш билан боғлиқ (М.Бафоевнинг “Улугбек буржи” телебалети ва “Бухорои шариф” достон-телеопераси) улкан тарикий шахслар сиймосига (М.Бафоевнинг “Аль-Фарғоний” операси, Ф.Алимовнинг “Нодирабегим”, М.Отажоновнинг “Бобур” мусиқали драмалари), шунингдек, умумбашарий фалсафий гояларни акс эттирувчи мавзуларга мурожаат ўтга бошладилар.

Адабий мазмунни талқин қилишда асосий ургу янгича нуқтаи назарга, жумладан, инсонийликка, миллий маъна-

вий қадриятларни тараннум этишга, мураккаб вазият ва психологияк ҳолатларни ифода қилишга берилади. Мусиқа ёзувига келсак, аксарият муаллифлар оркестрнинг чолғулаштириш йўлларида ҳам, вокал лавҳаларида ҳам ўзбек халқ меросига ҳамда миллий ижрочилик анъаналарига хос хусусиятлардан келиб чиқсан ҳолда замонавий ифодавий воситаларни кенг қўллаётганликлари маълум бўлади.

Мазкур ижобий тажрибалар қай даражада қизиқарли натижаларга олиб келиши мумкинлигини Икром Акбаровнинг “Ибтидо ҳатоси” операси (либретто муаллифи Э.Шукур) мисолида кўриш мумкин. Ушбу асарда<sup>1</sup> инсониятни ҳамиша ҳаяжонга солиб келган мавзу – одамзотнинг яратилиши, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва разолат ўртасидаги азалий курашнинг фалсафий моҳияти ва уларнинг замонавий шарқона эстетик дунёкараш кесимида ечимга келиши ўз ифодасини топади. Опера партитурасида ўрин олган турли хил шакллар мазмунида эса ўзбекона куйлар янграйди. Улар ўзининг жозибали ва ранг-баранг оҳантлари ҳамда қизгин драматик ҳаракатлари билан тингловчидаги чуқур таассурот қолдиради. Мазкур асарнинг яна бир моҳияти — унда композитор опера жанри қонун-қоидалари билан бир қаторда ораторияга хос хусусиятлардан ўринли фойдаланганлигиdir. Чунончи, И.Акбаровнинг ижодий изланишлари ҳозирги замон жаҳон кўповозли мусиқа ижодиёти тараққиёти томойилларига хос жанрлараро бирикмани ҳам вужудга келтиради.

Шунга ўхшаш ҳол М.Бафоевнинг “Улугбек буржи” балетида ҳам кузатилади. Ойнаи жаҳон кўрсатувига мўлжалланган бу спектакл туфайли Ўзбекистонда телебалет жанри юзага келди.

Агарда опера ва балет жанрларида Шарқу-Фарб анъаналари ўзаро уйғунликни ташкил этса, ўзбек мусиқали драма ва комедияларида айни миллийлик сари ҳаракатларнинг жадаллашганини кузатиш мумкин. Маълумки, мусиқали драма жанрининг ривожида 1930-йиллардан – 70-йилларга қадар асосан оврўпоча шакллар қўлланилиб, кўпроқ операбоп вокал услуби ҳукмронлик қиласи эди. Бу вазият сўнгти йилларда халқчиллик, миллий услуб томонга ўзгарди. Яъни, янги-янги ўзбек мусиқали

<sup>1</sup>Опера тақдимоти ҳақида ҳаранг: О.Абдуллаева. Мусиқа ва ҳаёт фалсафаси. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1998 й. 1 май, 1 б.

драма ва комедияларида халқ қўшиқ ва ашулачилигига хос оҳанглар, миллий ижрочилик йўсинидаги услублар, рақсбоп жўшқин суръатлар ва хилма-хил усувлар ифода воситалар сифатида кенг ишлатилмоқда. Табиийки, худди шу сифатларга эга бўлган Б.Лутфуллаевнинг “Ёр истаб” ва “Самарқанд ушшоги”, С.Ҳайитбоевнинг “Ҳар кимки вафо қилса”, Ф.Алимовнинг “Фотима ва Зуҳра”, “Суперқайнона”, “Девона” мусиқали драма ва комедиялари томошибинлар томонидан самимий қабул қилиниб, республикамиз театрлари репертуаридан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Мусиқали театр ижодиётининг бошқа эътиборли ютуқларидан бири – болалар учун бағишлиб яратилган асарларда кузатилади. Ушбу йўналишда айниқса Надим Норхўжаев, Анвар Эргашев, Аваз Мансуров ва Алишер Икромовлар баракали ижод қилмоқдалар. Бу борада болалар дунёси қанчалик мусаффо ва беғубор, уларнинг кўнгли нақадар очиқ ўзлари берилувчан ва қизиқувчанигини тасаввур қилмай иложи йўқ. Аммо замон ёштаримизнинг соатлаб телевизорга термулиб қолишлари ташвишланарлидир. Айни пайтда уларда нафосат оламига, мусиқали театрга ва, умуман, жиддий санъат асарларига меҳр туйгуларини уйғотиш масаласи анчагина жиддий тус олмоқда.

Бир гуруҳ ташаббускор ижодкорлар ёш авлод вакилларининг диққат-эътиборини саҳна нафосатига жалб қилишга астойдил киришганликларини мамнуният билан эътироф этиш мумкин. Ҳусусан, Надим Норхўжаевнинг “Бургутча ва тойчоқ”, “Она болам дейди, бола онам дейди” мусиқали спектакллари, Алишер Икромовнинг “Ҳасан – баҳт изловчи”, “Оловиддиннинг сеҳрли шамчироги” опералари, Анвар Эргашевнинг “Ўн икки ой”, “Тегирмон тепасидаги офтоб” мусиқали эртаклари, Аваз Мансуровнинг қўғирчоқ театр учун қатор асарлари ва “Ҳайвонлар сultonи” операси болалар ва ўспиринларнинг истак-эҳтиёжларига мос тушган десак муболага бўлмайди. Дарҳақиқат, ёшларбоп қизиқарли мавзулар танлаб олинаётганлиги, жозибадор ва ўзлаштиришга осон бўлган куй-қўшиқларнинг янграши, замонавий эстрада услубига хос ритм-усулларнинг ишлатилиши хушчакчақ кайфиятни ҳосил қилса, саҳна ҳаракатларининг табиийлиги билан томоша-

бинни ишонтира олганлиги мазкур асарларга катта муваффақият бахшида этади. Балки шунинг учундир, юқорида зикр этилган муаллифларнинг ёшларга бағишилаб ижод этган ҳар бир янги асари тингловчиларимизга манзур бўлиб, қизгин қаршилаб олинмоқда. Ҳукуматимиз томонидан ёш авлоднинг маънавий камолотига катта эътибор берилаётган бир пайтда, болалар мусиқали театрни муҳим аҳлоқийтарбиявий масканга айланайтганлиги қувонарлиди.

Ўзбек мусиқали саҳна жанрларининг амалда ривож топиши маълум даражада театрларнинг фаолиятига ҳам боғлиқ. Республикаизда театр санъати соҳасини ислоҳ этишга қаратилган Ҳукумат қарори (1998 й.) туфайли энг сўнгти пайтларда шу соҳадаги шарт-шароитлар яхшиланмоқда. Бу борада репертуарни мунтазам янгилаб туриш ва, айниқса, маҳаллий ижодкорларнинг бадиий баркамол асарлари билан бойитиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Ўз-ўзидан маълумки, асарнинг саҳналаштирилиши ва умумижро савияси ошган сари томошабинларнинг эътибори ҳам тобора кучайиб боради.

Ўтган давр ичида, маълум қийинчиликларга қарамай, театрларимиз фаолиятида айрим ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда. Ҳусусан, нуфузли даргоҳлардан бири – Алишер Навоий номидаги Давлат Академик театри жамоаси ўз бағрига бир гуруҳ истеъоддли хонанда, созанда ва рақс ижрочиларини олиб, касбий салоҳиятини бирмунча мустаҳкамлашга эришди. Бунга, жумладан, 1998 йил мавсумидаёқ янги асар ўзининг “саҳна ҳаёти”ни бошлагани ёрқин далилидир. Мазкур тақдимотлар қаторида Мустафо Бафоевнинг “Аҳмад ал-Фарғоний” номли янги операси (либретто муаллифи Жуманиёз Жабборов) саҳналаштирилди. Асарда бундан 1200 йил мукаддам туғилган буюк бобокалонимиз, мутафаккир ва аллома сиймоси юқори бадиий йўсинда анъанавий куй-оҳанглари ила замонавий опера тилида илк бор тараннум этилди. Юбилей кунлари намойиш этилган бу спектакл томошабинларда илиқ таассурот қолдирди.

Ўзбекистон композиторларининг янги мусиқавий-саҳна асарларини тарғиб этишда М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси қошидаги Мусиқали театр-студиясининг улуши ҳам салмоқлидир (ижодий раҳбар —

Фани Тұлғанов). Икрем Икбаровнинг “Ибтидо хатоси”, Аваз Мансуровнинг “Хайвонлар султони”, Феликс Янов-Яновскийнинг “Оркестр” ва “Аккомпаниатор” операларнинг премьералари айнан шу театр-студия жамоаси ташаббуси билан ўтказилди. Бу борада Муқимий номидаги Ўзбек мусиқали драма театри жамоасининг қўшаётган ҳассасини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Сўнгти уч-тўрт йил ичida театрнинг репертуарига 25 дан зиёд янги мусиқали драма ва комедияларнинг киритилиши ҳамда уларни юқори бадиий савияда саҳналаштирилиши ушбу театрга миллый томошибинларнинг диққат-эътиборини бағоят ошириди. Жумладан, Фарҳод Алимовнинг “Суперқайнона”, “Сойибхўжа операцияси”, “Чечә” каби мусиқали комедияларнинг тақдимоти Республика мусиқа маданияти ҳаётида катта воқеага айланганлиги, қолаверса, бу спектакллар ҳанузгача театр репертуарида сақланиб, доимо томошибинлар томонидан қизғин олқишилар билан қаршилаб олинаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўзбек композиторлик ижодиётининг салмоқли ютуқлари симфоник мусиқа жанрларида ҳам яққол намоён бўлади. Ушбу соҳа симфоник оркестр имкониятларидан ҳамда ўзига хос ривож тамойилларидан эркин ва асосли фойдаланишни тақозо этади. Шу боис бўлса керак, Ўзбекистонда симфоник мусиқа шакллари бир неча ўсиб-улғайиш босқичларидан муваффақиятли ўтиб, муайян тажрибалар орқали такомиллашди, жаҳон андозалари ни татбиқ этган ҳолда миллый қиёфага ҳам эга бўлди.

Ҳозирги замон ўзбек симфоник маданияти қатлами ижодий ютуқларга бой, шаклан ва услубан ранго-ранг, кўлами ниҳоятда кенг ва катта жараён сифатида гавдаланди. Балки шунинг учундир, мазкур соҳага аввало куч-қобилиятини синаган, ижодкорлик тажрибасига эга бўлган муаллифлар кўпроқ мурожаат қўлмоқдалар.

Одатда симфония – умумсимфоник жабҳанинг энг баланд чўққисига қиёсланади. Чин маънода симфония соғчолгу йўлидаги баён ва ривожланиш жараёнларини тўла аск эттира олган, ўзида мантиқий мукаммалликни жо этувчи асар бўлмоғи лозим. Бундай олий мезонлар қаторига энг муҳимлардан – миллый ўзига хослик эҳтиёжини қўшадиган бўлсак, ижодкор олдида турган вазифаларнинг нақадар мушкул ва мураккаблигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Симфония жанри ривожланишининг умумбашарий тарихидан шу нарса маълумки, муйаян миллий шароитда шаклланган услубий йўлни бошқа миллий шарт-шароитга тўғридан-тўғри кўчиришга уринишлар орқали ижобий натижага эришиб бўлмайди. Яъни мусиқий-симфоник тафаккур айнан шу миллий мусиқа тараққиёти орқали вужудга келиши, таъбир жоиз бўлса, етилиши шарт.

Ўзбек миллий симфоник мусиқасининг юксалиши ҳақида фикр юритар эканмиз, ушбу соҳага мазмундор изланишлари билан самарали улуш қўшган муаллифлардан Икром Акбаров, Борис Гиенко, Мирсадиқ Тожиев, Тўлқин Қурбонов, Мирҳалил Маҳмудов, Феликс Янов-Яновский, Нуриддин Ғиёсов номларини алоҳида қайд қилиш мумкин.

Бу айниқса М.Тожиев ижодида ўзбек миллий симфонијаси ҳозирга қадар ўзининг энг юқори касбий-бадиий пофонасига кўтарила олди. Композитор қарийб 30 йиллик ижодий фаолияти давомида энг кўп ва ҳўб 20 та симфония яратиб (20-симфония тугалланмай қолган), умрининг охиригача бу ишда пешқадамликни қўлдан бой бермади. Булардан иккитасининг яратилиши Мустақиллик даврига тўғри келса-да, у ўзбек мусиқаси негизида барпо этилган барча симфоник асарлари билан ана шу жўшқин жараённи йўналтирилган, баркамолликка олиб чиққан ижодкор сифатида тан олинди. Санъаткор ўзбек миллий симфонијасига нафақат илк бор чинакам баркамоллик бағишилай олди, балки замонавий симфоник тафаккур йўналишининг муҳташам мажмуасини вужудга келтиришга муваффақ бўлди.

Табиийки, Мустақиллик йиллари давомида бошқа жанрлар қаторида симфония ҳам мазмунан янгилана борди. Ҳусусан, М.Тожиев басталаган симфоник асарларда XX асрда содир бўлган йирик ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳодисалар, шиддатли жараёнлар ва тарихшумул воқеалар бадиий ифодасини топди. Уларда Она-Замин, Инсон, Адолат, Ҳақиқат каби азалий ва абадий қадрияtlар тараннум этилди, ватанпарварлик, инсонпарварлик, боқий ва фоний дунёлар ҳақида теран фалсафий-мусиқий мушоҳадалар юритилди.

Забардаст санъаткор сифатида эътироф этилган Мирсадиқ Тожиевнинг симфониялари Ватанимиз ҳаётининг

кўркам мусиқий солномаси деб таърифланиши бежиз эмас. Зеро, ўзбек ижодкори ўз миллий мусиқий анъана-лари заминида энг юқори жаҳон андозаларига мос ке-левчи, бадиий баркамол, ноёб ва нодир замонавий асар-ларни кашф эта олди. Жумладан, 1990-йилларнинг бош-ларида атоқли композитор “Сомон йўли” деб ном олган симфониялар учлиги(трилогияси)ни – 15,16,17 – тинглов-чилар ҳукмига ҳавола этди. Унинг 19-“қаҳрамонлик” симфонияси эса Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон-да амалга оширилаётган улкан ишларни тараннум эта-диган симфоник асарлари сирасидан алоҳида ўрин ту-тади. Дарқақиқат, М.Тожиев ўзбек симфониясининг асосчиларидан бири сифатида бу борада ўзига хос мил-лий-ижодий мактаб яратишга<sup>1</sup> муваффақ бўлди.

Ўзбек симфониянивислик мактабида ижодий жиҳат-дан етук авлоднинг иқтидорли вакилларидан бўлмиш Нуриддин Гиёсовнинг ҳам ўз ўрни бор. Ҳозирда у ўн икки симфониянинг муаллифи бўлиб, бу йўналишдаги ижод-корона изланишларнинг муносиб давомчиси сифатида танилди. Н.Гиёсов ўз симфоник асарларида устозлари-дан бири М.Тожиев каби йирик фалсафий-ҳаётий гоя-ларни ифода этади. Композитор танлаган айрим мавзу-лар орасида башарият кечирган ижтимоий ва тарихий ҳодисалардан ташқари космик муаммолар ҳам салмоқ-ли ўрин тутади. Унинг саккизинчи симфониясида, маса-лан, Абадият, Коинот, Тақдир ва ушбу тушунчалар до-ирасида Одамзоднинг улуғворлиги ҳақида теран мушо-ҳадалар юритилади.

Ижодкорнинг мусиқасига айни замон руҳи чуқур син-гиб кетган. Шу билан бирга аёнки, асарда ўзбек чолғу санъатида юзага келган анъаналар ўзига хос ва янги услугуб асосида давом эттирилади. Мазкур услубнинг заминида эса табиий ҳолда уйғунлашган барқарор мақом тамойиллари ётади. Н.Гиёсов ўзбек симфоник жанрига тааллуқли энг мураккаб масалани ечишга интилар экан, ёзган асарларида миллий мусиқа тафаккурини ва ўзга-

<sup>1</sup> Бу фоя мусиқашунос Р.Юнусовнинг «Мирсадиқ Тожисв ва ўзбек симфонияси» мақоласида батафсил асосланган. Қаранг: «Мусиқа ижодиёти масалалари» мақолалар тўплами. Т.1997, 66. 86-92

ча талқин қилған оврӯпоча шаклини бир-бирига сингдиришгә ҳаракат қиласы.

Ўзбекистон композиторлари томонидан концерт жанрига алоҳида эътибор қаратилғанлыги бежиз эмас. Унга хос мусобақавийлик, чолгулар ўртасидаги доимий мулоқот, ижро маҳоратини намойиш қилиш имконлари соңданда ва тингловчиларни ўзига жалб қиласы. Бу қаторда Икрам Акбаровнинг скрипка ва оркестр ҳамда виолончель ва оркестр учун концертлари, Рустам Абдуллаевнинг фортепиано ва оркестр учун 3,4,5- концертлари, Ҳабибулло Раҳимовнинг торли чолгулар учун концерт-поэмалари ҳамда фортепиано ва оркестр учун “Концертин”си, Нуриддин Ғиёсовнинг фортепиано ва оркестр учун “Мақом-концертлари”, Собир Карим-Хожининг най ва оркестр учун “Концерт-фантазия”си, Мирҳалил Маҳмудовнинг скрипка ва оркестр учун концертини қайд қилиш лозим.

Одатда концерт асари учун мос келадиган ёрқин лирик ёки ҳаракатчан қуй мавзуси яратилади. Унинг ривожи эса якканавоз ҳамда оркестр чолгулари мутаносиблиги остида ўтади. Натижада асосий мавзу тобора ўзгара бориб, ранг-барамг кўринишларда талқин қилинади. Ўзбекистонда яратилған янги-янги концерт намуналарининг фарқли хусусиятлардан бири шундаки, улар турли услубий оқимларга мансуб бўлган ҳолда ўзида миллий анъаналарни ҳам мужассам этади. Улар нафақат ёрқин, кўтаринки кайфиятли, балки Шарқ тафаккурига хос фалсафий, эпик-хаёлчан, ҳаяжонли драматик мазмун билан бойитилмоқда. Ушбу янги интилишлар, ижодий топилмалар айниқса Рустам Абдуллаев ва Нуриддин Ғиёсовларнинг концертларида яққол сезилади.

Масалан, Р.Абдуллаевнинг “Тўй оҳанглари” деб номланган учинчи фортепиано концерти, Таиланд халқ куйларига асосланган бўлиб, импрессионизм оқимига оид бой тасвирий хусусиятларни намоён этади. Нуриддин Ғиёсовнинг 4-“Мақом-концерт”ида эса ўзбек мумтоз жанри концерт қонун-қоидалари билан боғланади. Шу билан бир қаторда асарнинг драматургияси жўшқин мусобақали ва мураккаб симфоник тамойиллар орқали бойитилади. Иккала концертларнинг мусиқий мавзулари бир-бирига ҳеч

ўхшамаса-да, фортепиано чолғуси техник ва тембр им-кониятларини кенгайтириш йўлида янги-янги ижровий та-лқинларни очиб бериши хусусиятлари билан ўзаро яқин туради.

Кўповоизли чолғу мусиқаси шакллари орасида симфоник поэма ҳам муҳим ўрин тутади. Мазкур жанрдаги сўнгги эътиборга молик тажрибалардан бири – янгича миллий кўринишларни вужудга келтиришга қаратилган. Масалан, Анвар Эргашевнинг “Достон-мьюсик” асари бунинг ёрқин мисолидир. Асарнинг эътиборли томони шундаки, унда ўзбек достонларининг ўзига хос ҳикоя-вийлик хусусиятлари энг замонавий ифода воситалари билан ҳамоҳанг этилган.

Ўзбекистон композиторлик ижодиётига оид соф чолғу мусиқасининг камер йўналишида ҳам муайян ютуқлар намоён бўлади. Торли, дамли ва аралаш таркибли чолғу учун яратилан қатор-қатор пьесалар ва туркумли асарлар шундан далолат берадики, ушбу соҳада изланишлар анча фаол олиб борилмоқда. Нурилла Зокиров ва Собир Карим-Хожи, Дилором Сайдаминова ва Ҳабибулло Раҳимов, Валерий Сапаров ва Алишер Икромов, Феликс ва Дмитрий Янов-Яновскийлар каби композиторларининг қаламига мансуб соната ва квартет, полифоник туркум ва дастурли пьесалар созандаларга манзур бўлиб, ижро-чи жамоаларнинг янги концерт дастурларидан жой олди. Янгиланиш хусусиятларига келсак, у энг аввало чолғупар таркибининг сараланишида ва гайриоддийлигига, эркинлик, бадиҳагўйлик мавжудлигига, мусиқий садоларга ўзига хос миллий воситалар илиа ранго-ранг тароват берилганлигига сезилиб турмоқда.

Маълумки, замонавий камер чолғу асарларни ижро этиш учун юқори малакали касбий тайёргарлик ва артистик маҳорат талаб қилинади. Шунинг учун улар асосан малакали усталарнинг концерт репертуарига киритилаётгир. Ушбулар сафида моҳир пианиночилар – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Офелия Юсупова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Адиба Шарипова, Халқаро танлов совриндорлари Ирина ва Максим Железновлар, Элмира Мирқосимова, Барно Ҳақназарова, Наргиз Пўлатхонова, Сайёра Фофурова, торли ва дам-

ли чолғу созандалари – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Аминбой Сапаев, Радик Сафаров, Баҳодир Солиқов, шунингдек, Анвар Раимжонов ва Улугбек Имомовларнинг номларини тилга олиш жоиз.

Республикамизнинг камер чолғу ва симфоник ижодиёти соҳаси сермаҳсул ҳамда янгиликка бой. Зеро, ижрочилик имкониятларимиз ҳам салоҳиятлидир. Бу борада етакчи ўринларда Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри, Республика телерадиокампаниясининг Камер оркестри, Тошкент Давлат консерваториясининг Мусиқали театр-студијаси оркестри, “Туркистон”, “Ёш истеъоддлар” камер оркестрлари, “Сўғдиёна” ҳалқ чолғулари камер оркестри каби машҳур ижро жамоалари муносиб хизмат қилмоқдалар. Уларнинг юқори касбий савияси нафақат ўлкамизда, МДҲ концерт саҳналарида, балки турли хорижий мамлакатларда ҳам қайта-қайта тан олинди.

Ўзбекистон тараққий этган дунё мамлакатлари сафига юксак маданиятли ёш мустақил давлат сифатида қўшилишга дадил қадамлар ташлаб борар экан, аввало ўз миллий-тарихий маънавий бойликларини, шу жумладан мусиқий анъаналарини асрраб-авайлаб қадрлаш мақсадида бирдан-бир тўғри йўлини танлади. Шу билан бир қаторда асрлар оша бизгача етиб келган навобахш ўзбек мусиқа мероси или миллий композиторлик ижодиёти ҳам ардоқлашга арзигулик маданий мулкимизга айланис бормоқда.

Юқорида зикр этилган композиторлик маҳсули бўлмиш “жиддий” мусиқага нисбатан тингловчи-омманинг талағ ва эҳтиёжлари жуда баланд. Ҳалқаро симфоник ва камер мусиқа фестивал кунлари мухлисларга лиммо-лим тўлиб кетган концерт залларимиз, оммавий ахборот воситалари ёрдамида жалб этилган кенг жамоатчилик эътибори ҳаттс узоқ-яқин хориждан келган меҳмонларимизни ҳайратда қолдирди. Шу боис қатъий ишонч ҳосил қилиш мумкинки мусиқа санъатининг ҳақиқий ихлосмандлари, мақомлағ сингари мумтоз асарлардан баҳраманд бўлиб келган тафаккури кенг, дунёқараши замонавий ўзбек тингловчиси симфоник жанрларни ҳамда камер чолғу мусиқаси шакларини тушунишга, бу асарларни идрок этишга, мағзини чақишга ҳам қодир. Ушбу мақсадларга эндиликда бата-

мом эришиш каби эзгу ниятида эса тарғибот ва маънавий-маърифий ишларни мунтазам йўлга қўйиш учун барча мутасаддиларнинг яқин ҳамкорлиги зарурдир.

Композиторлик ижодиётининг яна битта серкўлам йўналиши вокал-симфоник ва камер-вокал қатламларидан ташкил топади. Маълумки, вокал-симфоник (яъни хор ва симфоник оркестри учун мўлжалланган) мусиқанинг шаклланиши Мутаваккил Бурҳонов, Сулаймон Юдаков, Манас Левиев, Мухтор Ашрафий, Икром Акбаров каби атоқли композиторларнинг ижодий фаолияти билан боғлиқдир. Уларнинг кўп йилилк тажрибалари натижасида кўповозли хор маданияти тез вақт мобайнида илдиз отди, ижодий камол топди ва ижрочилик амалиётида қўлланила бошлади.

Ҳозирги замонда ушбу йўналиш турли хил жанрларни ўз ичига қамраб олади. Халқ куйларини қайта ишлаш, кантата, оратория, хор концерти, поэма, ода, вокал симфония ва реквием шулар жумласидан. Яратилган асарлар мавзу доираси жиҳатидан ҳам ниҳоятда кент: Уларда қадимги тарихий воқеалар ва замонавий ҳодисалар, фалсафий гоялар ва боқий қадриятлар, улуғвор сиймолар ва гўзал табиат манзаралари ўз ифодасини топади. Мусиқани талқин қилиш борасида эса иккита йўналиш белгиланганлигини кузатишимиш мумкин. Биринчиси жозибали лирик куй-оҳанглари билан ўзбек халқ қўшиқчилити анъаналаридан келиб чиқади. Унинг бадиий юксак намуналарини М.Бурҳоновнинг “Абадий хотира” реквиемда, Т.Қурбоновнинг “Ушшоқ”(А.Навоий ғазалига) асарида ва хор ҳамда симфоник оркестр учун “Прелюдия ва фуга”сида (А.Яссавий шеърига), Б.Лутфуллаевнинг “Дугоҳ” (А.Навоий, А.Бобур, халқ шеърияти) номли 9 қисмли хор туркумида яққол кўзга қўринади. Бу асарлар ўзининг ўзбекона негизига таянганлиги ва хор ёзувида тинниçлик, нафис ва ҳаяжонли ҳиссий кечинмалар устун келганлиги билан тингловчиларда чуқур эстетик таассурот қолдирмоқда. Иккинчи йўналиш анча мураккаб қўринишга эга бўлиб, энг замонавий ифода воситаларидан, яъни хор ёзуви тузилмаларида овоз йўлларининг устма-уст жойланиши, беқарор баён этилиши каби омиллар билан изоҳланади. Натижада мусиқада кескин, кучли, шиддатли жараёнлар, ёки оғир, фалсафий, бальзан чуқур қайғуга “чўмған” қиёфалар ифодаланади. Т.Қурбоновнинг қаламига мансуб Алишер Навоий ва Умар Хай-

ём сўзларига “Рубоий”ларида, Н.Фиёсовнинг “Сабот” оратория-дилогияси ҳамда Ф.Янов-Яновскийнинг “Рубайят” баритон ва оркестр учун туркумларида айни ушбу хусусиятлар мавжуд. Эътиборга лойиқ томони шундаки, ҳозирги композиторлик амалиётида ҳар иккала услубий йўналишида янги-янги асарлар яратилмоқда.

Инсоннинг энг нафис ҳиссий дунёси камер-вокал (хонанда ва чолғу жўрлиги учун мўлжалланган) жанрларида ўз ифодасини топади. Узбекистон композиторларининг аксарияти ушбу йўналишга ўз муносаб улушкини қўшмоқдалар. Қўшиқ ва ашула, романс ва монолог, элегия ва баллада жанрларларидаги асарлар чексиз руҳий-ҳиссий бутун бир оламни тасвирлайди. Сўз матнларини саралашда ҳам эркинлик сезилса-да, сўнгти йилларда адабий мавзуларни танлашда талабчанлик кучаймоқда. Хусусан, мумтоз шеъриятнинг дурдана намуналари (Умар Хайём, Бобур, Навоий, Яссавий, Румий, Ибн Сино, Увайсий, Машраб, Нодира, Ҳофиз) билан бир қаторда чуқур маънавий-эстетик, фалсафий ва ватанпарварлик руҳи ила суғорилган XX аср атоқли шоирларининг (Ҳамид Олимжон, Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Пўлат Мўмин, Нормурод Нарзуллаев ва б.) ижодиётига ҳам мурожаат қилинмоқда. Турли авлодларга мансуб композиторлар овознинг техник ва бадиий имкониятларидан катта маҳорат билан фойдаланиб ҳамда ҳар хил услубий оқимларга таянган ҳолда тингловчиларни баҳраманд қўлтувчи асарларни басталашга интилмоқдалар. Буларнинг энг саралари мусиқа санъатимизнинг “олтин хазина”сидан ўрин олган.

Ўзбекистонда композиторлик йўналиши миллий санъатимизнинг катта қатламларидан биридир. У шаклланиш паллаларидан мардонавор ўтиб, айни пайтда ўз етуклигига янги босқичга кўтарилимоқда. Унинг ютуқлари қатор-қатор бадиий баркамол асарларда намоён бўлиб, ҳалқимизнинг маънавий мулкига айланиб бормоқда.

## *Рустамбек АБДУЛЛАЕВ*

### **МУТАЛ БУРҲОНОВ ИЖОДИДА АЛИШЕР НАВОЙЙ СИЙМОСИ**

Ўзбекистон Республикаси ҳалқ артисти Мутал Бурҳонов ижоди ўзбек мусиқасининг энг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади. Унинг навоийномамиздан аллақачон мустаҳкам ўрин олган «Алишер Навоийга қасида», «Алишер Навоий» операси, Тошкентдаги Но маълум солдат қабрига «Марсия», «Абадий хотира» реквием асарлари, шунингдек, «Бой ила хизматчи», «Ибн Сино», «Мафтунингман» фильмларига яратган куй ва қўшиқлари тингловчиларга кўп йиллардан манзур. М.Бурҳоновнинг «Намедонам чи ном дорад», «Ишқида», «Келса ногоҳ», «Боғим», «Нега тарқ этдинг мени!», «Табассум қўлмадинг» романлари, «Шоир орзуси» балладаси мусиқамизнинг олтин фондидан ўрин олган. Композитор хор учун мослаган ўзбек, тоҷик, қорақалпоқ, уйғур, афғон, эрон ҳалқ қўшиқлари жаҳоншумул аҳамиятга эга бадиий асарлар бўлиб, улар ҳамдўстлик ва хорижий мамлакатларнинг атоқли санъаткорлари томонидан ижобий баҳоланган. Шарқ композиторлик мактаби, жумладан, ўзбек композиторлари олдида турган энг олий мақсад – Шарқ ва Farb мусиқа анъаналарини ижодий уйғунлаштиришни М.Бурҳоновнинг юқорида қайд этилган асарларида кўришимиз мумкин.

Анъана – мусиқа санъатининг ҳаётбахш илдизларидан бири. Куй, қўшиқ, ашула, мақом ижтимоий эҳтиёжга айланмоғи учун, унинг бадиий асосида тингловчига таъсир этиб, фикрни жалб қила оладиган жозиба кучи бўлмоғи керак. Анъана фақат ўтмишнинг якуни эмас, балки кела-жакка илҳомлантирувчи куч ҳам. Зоро, санъатнинг яаш қонуни анъана ва янгиланиш, анъана ва замонавийлик диалектикасига асосланган. Агар М.Бурҳоновнинг бугунгача яратган мусиқа асарларига назар ташласак, уларда миллийтлик ва анъанавийлик устуворлик қиласади. Ахир жуда катта бадиий тажрибага эга бўлган, ўзбек мусиқасининг ҳозирги тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келаётган, асарлари «қўлма-қўл» бўлиб турли мусиқий жамоа-

лар ва ижрочилар репертуарларидан ўрин олган севимли композиторларимиздан бирининг ҳар жиҳатдан эътиборга сазовор бўлган ижоди бунга жуда катта имкониятлар беради. М.Бурҳонов ҳамма асарларида ҳам инсон ҳаётининг жуда катта маънавий-ахлоқий масалаларини кўтариб чиқади. Лекин бу масалаларни кескин бир тарзда эмас, балки осойишта, вазмин, алақандай ўзига хос юмшоқлик, куйчан, майнинг ва нозик бир олижаноблик билан ифода этишга интилади, унинг асарларида ҳатто жиддий, бадиий образлар учун ҳаёт-мамот масаласи бўлган тўқнашувлар ҳам жуда ўйчан ва босиқлик билан, раҳмдилик билан ҳал қилингандигини кўриш мумкин.

М.Бурҳонов ўз асарларида маънавий, маданий, тарихий, ахлоқий масалаларни кўтариб чиқаркан, буларни даврдан, замондан, муайян ҳаётий шароитдан ажратиб қарамайди. Балки чамбарчас боғлиқликда тасвирлайди. Унинг асарларини ўзар яратган даврдан ажратиб бўлмаганидек, асарларида ифода қилинган образларни ҳаётий, тарихий, ижтимоий шароитдан, замондан мутлақо ажратиб бўлмайди. Мутал Бурҳонов даврининг белгиларини, руҳини, ўзига хос томонларини ўз асарларида жуда қувватли ва кучли қилиб кўрсатади. Воқеликни, турли ҳодисаларни, ўргадаги узвий боғланишларни жуда нозик таҳлил ва тадқиқ қиласди. «Наво», «Баёт», «Чоргоҳ», «Ироқ» каби мақом куйларимиз ҳам бирон воқеага боғлиқ бўлмасдан, инсон руҳининг турли ҳолатлари, унинг ички дунёси, ҳаёт, муҳаббат, ҳижрон, гўзаллик каби умрбоқий мавзуларни ифодалашга қаратилган. М.Бурҳонов асарларида ҳам ушбу фазилатлар мусиқий воситалар орқали ўз ифодасини топган. Мустақиллик даврида бутун мамлакатимиз миқёсида ҳар жиҳатдан жуда зўр ўзгаришлар рўй беришини М.Бурҳонов ижодкор сифатида сезигрлик билан илғаб олди, унинг туб моҳият ва сабабларини чуқур кўради, теран мушоҳада қиласди. Композиторнинг шу даврда яратилган асарларида республиканизмнинг сиёсий-маданий, маънавий ҳаётида об-ҳаволар янгиланишини, бутун мамлакат миқёсида бораётган зўр тарихий жараёнларни очиб беришга муваффақ бўлди.

Мутал Бурҳоновнинг ижодида Алишер Навоий образи алоҳида ўрин тутади. Буюк шоир сиймоси композиторнинг деярли бутун ижодий фаолияти мобайнида

қизиқтирган ва турли хил жанрдаги асарларни яратишга ундаған.

Алишер Навоий образи XX аср Ўзбекистон мусиқаси санъатида етакчи ўринни эгаллады. Ҳусусан, мусиқамизда, бир томондан, Алишер Навоий образи изчил талқин этилаётган бўлса, иккинчи томондан – унинг бой бадиий мероси асосида турли жанрларда асарлар яратилиб, булар сирасига ўнлаб романслар, бир қанча опера ва балетлар, мусиқали драмалар, қатор симфония ҳамда бошқа симфоник, вокал-симфоник партитуралар ва хор асарлари киради. Булардан, бадиий етук асарлар сифатида Г.Мушеллининг Иккинчи симфонияси (1941), В.Успенскийнинг «Алишер Навоий хотирасига» лирик поэмаси (1947), М.Ашрафийнинг «Дилором» операси (1958), Ю.Ражабий ва С.Жалилларнинг «Навоий Астрободда» мусиқали драмаси (1968), М.Тожиевнинг «Шоир муҳаббати» симфоник поэмаси (1968), И.Акбаровнинг «Лайли ва Мажнун» балети ва «Хамса саҳифаларида» вокал-симфоник поэмаси (1972), У.Мусаевнинг «Хамса» асосида «Поэтик миниатюраси» (1991) каби асарларни эслатиб ўтиш ўринидир.

Асрлар ўтаверади, ҳалқ тарихан ривожланаверади, турли даврларда ўз орасидан закий намояндаларни етишитириб чиқаради ва улар ўз шахсияти, моҳияти, ижоди билан ҳалқ кўксини шу қадар балаҷд кўтарадиларки, уларни қисматининг ўзи ёнма-ён қўйиб таърифлашга даъват этади.

Алишер Навоий ва Мутал Бурҳонов – турли асрларда, айрича тарихий-ижтимоий ва маънавий шароитларда яшаган ва яшамоқда. Аммо улар истеъдод соҳиби, иирик ижодий намояндалардир. Уларнинг буюклиги шундаки, кўзга энг аввало барча улуғ зотларга хос юксак маъноли умумийлик, монандолик, муштараклик кўзга ташланади. Бу икки буюк ижодкорнинг мунаvvар шахсияти, ижоди, бемисл меҳнатларининг моҳиятидан туғиладиган бош хулоса шуки, улар дунёга келиб, қалам ва соз ушлаб, «халқ ғамидин» ўзга ғамни билмай яшаб, шу бурчга амал қилиб, ўзларини фидо айлаб, ҳалқни ўйлаб, унинг руҳий-маънавий камолотини ривожлантиришга имкон қадар ҳисса қўшишни энг улуғ одамийлик деб билдилар.

Ҳалқ ўз тарихида bemisл ёдгорликлар яратиб, көлгузи авлодларга ўзи ҳақида нишона қолдиради. Алишер

Навоийнинг «Ҳазойинул-маоний»си, «Ҳамса»си, «Мажолисун-нафоис»и», «Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад»и бизнинг ёзма обидаларимиздир.

Мутал Бурҳонов – композитор, ўзбек мусиқасининг ёрқин намояндаси, Ўзбекистонда хор, вокал ва вокал-симфоник мусиқасининг асосчиларидан бири.

Навоий ва Бурҳоновнинг бир муштараклиги шундаки, буюк мутафаккир Алишер Навоий ўзбек тилининг теран имкониятларини намоён этди. Мутал Бурҳонов ҳалқимиз қадимдан маданиятли ҳалқ эканлиги, унинг мусиқа санъати тарихи ғоят олис асрлардан бошланишини, у ўзига хос ва сержозиба мусиқа мулкига эга эканligини, уни асрлаб авайлаб ривожлантириш лозимлигини меҳнат ила ўз ижоди билан, ранг-баранг жанрдаги асарлари билан исботлади. Асрлар ўтиб, Мутал Бурҳонов улуғ Навоий даҳосига юзма-юз бўлди, унга «устоз» деб қўл узатди, ижодий хазинаси ва ўйтларига мурожаат қилиди, унинг газаллари асосида романслар яратди. А.Навоий сиймоси йирик асарлар яратишга асос бўлди. Буларга асосан ёки кўп ҳолларда ҳазрат Навоий газалиётининг маъно, вазн-оҳанг, наво дунёси ранг-баранглиги, кенг кўламлиги негиз бўлди. Навоий фақат китоблари воситасида эмас, балки журъат билан айтиш мумкини, куйлар, ашуналар, мақомлар, Бурҳонов асарлари орқали, унинг нафис ва нозик куйлари қанотида эларо, дунёаро янада кенгроқ машҳур бўлди. Аён бўлдикни, Навоий мероси М.Бурҳоновнинг ижодий тафаккури ривожига туртки, мактаб эди. Композиторнинг фидойи меҳнати туфайли Навоий дунёси, унинг сиймоси эл кўзи олдида янада кенг қанот ёйди. Улуғ Алишер Навоий фақатгина назм соҳибларининг сардори бўлибгина қолмай, ўз даврида ўзбек ҳалқ ва мумтоз мусиқасининг тараққиёти, истиқболи ҳақида доно фикрлар билдириб, мусиқа илмининг камол топишига ҳар жиҳатдан ҳомийлик қилган. Шуниси қизиқарлики, Алишер Навоийни мусиқа оламига олиб кирган биринчи устозларидан таниқли созанда ва бастакор Ҳожи Юсуф Бурҳоний бўлган. Улуғ даҳоларнинг асрлар оша ўзаро қўл беришлари, ўзаро ҳамкор ва мадор бўлишларининг маъноси шунда бўлса керак.

Мутал Бурҳонов Алишер Навоий меросини атрофлича муфассал, қунт билан ўрганди ва ижодий ўзлаштириди. «Улуғ

устозларим Ота Жалол, Ота Фиёс, Домла Ҳалим Ибодов, Абдураҳмон Умаров, Абдуқодир Исмоилов, Аҳмаджон Умурзоқов, Матюсуф Харратовлардан маҳом асослари ва Бухоро, Фарғона, Ҳоразм йўлларидан сабоқ олдим, - деб эслайди композитор. Ажойиб созандалар – халқ мусиқасининг мукаммал билимдонларидан олган ўгитларим бир умр эсимдан чиқмайди. Мен устозлардан баҳти қулган одамман. Уларнинг хотираси олдида доимо қўлимни қўксимга қўйиб таъзим қиласман. Мен ҳам мумтоз куйларни, ашула-ларни куйлаш ва уларга сайқал беришда буюк устоз Навоийдан кўп нарса ўргандим, ўзим яратган асарларимга Навоий ғазалларини асослаб олдим, унинг сиймоси бутун ижод йўлиmdа раҳнамо бўлиб келди.»

Мутал Бурҳонов Навоийга нисбатан эҳтиромини тан олиб, бу образга хос юксак ижодий фазилатларни ўзига яқин тутиши кўзга ташланади. Композитор ушбу сиймога наинки ўзинигина, балким буткул XX аср ўзбек мусиқасининг энг етук асарларини яратишга муваффақ бўлди.

М.Бурҳонов ўзи таъкидлаганидек, Навоий образи унинг учун бирламчи ўринда туради: «Москвада яшаган вақтиимда илк бор Навоийнинг ғазалларидан бирига «Табассум қилмадинг» номли илк романсимдан бирини яратдим. Кейинчалик 1943 йил Уйғун ва И.Султонларнинг «Алишер Навоий» драмасига мусиқа, Навоий таваллудининг 525 йиллик юбилейига багишлиб 1968 йили «Алишер Навоийга поэма-қасида» ва ниҳоят, 1989 йили буюк шоирнинг 550 йиллик тантаналари олдидан «Алишер Навоий» операсини яратдим.»

Дарҳақиқат, М.Бурҳонов ўзининг ижоди бошланишида А.Навоийга мурожаат этиб, илк бор буюк шоир ғазали асосида «Табассум қилмадинг» романсини ижод этади ва ушбу асардан бошлаб бутун ижоди фаолиятида буюк инсон ва шоирга «таяниб» келади. Композитор шоир ғазалининг икки байтини қўллаган, асосий мақсад асарнинг маъносини тўлиқ ифода этишга ёндашган. Шу туфайли куй ва шеърнинг мутаносиблиги асарда тўла-тўқис кўринади:

*Кўриб дардим тараххум қилмадинг ҳеч,  
Тўкиб шиқим табассум қилмадинг ҳеч.*

*Фироқинг ўти ичра неча йиглаб фигон чекдим,  
Сўрарга бир тақалум қилмадинг ҳеч.*

Лирик қаҳрамоннинг образи чуқур таъсирчан драматик воситалар билан сугорилган нафис лирик куйида ўз ифодасини топади. Сўз ва куй инъикосини ширали овоз ва жўрнавоз камер оркестри мазмунан ҳаётлигини акс эттиради.

Композиторнинг «Алишер Навоий» драмасига яратилган мусиқа нафақат шоирнинг газаллари билан учрашув, балки биринчи маротаба саҳнада буюк шоир сиймоси ўз ифодасини топади.) М.Бурҳонов Ҳамза номидаги драма театри учун ёзилган мусиқа жуда жонли ва ифодавий таассурот қолдирди. «Улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг сиймосини опера воситалари билан ифодалашга уриниб кўриш шу кундан бери хаёлимда эди. Бир вақтлар Ҳамза номидаги театрда мён мусиқа раҳбари бўлиб ишлаганман ва ушбу даврда Уйғун ва И.Султонлар драмасини унинг газаллари маъноси ва руҳиятида мусиқа садолари орқали ифодалашга ҳаракат қилдим. Урушдан кейинги йиллардаги театрнинг ижодий қиёфаси мени мафтун қилас эди. Саҳнамизнинг улкан устози Аброр Ҳидоятов билан кўп маротаба эндиғина шаклланадиган ўзбек операси масалаларида мулоҳазалар қилас эдик. Ҳатто ижро этишга розилик ҳам берган эдилар. Ушбу ажойиб инсон, зеҳни ўткир, буюк истеъдод эгаси, ўткир мусиқий қобилият ва чиройли овоз соҳиби ҳам эдилар», - деб эслайди композитор. Бу опера М.Бурҳоновнинг кўп йиллик изланишларининг энг етук бадиий натижаси сифатида таҳлил қилиниши асослидир ва XX аср ўзбек мусиқий навоийномасининг шу кунга қадар яратилган энг сара асарлардандир.

Даставвал М.Бурҳонов Алишер Навоий сиймосини агадиylаштириш мақсадида «Алишер Навоийга қасида» вокал-симфоник поэма-одасини бадиий ўқиш, хонанда, хор ва симфоник оркестр учун ижод этади (Абдулла Орипов сўзи). «Қасида» ўзига хос инсон даҳосига, руҳига, буюклигига салобатли ва улуғвор мадҳияси сифатида яратилган бўлиб, энг етук мусиқий асарларидан бири сифатида ҳис-тўйғуларининг самимийлиги билан ажralиб туради. Композитор-

нинг бошқа асарлари каби «Қасида» ўзининг тўлиқ таъсиранглиги, илиқ лиризми, юқори эпик туйгулари мажмуси билан мафтун этади. Шуни таъкидлаш лозимки, М.Бурхонов шоир образини ифода этишда илк бор «Наво» мақоми ашула бўлнимининг бошлангич оҳанги асосий мавзу сифатида олади, ижро жараёнида ушбу мавзу ривожланади. «Алишер Навоий» операсида ҳам Навоий образининг асосий лейтмавзуи «Наво» мақомининг ушбу оҳанги асосида берилган. Алишер Навоийнинг салобатли қиёфасини акс эттирувчи бу лейтмавзу шоир изтироби тарзида фойдаланилган жумла асосида юзага келган. Қизиқарли томони шундаки, ушбу мавзу ривож топиб, операда ўзига оҳангдош бир нечта интонацион унсуналарни қамраб олган. Бир томондан бу бевосита Навоий образига боғлиқ бўлиб, унинг лирик кайфиятини ифодалайди. Куй ўзининг майинлиги ва ниҳоятда нафис куйчанглиги билан тингловчида таассурот қолдиради. Опера давомида Навоийнинг лейтмавзуси ривожланиш жараёнида унинг лирик кўриниши гоҳ кучаяди, гоҳ пасаяди, аммо ўзининг бошлангич хусусиятини йўқотмайди. Шуни таъкидлаш лозимки, Алишер Навоий образи операда деярли барча драматургик муҳим саҳналарда иштирок этади. Шу туфайли М.Бурхонов унинг мусиқий қиёфасида уч хил ҳис-туйгулар ечимида ўз аксини топган. Булар Навоий образининг лирик, эпик ва фожиавий-драматик кайфиятлари инъикосидир. Бутун операда лирик йўналиш устуворлик қиласи, аввало Навоийнинг ўзи («Наво» оҳанги) ҳамда Навоий ва Гули саҳналари билан боғлиқ бўлиб, у дастлаб асарнинг чолғу муқаддимасида илк бор янграйди. Композитор ўз асарида Навоийга хос ҳис-туйгуларни ва кайфиятини турли саҳналарда ўзига хослик ва воқеалик билан боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Навоийнинг образига хос хаётчанлик, фалсафий теранлик кайфиятлар Навоий ва Абдураҳмон Жомий, Навоий ва Камолиддин Беҳзод, Навоий ва Жалолиддин саҳналарида, образга хос таъсиранглик ва ҳаяжонлик кайфиятлар Навоий ва Гули саҳналарида, мардлик, ҳамдардлик фазилатлари Навоий ва халқ саҳналарида ўз ифодаси топган. Умуман, Навоий образи талқини – мусиқий қиёфаси миллтий руҳда гавдаланган. Шу боис, ўзбек мусиқа анъаналари операнинг мусиқий услубида теран акс эттирилган. Унинг мусиқий «нутқи» саҳнавий вази-

ятга боғлиқ бўлган ҳолда ўзгаради. М.Бурҳонов операси туфайли буюк Навоий ҳақидаги тасаввурларимиз янада чуқурлашади, маънан бойиб боради. М.Бурҳонов мусиқа си бу гал ҳам ўзига хослиги, узвий куйчанлиги, драматургик моҳияти билан чуқур таассурот қолдирмоқда.

Ўз ижоди ва ўзгаларга ҳам ўта талабчан М.Бурҳонов қаламига мансуб «Алишер Навоий» операси нафа қат ўзбек операсининг ривожига, балки бутун Марказий Осиё ва айрим Яқин Шарқ мамлакатлари мусиқсанъатига қатор янги тамойиллар баҳш этиши мумкин.

Мутал Бурҳонов – XX аср ўзбек мусиқасининг етуй ижодкорларидан бири, унинг имкониятларини, мислсиз жозибаларини кўрсатиб берувчи санъаткор. У яратга мусиқа асарлари – улкан бир ҳазинадир. Шу асосда ўзбек мусиқасини янги босқичларда ривожлантириш, миллӣ мусиқий тилимиз бойликларини яшнатиш мумкин. Бу эса миллӣ мусиқа санъатини тушуниш, ҳис қилиш, ҳурмат ва муҳаббатли муносабат асосида рўй беради. Алишер Навоий ўз асарлари, достонлари ва рисолалари билан шеъриятимизни, адабиётимизни, ўзбек тилини неча асрлар давомида ривожлантириб, бойитиб келган бўлса. Мутал Бурҳонов ҳозирги кунда ўз оҳанглари, мусиқий асарлари билан ҳалиқимизнинг бени мусиқий тилини, дилини ривож топишига ўз ҳиссасини қўйшмоқда. Улар мавжуд шароиту ақидаларни ўзгартириш, янгича яшаш ва фикрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўядилар. Алишер Навоий ғазаллари ва сиймоси Мутал Бурҳонов ижодида салмоқли ўрин олиб келмоқда ва унинг асарлари мусиқа санъатимизнинг ўлмас дурданаларидир.

## *Муҳаине НАБИЕВА*

### **1990 ЙИЛЛАР КОМПОЗИТОРЛИК ИЖОДИДА АЛИШЕР НАВОЙЙ НАЗМИ**

(Т.Қурбонов, Ҳ.Раҳимов, Б.Лутфуллаев асарлари  
мисолида)

Буюк мутафаккир шоир, давлат ва жамоат арбоби Ҳазрат Алишер Навоийнинг ёруғ тимсоли Ўрта Осиё халқларининг ўзбек адабиёти ва санъати тарихида чуқур из қолдирди. А.Навоийнинг «Хамса», «Мезон-ул авзон», «Сабъай сайёр», «Лисон-ут тайр», «Мажолис-үн нафоис» каби ноёб асарлари жаҳон дурданалари хазинасига кирган. Балки шунинг учундурки, шоир қала-мига мансуб ҳар бир асар, ғазалларни мутолаа қилган инсон улардан чуқур маънавий озуқа олади.

Алишер Навоийнинг бой маънавий мероси ўзининг теран маъно ва мазмуни билан Ўзбекистон бастакорлари ва композиторлари диққат марказида туриб, адиллар ва адабиётшунос-олимлар, мусиқашунослар ва санъаткорлар томонидан янгидан ўрганиб келинмоқда.

Ушбу мақолада композиторлар томонидан Мустақиллик даврида яратилган айрим мусиқий намуналарнинг ўзига хос хусусиятларини тавсиф этишни мақсад этдик.

XX асрда Алишер Навоий сиймоси, яратган бадиий тимсоллари санъатнинг турли жабҳалари қаторида мусиқа санъатида ҳам ўз ифодасини топиб, алоҳида йўналишга асос солган. Хусусан, Навоийнинг ғазал ва рубоийлари бастакорлик ижодидан кенг ўрин олган бўлиб, дурдана асарлар дунёга келишига сабаб бўлган. Имомжон Икромов, Юнус Ражабий, Дони Зокиров каби буюк устозларнинг ўнлаб ноёб қўшиқлари шоир назми билан сугорилиб, мусиқа шинавандаларини хушнуд қилиб келмоқда.

Алишер Навоий асарлари композиторларимиз эътиборини ҳам ўзига жалб этиб келмоқда. Хусусан, XX аср давомида Алишер Навоий асарларига опера ва романслар, қўшиғу-ашулалар билан бир қаторда шоир тимсолини ифодаловчи поэма, камер-симфоник партитуралар, кантата ва орагориялар вужудга келди. Мутал Бурҳоновнинг «Алишер Навоийга қасида» (1968), «Алишер Навоий» (1986) операси,

Р.Глиэр, Т.Содиқовнинг «Лайли ва Мажнуң», Мухтор Ашрафийнинг «Дилором» (1958) опералари, Икром Ақбаровнинг «Хамса саҳифаларидан» (1988), А.Мейеннинг «Алишер Навоий» вокал – симфоник поэмалари, Манас Левиевнинг «Суҳайл ва Меҳри» (1946) балети, Георгий Мушелнинг «Фарҳод ва Ширин» (1937), Сайфи Жалилнинг «Навоий Астрободда» (1968) мусиқали драмалари, Мирсадиқ Тожиевнинг «Шоир ишқи» (1969) Р.Абдуллаевнинг «Навоий хотирасига» симфоник поэмалари, Баҳрулло Лутфуллаевнинг «Дугоҳ» (1989) концерт симфонияси, Дони Зокиров, Толибжон Содиқов, Сулаймон Юдаков, Собир Бобоев, Нурилла Зокиров, Тўлқин Қурбоновларнинг турли жанрдаги вокал асарлари шулар жумласидандир.

Юқорида номлари қайд этилган асарлар жанр, мусиқий услуг нуқтаи назаридан бир-биридан фарқли ўла-роқ бўлса-да, айрим ўхша什 жиҳатлари билан ҳам тавсифланади. Уларда шоир сиймосининг лирик руҳда гавдаланиши, қаҳрамонларнинг кечинмалари ва муайян йўсинда тасвирлаб берилиши, мусиқий мавзулар сифатида кенг нафасли куйларнинг танланиши каби хусусиятлар бундай хуносалар чиқаришга асос беради. Ўзаро ўхша什 бўлган муҳим омиллардан яна бири шундаки, асарларнинг аксарияти овоз ва турли таркибдаги чолғу гуруҳлар жўрлигига мўлжалланган.

Алишер Навоий тимсоли билан боғлиқ композиторлик ижодиёти асарларини учта тарихий даврга тасниф этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда биринчи давр 1930-1950-йилларга, иккинчи давр 1960-йилдан 1990-йилгача ва ниҳоят, учинчи давр Мустақиллик йилларига тўғри келади.

Биринчи давр мобайнида қўшиқ ва романслар устунлиги кўзга ташланади. Бироқ, мусиқашунос Т.Визгонинг кузатувларига кўра, «бу жанрларда яратилган асарларнинг аксарияти ижрочилик амалиётида ўз ўрнини тополмаган. Асосий сабаблар – ўхша什 тимсолий ҳоллар ва бир хил мавзуларнинг ифода топиши, гармоник тилнинг содалиги ва жўрлик роли билан чегараланганилигидир. Шунга қарамасдан бу илк тажрибаларни ижобий баҳоламай бўлмайди.»<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Т.Вызго. Вокальная музыка. см: История узбекской советской музыки. Т - 1. Т., 1972. С.144 (М.Набиева таржимаси).

Бу даврдаги А.Навоий назми билан сугорилган романс ва қўшиқларни кўздан кечирган ҳолда композиторларнинг эътиборлари тимсолий олам билан боғлиқ иккита масалага қаратилганлигига амин бўламиш: бир гурӯҳ асарларда асосий образлар сифатида табиат манзаралари, лирик ҳис-туйғулари ифода топса, иккинчи гурӯҳда асосий қаҳрамон сифатида аёл тимсолининг гавдаланиши ва у билан боғлиқ ҳаяжонли ҳамда завқлантирувчи лаҳзаларнинг акс эттирилганлигини кузатиш мумкин.

Алишер Навоий шеърияти ва тимсоли 1940-йилларнинг охиридан йирик жанрларга кириб келди. Т.Визго бу вазиятни қуидагича изоҳлайди: «Бу даврда яратилган йирик жанрдаги асарларнинг ўзига хослиги яққол кўзга кўринади. Булар: мусиқа тилининг ҳалқ қўшиқчилиги билан узвий боғлиқлиги ва куйчанлиги, оркестрнинг бўйсинувчи рол билан чегараланганилиги, мусиқий драматургик ғоя сустлиги ва шу боис сюитасимон шаклларнинг устун келишидир. В.Успенскийнинг «Алишер Навоий хотирасига лирик поэмаси» шоирга бағишлиган илк вокал-симфоник асарларидан бири бўлиб, айнан шу хусусиятларни ўзида мужассам этади».<sup>1</sup> Бу рўйхатни тўлдиришимиз мумкин, албатта. Яъни, И.Акбаровнинг «Хамса» саҳифаларида, А.Мейеннинг «Навоий» вокал-симфоник поэмалари, А.Козловскийнинг «О, Навои» поэмаси, Р.Глиэр, Т.Содиқовнинг «Лайли ва Мажнун», М.Ашрафийнинг «Дилором» операларида ҳам айни шу хусусиятлар кўзга кўринади.

Бу даврда вужудга келган мусиқий асарлар ўз замонасининг вазифаларини амалга ошириб, кўп овозли композиторлик ижодиётини шакллантиришга пойдевор бўлди. Бу борада Навоий шеърияти мусиқий тафаккурни акс эттирувчи муҳим омил ролини ўйнади.

Биринчи босқичда эндиғина шаклланиб келаётган йирик жанрлар иккинчи даврда ўз ривожини топди. Иккинчи давр мобайнида (1950-90-йилгача бўлган вақт) йирик жанрларга ургу берила бошланди. Бу жараёнда А.Навоий назми мавзулар доирасини тобора кенгайи-

<sup>1</sup> Т.Вызго. О характерных тенденциях развития вокально-симфонической музыки. см. Музыкальная культура Узбекской ССР. М., «Музыка», 1981. С.132,133.

шига ҳамда композиторлик ёзувида миллий муаллифлик услубини ёритишга ёрдам берди. Даврнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беришда мусиқашунос — олима Н. Янов-Яновская томонидан билдирилган фикр алоҳида эътиборга лойиқ: «Асарлар мазмунан чуқурлашиб борди, улардаги мавзулар доираси тобора кенгайди, бадий даражаси сайқал топди. Ўзбек композиторларининг мустақил ижод йўлига чиқишилари бу даврнинг муҳим жараёнларидан бири ҳисобланади.»<sup>1</sup>

Композиторлик ижодиётининг фаоллашуви, кўпгина услубий йўналишларнинг пайдо бўлиши ўзбек мусиқаси замираидан бир эмас, балки бир нечта композиторлар авладининг ижод қилиши билан ифодаланади. Бу даврда ёзилган асарларнинг аксариятида А. Навоий сиймоси дикъат марказида туриб, юксак маънавият рамзи сифатида талқин этилади. Шу боисдан илгариги вақтларда устун

слган лирик кечинмалар ўрнига эпик-фалсафий хаёл суриш ҳоллари биринчи ўринга чиқади. М. Бурҳоновнинг «Алишер Навоийга қасида» ва «Алишер Навоий» операси бу даврнинг энг кўзга кўринган асарлари ҳисобланиб, мусиқий навоийхонлиқда алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, назаримизда Мустақиллик даврида белгиланган барча хусусиятлар М. Бурҳоновнинг «Алишер Навоий» операсида илк бор намоён бўлади.

Учинчи давр 1990 йиллардан эътиборан бошланиб, Республикаизда амалга оцирилаётган мустақил ва ҳар томонлама ривожланган давлатчиликни қуриш мақсадида йўналтирилган янги нишоналарни кун тартибиға чиқарди. Ушбу даврга хос миллий қадриятларни эъзозлаш, миллий ғуур ва ватанпарварлик туйгуларини мадҳ этиш, қадимги урф-одатларни тиклаш қаби масалалар долзарб вазифалар сифатида қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов «Маънавий юксалиш йўлида» китобида бу ҳақда шундай фикр юритади: «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни

<sup>1</sup> Н. Янов-Яновская. Музыкальная жизнь 1945-1967 годов. см: История узбекской советской музыки. Т2. Т., 1973., с.7.

тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, ҳалқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, тарихий жараён деб ҳисоблаймиз<sup>1</sup>. Унтилган тарихий саҳифаларни тўлдириш муаммоси композиторлик ижодиётида ҳам ўз аксини топа бошлаганлигининг гувоҳимиз. Соҳибқирон Амир Темур ва унинг юритган сиёсий тизимига бўлган эътибор, Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, қадимий Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигининг нишонланиши, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий каби йирик зотларга бўлган эътирбор турли жанрдаги мусиқий асарларда ўз ифодасини топди.

Булар қаторида йирик мутафаккир шоир Низомиддин Мир Алишер Навоий сиймосининг чуқур ўрганилиши, шоирнинг таваллудига багишлаб бир қатор тадбирлар ўтказилиши, пойтахт марказида шоир номи билан аталган катта Миллий боғнинг барпо этилиши, қолаверса Президентимиз томонидан 1991-йил «Алишер Навоий йили» деб эълон қилиниши бу зотга бўлган юксак эътибор ва эътирофдан далолат беради.

Мустақиллик даврида миллий қадриятлар тикланадётган бир пайтда, Алишер Навоий мероси ўзининг юксак маънавий мазмундорлиги билан мусиқа муаллифларни янги асарлар яратишга сафарбар қилди. Шоир изланишлари адиблар ва адабиётшунос-олимлар, мусиқашунослар ва санъаткорлар диққат марказида турибди. Олимларнинг самарали изланишлари натижасида буюк мутафаккирнинг янги-янги қирралари очилмоқда.

Хусусан, мусиқада композиторлар Навоий тимсоли ва шеъриятининг янги қирраларини очиб беришга қўл урдилар. Бу даврда кўзга кўринган асарлардан М. Бағоев яратган «Ҳолати Алишер Навоий» 5-симфонияси йирик ижод намунаси сифатида алоҳида ўрин тутади. Унда композитор ҳиссий оламининг фалсафий, илоҳий жиҳат-

<sup>1</sup> И.Каримов. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг гикланиши. Қаранг: И.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т., 1998.

ларни катта маҳорат билан ифодалаб беришга қўл урди, ўхшаш кўринишларни С.Варелас, Т.Қурбонов, Ҳ.Раҳимов, Б.Лутфуллаевларнинг сермаҳсул ижодларида ҳам кузатишимиз мумкин.

С.Варелас А.Навоий сўзларига ёзган қўшиқ ва романсларида рус композиторларига хос анъаналар сақланиб қолинган бўлса, Б.Лутфуллаев яратган С.Ҳаким сўзига солист ва ҳалқ чолгу ансамбли учун «Навоий» асари, «Фироқ» хор туркуми, Т.Қурбоновнинг 4 та романси, «Ушшою», «Рубойлар», «Ул ойнинг» хор асарлари ва симфоник оркестр учун «Зиҳи, эл ниҳони...», «Гулханда кўр» партитуралар, Ҳ.Раҳимовнинг овоз ва ҳалқ чолгу оркестри учун А.Навоий ғазали асосида яратилган «Жонга йўқ кўнглумдину...» поэмалари алоҳида эътиборга лойиқдир.

Бу асарларнинг аксариятида янги қирра ва муҳим аҳамият касб этувчи хусусият сифатида илоҳий ишқни куйлаш ҳолатлари кузатилади. Демакки, А.Навоийнинг сиймоси нафақат шоир сифатида бўлиб қолмай, балки севгига берилган инсон, буюк мутафаккир, олим, йирик давлат арбоби қиёфасида ҳам талқин этилади. Шу боис унинг назми ёр ишқи, унинг висоли билан бир қаторда фалсафий дунёқарашни ўзида мужассам этиб, илоҳий ҳис-туйғуларни ҳам қамраб олади. Эътироф этиш жоизки, бундай хусусиятлар XX аср якунида жаҳон композиторлик ижодиётига хос бўлиб, мусиқа санъатига янги бурилишни белгилаб берди.

Мустақиллик даврида яратилган асарлар ўзбек мусиқа меросига таянишга интилган бўлиб, замонавий мусиқий воситалар орқали ифода топади. Бироқ, илгариги даврларга нисбатан барча тажрибалар, ижодий изланишлар асарда миллий руҳни чуқурлаштириш мақсадига хизмат қиласиди. Бу жиҳатдан ҳеч муболагасиз таъкидлаш мумкинки, Алишер Навоий назми билан боғлиқ мусиқий асарлар ёрқин мисоллар сифатида намуна бўла олади. Истиқлол нашидасини сурган асарларни умумий тарзда кўриб чиқиб уларга холоса ясаш мақсадида Ҳабибулло Раҳимовнинг «Жонга йўқ кўнглумдину» поэмасини, Баҳрулло Лутфуллаевнинг А.Навоий рубоийлари асосида «Фироқ» хор а' capella туркумини ҳамда Тўлқин Қурбоновнинг «Зиҳи эл ниҳони» овоз ва сим-

фоник оркестри учун асарларини таҳлил қилишни жоиз деб топдик.

Ушбу мусиқий намуналарни таҳлил қилас эканмиз, уларда мавжуд ўзига хос хусусиятларни айтиб ўтишни лозим деб топдик.

Ҳ.Раҳимов яратган «Жонға йўқ кўнглимдину» поэмаси Истиқлол даврида Алишер Навоий сиймосига багишланган илк намуналардан бири ҳисобланади. Буюк шоир таваллудининг 550 йиллигига тақдим этилган бу асар Ўзбекистон композиторларининг изланишларини янги тарихий муҳитда давом эттиради.

Асар тенор овози ва ўзбек халқ чолғу оркестри ижро таркиби учун мўлжалланган. Шеърий матн сифатида улуғ мутафаккирнинг «Жонға йўқ кўнглимдину» газали танлаб олинган. Мазкур газалга композитор Ҳабибулло Раҳимов мурожаат этар экан, уни теран талқин этиш йўлида шоир тимсолини эркак тембрларидан тенор товуши орқали тасвирлашга аҳд қиласди. Оҳангдор тусга бой бўлган бу тембр газалнинг нозик руҳий алмашувларни тўлақонли ифодалашга хизмат қиласди. Поэмада А.Навоий назми умумлаштирилган ҳолда талқин этилиб, куйчан лавҳалар нутқсимон тузилмалар билан бойитилган.

«Жонға йўқ кўнглимдину» вокал симфоник поэмаси-нинг драматургияси уч қисмли шаклда намоён бўлади. Унинг ҳар бир қисмида шоирнинг учта ҳиссий ҳолати акс эттирилади: ғуурллик ва қайгулик, ҳаяжонлик ва норозилик, ишқ азобидан таскин топиш ва завқланиш. Поэмада ҳукмронлик қилган уч қисмли шаклнинг асосий тузилмалари вокал партияси иштирокида ўтади. Унинг биринчи қисми қайгули, мунгли характерда келади. Асарнинг иккинчи лавҳаси (2-қисм) биринчисидан фарқли ўлароқ турли жиҳатлари билан ажralиб туради. Унда динамик, ритмик, тоналлик (d – moll дан As – dit га) ва тембр жилолари авж даражасига олиб борилади. Хусусан, вокал йўлида марксимон иборалар пайдо бўлади. Оркестр партияси ҳам жўр бўлиш вазифалари билан чегараланибгина қолмай овозга ҳамроҳ бўлиб, унинг ҳаракатларини қўллаб-куватлайди. Натижада яратилаётган тимсолнинг қиёфаси тубдан ўзгаради: вазмин,

ўйчан ҳоллар чуқур ҳаяжонлик, исёнкорлик, ҳаётдан қониқмаслик ҳолатларига айланади.

Поэманинг асосий чўққиси иккинчи қисмнинг иккинчи лавҳасига тўғри келади ва оркестр зиммасига юкланди. Реприза дастлабки кайфиятга қайтишга ҳаракат қиласди, аммо ўтган воқеалар бунга тўлиқ имкон беролмайди.

Биринчи қисмга нисбатан репризанинг қисқартирилган ҳоли драматургик нуқтаи назардан асосли кўринади. Зоро, ўрта қисмнинг таъсири репризада ҳам ўз кучини сақлаб турди ва тимсолий оламини ўзгаришига сабаб бўлади. Муқаддимага хос қайгули, нолиш кайфиятлар билан бир қаторда, репризада ҳозирги замон ворислари нигоҳи билан ўтмишга бир назар ташлаш ҳоллари ҳам намоён бўлади.

Мусиқада устун келган фалсафий ёндашув, куй ва газал ўртасида мужассамлашган услубий боғланишлар асарга мукаммаллик ва яхлитлик инъом этади. Ушбу юксак яхлитликни биз турли жиҳатлар нуқтаи назаридан кўришимиз мумкин. Вокал қутига хос кучли ва кучсиз ҳиссаларнинг мисралар вазнига мос келганлиги, шеърда авж пардаларининг назмий руҳидан келиб чиқиши шулар жумласидан.

Асарнинг таҳлили натижасида яна шуниси аён бўлдики, композитор ўзбек ҳалқ чолғу оркестри имкониятларидан кенг фойдаланган. Solo ва tutti чиқишиларининг ўз ўрнида жойлашганлиги, тембрларни танлашда қўйилган мақсадлардан келиб чиқиши, оврўпоча оркестр ёзуви тафкурининг миллий-услубий хусусиятлари билан уйғунашуви шундан далолат беради. Асарнинг жанр талқинида эса романсга оид хусусиятлари билан бир қаторда симфоник тафкурига хос драматургик ва услубий жиҳатлари ўз аксини топган. Бу эса Ҳ.Раҳимов поэмасини симфоник асарлар қаторига киритишига асос беради.

Б.Лутфуллаев қаламига мансуб «Фироқ» асари сўнгги йилларда хор учун яратилган оригинал мисоллардан бири ҳисобланади.

Саккиз қисмли мусиқий туркумда А.Навоийнинг рубойлари асос қилиб олинган. Асар якка хонанда ва хор a'cappella учун мўлжалланган бўлиб, унинг драматургияси погонама-погона ривож топади ва ҳар бир қисмда маълум вазифаларни амалга оширади.

Мусиқий композиция марказида аёл тимсоли туради. Унга бўлган интилиш, фироқ ҳажрида ёниш, ёр сиймосини умр баҳорига тенглаштириш, унинг борлигини мадҳ этиш каби ҳис-туйғулар туркум давомида тасвирлаб берилади. A'cappella тизимида қўлланилган хор ҳар бир рубоййнинг умумлаштирилган маъносини акс эттиради.

Рубоийларни мутолаа қиласр эканмиз, улар мазмунан бир - бирига чамбарчас боғлиқлигини кузатишимиш мумкин. Шу билан бирга тўртликларнинг кетма-кет жойланишида пухта ўйланган драматургик ҳаракат мавжудлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Дарҳақиқат, «Фироқ» ва «Билмас эдим» рубоийлари айрилиқ ҳолатини тасвирлаб берса, кейинги учта рубоийларда аёл тимсоли мадҳ этилади. «Маскан этар» ҳамда «Гар ошиқ эсанг» рубоийлари насиҳат бериш тарзида яратилган бўлса, энг охиргиси («Ёрим кулодур» рубоийси) ёрнинг келишидан кувонган кўнгилни ифодалайди. Демак, рубоийларни яхлит туркумли мажмуа сифатида талқин этишга интилган Б.Лутфуллаев, мантиқий моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда айнан шу тартибда кетма-кет жойлаштиришга аҳд қиласди.

«Фироқ» асарида адабий манба туркумнинг ҳар бир қисмида турлича ифодаланади. Айрим қисмларда рубоийларнинг дастлабки қайфияти ва тимсоли мусиқани яратишга асос бўлади. Баъзи қисмларда эса мусиқий оҳанглар шеъриятнинг ҳар бир ургусини, ҳиссий бурилишларни акс эттиради. Яъни, бу туркумли асарда «Назм ва Наво» муаммоси кенг қамровда ёритиб берилади. Рубоийларни мутолаа қиласр эканмиз, улар мазмунан бир - бирига чамбарчас боғлиқлигини кузатишимиш мумкин. Шу билан бирга тўртликларнинг кетма-кет жойланишида пухта ўйланган драматургик ҳаракат мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Рубоийларни яхлит туркумли мажмуа сифатида талқин этишга интилган Б.Лутфуллаев, мантиқий моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда айнан шу тартибда кетма-кет жойлаштиришга аҳд қиласди. Туркумли асарнинг драматургияси асосида қайгули қайфиятдан ҳурсандчиликка бўлган интилиш ҳаракати ётади. Асарнинг ўзига хос қирраларидан яна бири шундаки, барча қисмлар секин, вазмин вазнларда талқин этилади. Хор a'cappella'да композитор гармоник ифодавий воситала-

ри билан чекланибгина қолмай, полифоник унсурлардан – стретто, имитациядан кенг фойдаланади. Шулар қаторида чолғу тафаккурининг хусусиятларини овоз воситаси орқали ифодалаб берилиши ҳам ижодкорнинг унумли изланишлари қаторидандир.

Ниҳоят, Т.Қурбоновнинг асарида А.Навоий газалини ифода этиш вазифаси вокал партия билан бир қаторда оркестрга ҳам юклатилади ва тимсолий оламни яратишда чолғу лавҳаларнинг роли муҳим аҳамият касб этади. Шакл жиҳатдан у икки қисмдан иборат бўлишига қарамасдан, лавҳалар ўргасида кескин тафовут сезилмайди. Барча мусиқий ифодавий воситалар ғазалдаги маъно ва вазиятни тўлақонли ифодалашга хизмат қиласди. Динамиканинг бир маромда – бутун асар давомида *m f*, *f*, *ff* да келиши ҳам матннинг мазмун-моҳиятини акс эттиради.

Куйнинг яратилишида *Си бемол* миксолидий тузуги билан чегараланиб қолмасдан, композитор *си бемол лидий*, *эолий* тузукларига хос маҳсус тусларни ҳам қўллайди.

Гармония нуқтаи назаридан кварта - квintaли, секундали аккордларнинг устун келиши – Т.Қурбоновнинг замонавий техника всситаларидан эркин фойдаланишга қодир эканлигидан гувоҳ беради.

Асосий мавзуда (овоз партиясида) куйнинг кетма-кет, аста-секинлик билан юқорига ҳаракат қилиши нутқсимон услубнинг қўлланилиши, пунктир ритмлар, кучли ва кучсиз ҳиссаларнинг эркин алмашиниб келиши ва бошқа барча омиллар мусиқий асарнинг ўзбек миллий руҳ билан сугорилганлигидан далолат беради. Ривожланиш жараёнида асосий мавзунинг баён этилиши, унинг аста-секинлик билан авжга йўналиши ва фуровард йўли билан ўз ҳолига қайтиб хотима ясали каби кузатувлар Т.Қурбонов асарида А.Навоий газалини XX аср замонавий мусиқа нуқтаи назардан моҳирона талқин этилганлиги ҳақида хулоса чиқаришга асос беради.

Мустақиллик даврида миллий қадриятларни эъзозлашга алоҳида эътибор берилган бир пайтда Алишер Навоий меросига нисбатан муносабат янада чуқурлашди. Янги замон талаблари ижодкорларни янги асарлар

яратишга сафарбар қилди. Табиийки, айни бу даврда «Мусиқий навоийнома» янги қирралар билан бойитилди, унинг мавзулар доираси кенгайди, янги мавзуй йўналишлар (фалсафий, диний, илоҳий) белгиланди, янги тажрибаларга йўл очилди. Хусусан, уларда жанр талқини, мусиқа услуби, «Назм ва Наво» муаммосига ёндашув янгича намоён этилди.

Юксак фалсафий гоялар билан суғорилган А.Навоий шеърияти ва унинг буюк сиймоси композиторлик ижодиётининг миллий услугбини яратиш жараёнида самарали изланишларни олиб боришга, янги кучларни сафарбар қилишга тақозо этмоқда.

«Навоий ва композиторлик ижодиёти» - серқирра мавзу. Уни илмий ва услугбий жиҳатдан муфассал ўрганиб, янгидан ёритиш ва идрок этиш масалалари ҳозирги кунда эътиборли ҳамда масъулиятли вазифалардан бири деб ўйлаймиз.

## *Давлат МУЛЛАЖОНОВ*

### **КОМПОЗИТОР ВА МУСИҚИЙ ЭСТРАДА ХУСУСИДА**

Сўнгти ўн йиллик мобайнида ўзбек композиторлари ижодида янги тамойиллар, эътиборли изланишлар, умидли уфқлар намоён бўлмоқда. Бу ўринда мусиқий эстрада<sup>1</sup> билан боғлиқ жанрларнинг композиторлик ижодига жадал кириб келиши алоҳида аҳамиятга эга. Назаримизда, бунинг асл сабаблари шундаки, Мустақиллик йилларида композиторларимизнинг эстрадага бўлган муносабатлари тубдан ўзгарди. Авваллари композиторларнинг бу соҳага «галдан-галга» тарзида мурожаат этишлари асосан қўшиқ жанри билан чегараланган бўлса, эндиликда мусиқий эстрада жанрлари композиторлик ижодиётига тобора кенг кириб бормоқда. Шу билан бирга, эндиликда «Композитор ва мусиқий эстрада»<sup>2</sup> нисбатидаги мавзуу кун тартибига қўйилган долзарб муаммолар қаторидан ўрин олди.

Сўнгти йилларда жадал суръатлар билан илдамлаб бораётган мусиқий эстрада шакллари композиторларимиз ижодиётига турлича таъсир ўтказаётир. Бу ҳол нафақат оммавий қўшиқчилиқда, балки бевосита композиторлик соҳасига мансуб турли жанрларда ҳам ўз аксини топмоқда. Шуларни назарда тутган ҳолда композиторларимизнинг мусиқий эстрадага даҳлдор ижодиётини уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1) мусиқий эстрада услубига мувофиқ ижод этилган қўшиқлар;

2) мусиқий эстрада услуби асосида ижод этилган йирик ҳажмли композиторлик асарлари;

---

<sup>1</sup> «Мусиқий эстрада» тушунчаси заминида «бит, яъни жадал усулга асосланган барча саҳравий мусиқа жанрларининг мажмуи сифатида қўлланди.

<sup>2</sup> Мутахассислар орасида мусиқий эстрада жанрларини «шаҳар фольклори»нинг тарқибий қисми сифатида ҳарашлар ҳам бор. Шундан келиб чиқдан ҳолда «Композитор ва мусиқий эстрада» нисбатини «Композитор ва фольклор» мавзунинг янги бир кесими сифатида баҳолаш мумкин.

З) мусиқий эстрада услуби қўлланган композиторлик асарлари.

Таснифотимиздаги бандларнинг ҳар бири алоҳида илмий мавзу сифатида ўрганилиши мумкин. Ушбу мақола доирасида асосан биринчи бандда қайд этилган композиторлик ижоди хусусида сўз юритмоқчимиз. Чунки худди ана шундай ижод маҳсули бўлган қўшиқлар ўрганилаётган мавзунинг қарийб асосий саломгини ташкил этади. Бу борада қўшиқ жанрининг ўтган аср сиёсий-ижтимоий шароитида тутган ўрни хусусида мухтасар тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Кўп асрлик тарихга эга ўзбек қўшиқчиллик ижодиётига ўтган асрдагидек ижтимоий «эҳтиёж» юқори дараҷада бўлмаган, десак муболага бўлмаса керак. Чунки айнан шу даврда юзага келган ижтимоий-маданий «таблаблар» бу соҳада сезиларли ўзгаришларга ҳам сабаб бўлди. Қадимдан анъана бўлиб келган ҳалқ қўшиқчилги янги сиёсий-ижтимоий шароитлар, шаҳар маданияти «индустря»сининг таъсири ўлароқ ўзгача «ҳаёт» тусини олди. Жумладан, XX асрнинг сўнгти чорагига келиб кўп асрлик қўшиқчиллик анъаналари янги шаклларда бастакорлик ва композиторлик ижодиётида қайта жонланди, шунингдек, навқирон мусиқий эстрада соҳасининг асосий жанрига ҳам айланниб улгурди.

Шуни таъкидлаш керакки, ўзбек эстрада қўшиқчилгининг пойдевори М.Бурҳонов, И.Акбаров, М.Левиев, А.Берлин, Х.Изомов, Э.Солиқов, F.Қодиров ва А.Мухамедовлар каби ҳурматли композиторларимизнинг оммавий қўшиқчиллик соҳасидаги ижодкорона меҳнатлари туфайли барпо этилган эди. Бу соҳанинг бош ирмоғида турган истеъдолди хонандалар, жумладан Б.Зокиров, Л.Зокирова, К.Жалилова, Б.Мавлонов, Н.Зокиров, Р.Шарипова, Ю.Тўраев, С.Раҳимов, А.Иошпе, А.Троицкий, Э.Ўрзобоевалар ижро дастурида ўзбек композиторлари яратган қўшиқлар мустаҳкам ўрин олган эди.

Ижодий ҳамкорлик натижасида яратилган қўшиқлар телерадио дастурлари, кино ва саҳнавий асарлар, ҳамда концертлар орқали оммалашди, сараланди, ва ҳақиқий «шлягер» намуналарига ҳам айланди. Ушбу фикримиз-

ни бугунги кунда ҳам эстрада хонандалари ва гуруҳлари томонидан «кавер-версия»<sup>1</sup> услубида «такрорланаётган» ўша давр қўшиқлари («Газли», «Раъно», «Дилбарим» ва б.) тасдиқлаши мумкин.

Бугунги кунга келиб мусиқий эстрада йўсинида қўшиқ ижод этаётган композиторлар сафи кенгайди. Хусусан, қўшиқлари республика бўйлаб турли оммавий байрам тантаналари, маҳсус танловлар, фестиваллар ва Республика телерадио дастурларида ижро этилаётган ўрта ва ёш авлод композиторлари қаторида Р.Абдуллаев, М.Маҳмудов, М.Бафоев, Ҳ.Раҳимов, Н.Норхўжаев, А.Эргашев, А.Мансуров, Д.Омонуллаева, А.Икромов, А.Расулов, С.Анваров, Қ.Комилов, Б.Лутфуллаев, Ф.Холиқов номларини кўрамиз. Шу жумладан, 1998 йил «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика қўшиқ байрами танловида биринчи мукофотга сазовор бўлган А.Мансуровнинг «Ўзбекистон-дўстлик диёри» (Н.Нарзуллаев шеъри), Д.Омонуллаеванинг кўҳна Самарқанд шаҳрида 1997 йилдан ўtkазилиши анъянага айланган «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалларида баралла янграган «Фестивал мадҳиялари», Р.Абдуллаевнинг «Ҳур ўзбек қизиман», Ҳ.Раҳимовнинг «Самарқанд», А.Расуловнинг «Элим деб», «Ҳақиқат излаган армон», А.Икромовнинг «Ўзбекнома», «Бахт қуши», Қ.Комиловнинг «Саодатли Ўзбекистон», Б.Лутфуллаевнинг «Ватан мадҳи», «Ўзбек қаҳрамонлари», «Тўйинг муборак» каби бир қатор қўшиқлари кенг жамоатчилик эътиборини ўзига жалб қилди.

Шуни айтиш керакки, янги авлод композиторларининг тавсиф этилаётган қўшиқлари маълум қадар ўзига хос хусусиятларига эга. Жумладан, бу қўшиқларда, бир томондан, халқ мусиқасига алоқадор оҳанг илдизлари, иккинчи томондан эса, композиторлар ижодида шаклланган оммавий қўшиқчилик ва мусиқий эстраданинг бадиий омухта бўлиши кузатилади. Бу ўринда кекса авлод композиторлари ижодида шаклланган музайян бадиий тўқималар ўрта авлод композиторлари

<sup>1</sup> Кавер-версия-жаз мусиқаси истилоҳидан олинган бўлиб, рок йўналишидаги хонанда ва гуруҳлар томонидан мавжуд асарни янги аранжировка асосида талқин этишини англатади.

томонидан ворисона ўзлаштирилиб, ижодий давом этирилмоқда. Бунга жумладан Р.Абдуллаевнинг М.Мирзо шеърига басталанган «Жаннат масканим» қўшиғи мисол бўлиши мумкин.

Эътиборли жиҳати шундаки, қўшиқ куйи ўзининг квинта оҳанг сакрамалари, фригий парда айламалари, синкопали ритм ҳаракатлари билан ҳалқ қўшиқларига<sup>1</sup> хос бадий аломатларни эслатади. Бу ҳол қуйида бошлангич жумлалари қиёс этилган мисолларда яққол аён бўлади.

### ЖАННАТ МАСКАНИМ

The musical score consists of two staves of music. The top staff is in 2/4 time, G major, featuring a vocal line and a piano accompaniment. The lyrics in Russian are: "Уз - бе - кис - тон, яш - на бу - юк Ве - та". The bottom staff is also in 2/4 time, G major, featuring a vocal line and a piano accompaniment. The lyrics in Russian are: "Дун - е - ал тен - ги йўқ іў - зал ча - ма - ним".

### БУХОРЧА II

м.м. = 108-112

A single staff of music in G major, 8/8 time, featuring a vocal line and a piano accompaniment.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбек ҳалқ мусиқаси, IV том. Тўпловчи ва нотага олувчи Ю.Ражабий. Т., Ўзбекистон бадиий адабиёт нашриёти. 66.350-352

Ушбу мисолларда кўриниб турибдики, ҳар иккала намунадаги куй жумлалари асосий таянч (тоника)да бошланиб квингта пардасига сакрама ҳаракат орқали эришилади ва шу парда (квингта) ярим таянч мавқеига эришади. Лекин уларнинг фарқли томонлари ҳам бор — «Бухорча» халқ куйида нозик (лирик) рақс ҳис этилса, «Жаннат масканим» қўшигига мардонавор ва кўтаринки кайфиятлар ҳукм сурди. Жўрнавоз партиясида куй (горизонталь) чизиги вертикаль кўринишда келиши (квингтага таянган аккордларнинг устуворлиги) ҳам ўзбек композиторлик ижодида қарор топган анъаналарига монандир. Лекин, шу билан бирга, мазкур қўшиқ куйи композиторнинг ижод маҳсулидир.

Хулоса қилиб айтганда, Р.Абдуллаевнинг бу асари ўзининг кўп хусусиятлари билан оммавий қўшиқ жанрига яқиндир. Ва шу билан бирга унда мусиқий эстрада услубига мойилик (айниқса жўрнавозлиқда) сезилади.

Мусиқий эстрада услубининг таъсири нафақат оммавий қўтиликларда, балки мадҳия, баллада каби айтим жанрларида ҳам намоён бўлади. Жумладан, Д.Омонуллаевнинг «Шарқ тароналари» I Халқаро мусиқа фестивали мадҳия мусиқаси (У.Азим шеъри) фикримизга далилдир. Бунда муаллиф халқ анъанавий ашулаларига хос қўйидан юқорига пардама-парда оҳанг ривожланиш та-мойилидан моҳирона фойдаланган. Унинг авж нуқтаси ҳам рисоладагидек дастлабки парданинг бир октава юқорилама кўринишига тўғри келади.

*Moderato, maestoso*

Дуи - ё - шинг кўтг - ли - га      сең бер - динг ҳа - ё!

ру - ҳинг - дан О - на Шарқ      х - рал - ди ба - ёт.

Куй - ла - мօд шав - қи - да      мо - ҳир ў - зинг - сан,

Хо - физ ў - зинг - дир - сан, шо - ир ў - зинг - сан.

Жүр бұл-ғын ии-сон-га, мү - си - қа - қа - нот  
 Кү-шиқ-даң күнг-тил-лаր бұл - гу - си бун - әд  
 Кү - шиқ - да үр - тан - ган ти - лак - сан о Шарқ  
 Жүм - да - и жа - дон - га ю - рак - сан, о Шарқ!

Мазкур мадҳиянинг қуй оқанглари миллий «илдиз»-ларга мустаҳкам бойланган қолда, унинг мусиқий эстрадага оид жиҳатлари асосан жүрнавоз (эстрада-симфоник оркестри) партияларнинг ритмик фактура қурилмаларида акс этади.

Күриб ўтилган асарлар мураккаб, серкўлам композиторлик ижодиётининг айрим, лекин муҳим қирраларини акс эттиради.

Бундан ташқари, композиторларимиз болалар учун ҳам эстрада услубида баракали ижод құлмоқдалар. Бу ижод саҳифаларини оммавий қүшиқлардан тортиб «Алифбо»ни ўрганиш билан боғлиқ «таълим» қүшиқлари, саҳнавий мусиқий эртак асарларининг мусиқаси ташкил этади. Бу борада Н.Норхўжаев, А.Мансуров, Д.Омонуллаева, А.Расулов, М. Отажонов, Х.Ҳасанова, Г.Құчқорвалар фаол ижодий меңнат құлмоқдалар.

Таъкид жоизки, болалар эстрада мусиқаси соқасида миллий оқангларни ўзга бадий унсурлар билан ҳамоҳанг этиш масаласи анчагина ижобий натижалар бермоқда. Ҳусусан, Н.Норхўжаевнинг «Салом, қүшиқ байрами», «Капалак ва камалак», Д.Омонуллаеванинг «Туркистан фарзандимиз», «Хұмо құшим», М. Отажоновнинг «Болаларнинг күзлари», «Онажон Ўзбекистон», Х.Ҳасанованинг «Турналар», «Соғлом авлод», Г.Құчқорвалинг «Ўзим айланай», «Бақор» каби қүшиқларида болалар фольклор оқангларига хос жиҳатлар эстрада

музиқасининг айрим услублари («поп-фольк», «поп-рок» ва б.) билан моҳирона уйғунлаштирилган. Шу боис ҳам бундай услубдаги қўшиқлар минглаб ўзбек болалари томонидан севиб тингланади ва куйланади. Мисол сифатида Н.Норхўжаевнинг «Шафтолимга саволим» қўшиғи эътиборимизни ўзига тортади. Композитор шафтоли меваси васф этилган П.Мўмин шеърига куй басталаш жараёнида халқимизнинг мавсумий маросим айтим оҳангларидан усталик билан фойдаланади. Бу оҳанглар асосини эса бизгача болалар фольклори таркибида етиб келган («Бойчечак», «Читтигул», «Лайлак келди», «Чамандагул» ва б.) квартга-квинта сакрамалари ташкил этади. Муҳими муаллиф бу каби оҳангларни жаз музикасининг «свинг» услуби билан ҳамоҳанг эта олганлигидадир. Бу ҳолат нафақат жўрнавозда, балки куйнинг ритмик тузилмасида ҳам яққол кўзга ташланади.

Шаф-то-лим, оқ шаф-то-лим оҳ шаф-то-лим оҳ, шаф-то-лим.  
Ки-зи - лу-оқ, ки-зи - лу оқ, ки-зи - лу оқ шаф-то-лим.

А.Мансуровнинг «Оқ теракми, кўк терак?» қўшиғига ҳам халқимиз мавсумий маросим ўйин айтими асос бўлган. Лекин бу ўринда ижодкор машҳур ўйин айтими ни «жаз-рок» услуби билан уйғунлаштирган ҳолда қайта ифода этишга муваффақ бўлган. Натижада композитор ижодининг маҳсули бўлган оригинал қўшиқ юзага келган. Жумладан, «Оқ теракми, кўк терак?» халқ анъанавий ўйин айтими тор овоз (квинта) доираси ва бир тизимли оддий ритмик кўринишга эга:

М.м. = 80

Musical notation for the first part of the song 'Оқ теракми'. The music is in common time (2/4), key signature is A major (no sharps or flats). The lyrics are: 'Оқ теракми, күк терак, биздан сизга ким ке-рак?' followed by a repeat sign and 'Жажжыңи - на ке-рак.' The vocal line consists of eighth and sixteenth notes.

Бундан фарқли ўлароқ А.Мансуровнинг Х.Қаюмовнинг шеърига басталаган «Оқ теракми, күк терак?» қўшиғи анчагина ривожланган (банд-нақоратли) шаклда на-моён бўлади. Композитор халқ айтимида келган кичик қамровли оҳанг тузилмасини турли варианtlар асосида ривожлантиришга интилган. Бунда айниқса жонли ва рақ-сбоп ритмик ҳаракатлар муҳим ўрин тутади.

Musical notation for the second part of the song 'Оқ теракми'. The music is in common time (2/4), key signature is A major. The lyrics are: 'Оқ теракми күк терак биздан сизга ким ке-рак' followed by a repeat sign and 'Узиши, иши аъло,'. The vocal line includes eighth and sixteenth notes, and the piano accompaniment features eighth-note chords. The page number 105 is at the bottom right.



Композиторнинг «Бу чаманзор кимники» қўшиғида эса «рэп» услубига хос бадий хусусиятлар миллый оҳанглар билан узвий боғланган. Шу каби ижодий жараёнларда юзага келган қўшиқлар республика танловларида совринли ўринларни эгаллаши билан бирга, бугунги кунда минглаб ўзбек болалари, ўсмиirlари ва, умуман, кенг тингловчилар қалбидан мустаҳкам жой олмоқда.

Шу билан бирга, композиторларимиз оммага тақдим этаётган қўшиқларнинг барчасини бирдек ижобий баҳолаб бўлмайди. Чунончи, баъзан композитор ўз ижодий услуби доирасидан «четга» чиқиб, «эстрада ҳаваскорлари» йўлларига тақлид эта бошлайди ёки ўзга маданий маконда машҳур бўлган қўшиқ куйларини «ўзлаштириб», унга ўзбек тилидаги шеърий матнларни боғлади. Натижада «муаллиф»ларига шарафли бўлмаган мазмунан саёз қўшиқлар юзага келади. Одатда бу каби қўшиқлар юксак маънодаги чинакам миллыйликдан ҳам узоқ бўлади. «Зоро, ҳар қандай андозада басталанган мусиқанинг миллыйлик, бадий баркамоллик, ўзига хосли», мазмундорлик, таъсирчанлик каби фазилатлари ҳамиша қадрлидир»<sup>5</sup>

Таснифимизнинг иккинчи бандига келсак, «музиқий эстрада» услуби асосида йирик композиторлик асарларини ижод этиш тажрибалари яқин ўтмишда ҳам бўлган. Бунга А.Мансуров, А.Набиев, В.Сапаров, С.Абсалямов каби композиторларимиз асарларини келтириш мумкин. Лекин, бу йўналиш сўнгти йилларда кенг кўламда ривожлана бошлади. Ҳусусан, С.Абсалямовнинг синтезатор учун туркум пьесалари, А.Эргашевнинг қатор болалар саҳнавий асарларига мусиқаси, С.Абсалямовнинг рок-опера устида илк уринишлари, В.Сапаровнинг чол-

ғу гуруҳлар учун кўплаб асарлари фикримизга далил бўлиши мумкин.

Бу йўналишда ҳам эстрада унсурларини миллийлик билан уйғунлаштириш масаласи бир қадар ижобий ечимга келаётганинги кўрамиз. Жумладан, А.Эргашевнинг болалар учун «Балли, улоқча», «Сеҳрли ҳарфлар ороли», «Яраш-яраш» каби саҳнавий асарларга, шунингдек, «Шариф ва Маъриф», «Тилла бола» номли кинофильмларга ёзган мусиқасида эстраданинг бадиий унсурларини миллий оҳанг-ритмлари билан муштарак этишга интилиш сезилиб туради. Шунингдек, М.Маҳмудов, Н.Норхўжаев, А.Ҳасанов, А.Икромов, Қ.Комилов каби бастакорларимиз ижодида ҳам шу каби эътиборли ҳолатларни кузатамиз.

Ва ниҳоят, таснифимиз учинчи бандида қайд этилган мусиқий намуналар композиторлик жанри сифатида мустақил бадиий аҳамият касб этмаса-да, аммо йирик асарларнинг муайян ғоясини ифода этишда (масалан, образлар ифодасида услубий контраст ва б.) мақсадга мувофиқ қўлланилади. Бу каби ижодий вазифалар янги ҳаётнинг ранг-баранг воқелигини турли услублар қиёсида ифода этиш билан боғлиқ юзага келганилигидир. Бунга, масалан, А.Латифзоданинг камер оркестр учун «Амеркалик Тошкентда» регтайми, Э.Солиҳовнинг иккиси рояль, скрипкачилар ва виолончелчилар ансамблари ҳамда симфоник оркестр учун «Концерт куй» каби асарлари мисол бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йилларда композиторларимизнинг мусиқий эстрадага мурожаат этишлари сезиларли даражада ортди. Бу жараёнда композиторларнинг услублари янги жиҳатлар билан бойиди, хусусан куй-оҳанг, гармоник изчиллиги ҳамда шаклларда айрим қирралар кашф этилди, айни пайтда улар (композитор оммага) яқинлашиш ва, шунингдек, мураккаб жанрларда ҳам кенг тингловчилар дидига яқин бўлган «тушунарли» асарлар ижод эта бошлайди. Бундан ташқари, мусиқий эстрада соҳасида (бевосита аранжировка билан ҳам шуғулланувчи) композиторлар замонавий «техник» чолгулар (синтезатор, мусиқий компьютер ва ҳ.)дан фойдаланиш билимларига эга бўлишади.

Ўз навбатида композиторларнинг мусиқий эстрада соҳасидаги фаолиятлари ўлароқ бу жабҳада ҳам росмана бадиий қонун-қоидалар қарор топишига ва шу асосда бадиий етук асарлар ижод этилишига муҳим замин ҳозирланади. Демак, композиторларимизнинг бу соҳада ҳам фаол ижодлари билан карвонбошчилик қилишлари мақсадга мувофиқдир.

## МУНДАРИЖА

Таҳририятдан .....	3
Р.Абдуллаев. Миллий истиқол ва мусиқа (Композитор билан суҳбат) .....	4
Р.Юнусов. Истиқол мағкураси ва мусиқий жараён .....	12
Ф.Кароматли, Н.Янов-Яновская. Мусиқашунослик муаммоларига бир назар .....	23
Т.Ғофурбеков. Ўзбек бастакорлигига муаллифлик масаласига доир .....	36
З.Орипов. Навоий даври мусиқа рисолалари ҳақида .....	47
О.Иброҳимов. Ҳазрат Навоий ва мақом .....	53
Д.Муродова. Мустақиллик даври Ўзбекистон композиторлик ижодиёти тўғрисида .....	65
Р.Абдуллаев. Мутал Бурҳонов ижодида Алишер Навоий сиймоси .....	79
М.Набиева. 1990 йиллар композиторлик ижодида Алишер Навоий назми (Т.Қурбонов, Ҳ.Раҳимов, Б.Лутфуллаев асарлари мисолида) .....	87
Д.Муллажонов. Композитор ва мусиқий эстрада хусусида .....	98

# **ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ НАШР**

## **МУСИҚА ИЖОДИЁТИ МАСАЛАЛАРИ**

*Maқolalap tўplами.*

**II китоб**

Муҳаррир	<b>Н.Нарзуллаев</b>
Мусаввир	<b>Б.Бозоров</b>
Тех.муҳаррир	<b>В.Демченко</b>
Мусаҳдиқ	<b>Ж. Сарибоева</b>
Компьютерда саҳифаловчи	<b>Л.Собирова</b>

**ИБ № 3638**

